Ал-Ваъй

473

Ўттиз тўққизинчи йил чиқиши
Жумодус-соний 1447ҳ- декабр 2025м

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ҒОЯВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Ал-Ваъй минбари

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ВА ЕТАКЧИЛАР НУТҚИДА МАБДАГА СОДИҚЛИК ВА ФИКРЛАР ТИЛИНИНГ ЙЎҚОЛИШИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИРЛАМОҚДА

АМЕРИКА ҲУКМРОНЛИГИНИНГ НИҲОЯСИ ВА ЯҚИН ШАРҚДА ГЕОСИЁСИЙ БЎШЛИҚНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРЛАРИНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИНТИҲОСИ

ФАТҲ СУРАСИ

ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР... БИРЛИККА ЧАҚИРИҚМИ ЁКИ БЎЛИНИШГА?!

ҚОДИРЛИКНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ШАРИАТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ФАРЗЛИГИДАГИ ТАЪСИРИ
(5)

РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АХЛОҚЛАРИ

ҲАР ҚАМАРИЙ ОЙДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ЛИВАН АХБОРОТ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
15.11.1989й БЕРИЛГАН №166 ЛИЦЕНЗИЯСИ
АСОСИДА РЎЙҲАТГА ОЛИНГАН

www.al-waie.org subject@alwaie.org

ҮШБҮ СОНДА

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ВА ЕТАКЧИЛАР НУТҚИДА МАБДАГА СОДИҚЛИК ВА ФИКРЛАР ТИЛИНИНГ ЙЎҚОЛИШИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИРЛАМОҚДА 3

АМЕРИКА ҲУКМРОНЛИГИНИНГ НИҲОЯСИ ВА ЯҚИН ШАРҚДА ГЕОСИЁСИЙ БЎШЛИҚНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ..... 10

ҚОДИРЛИКНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ШАРИАТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ФАРЗЛИГИДАГИ ТАЪСИРИ (5)..... 17

ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРЛАРИНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИНТИҲОСИ 47

ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР...БИРЛИККА ЧАҚИРИҚМИ ЁКИ БЎЛИНИШГА?! 54

ФАТҲ СУРАСИ..... 68

РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АХЛОҚЛАРИ..... 78

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ..... 82

Қуръони Карим суҳбатида..... 91

Яҳуд вужуди – одамларнинг ҳимояси билан оёқда турган ва у узилгандан сўнг тез орада қулайдиган ноқонуний вужуддир 97

Мусулмон мусулмоннинг биродаридир: унга зулм қилмайди ва уни ёрдамсиз ташлаб қўймайди 99

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ВА ЕТАКЧИЛАР НУТҚИДА МАБДАГА СОДИҚЛИК ВА ФИКРЛАР ТИЛИНИНГ ЙЎҚОЛИШИ КЕЙИНГИ БОСҚИЧ УЧУН ЗАМИН ҲОЗИРЛАМОҚДА

Принциплар, қийматлар ва идеологик нутқ тарих давомида давлатлар ва раҳбарлар томонидан бошқалар олдида шунчаки муносиб кўриниш учунгина айтилган чиройли шиорлар бўлмаган. Аксинча, улар давлатлар ва етакчилар учун инсониятни ушбу фикрларга ишонишга ҳамда улар атрофида жипслашишга чорловчи асосий манба вазифасини ўтаган. Ушбу фикрлар муайян қаноат ва раъйи омга айлангач, уларга қарши турган ва уларга бўйсунишни ёки уларни қабул қилишни истамаган озчиликка нисбатан – зарур бўлганда – ўз иродасини куч билан ўтказиш ваколатини ҳам берган.

Капитализм, масалан, феодализм ва теократия давридан сўнг, шахсларнинг ўз манфаатларини давлат аралашувисиз амалга ошириш эркинлиги, муассасалар ва шахслар ўртасидаги эркин рақобат, шахсий манфаат тамойили, шахс ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанат ва уйғунлик, давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги бетарафлиги каби фикрлар билан майдонга чиқди. У ўзи ҳақида – эркинликлар тарафдори, шунингдек Европа ва Америка халқлари куйиб азоб чеккан мустабидлик, табақачилик ва феодализмга қарши деган глобал раъйи омни шакллантирди. Натижада халқлар унга юзландилар ва эски диктаторлик режимларни ағдаришга киришдилар. Уларнинг ўрнига маълум даражадаги эркинлик ва мулкчилик тизимига асосланган, кўпчиликка адолатли бўлиши мумкиндек туюлган, сайланган ҳукуматлар келди. Шундан сўнг, бу мафкура ҳақида чегараларни ҳатлаб ўтган қаноатлар шаклланди ва капиталистик фикрни кўтариб юрувчилар ўз фикрларини мажбуран ўтказиш ҳамда халқларни шу фикр томон етаклаш учун ўзларига йўл ва баҳона топишди.

Сўнгра социализм, жумладан коммунизм вужудга келди. У капитализм пайдо қилган ва ушбу тузумнинг татбиқ этилиши оқибатида ўзлари дуч келган аянчли ҳолатдан ғазабда бўлган камбағал халқлар, мазлумлар ва заифларни ўзига ром этган фикрлар билан майдонга чиқди. Шу боис халқлар ва сиёсий оқимлар коммунизм фикратини қабул қила бошладилар, чунки унда ўзларини ҳалокатга етказган ва қонларини сўрган капиталистлар ва ҳукмрон элиталарга қарши адолат топишлари мумкин деб ўйладилар. Ҳақиқатда Шарқий Европа давлатлари, Россия ва Яқин Шарқда социализм тўғрисида муайян раъйи ом шаклланди. Натижада коммунист раҳбарлар, ўзларининг халқларни қутқаради деб тарғиб қилган фикрларини ёйиш йўлида, куч ишлатиш учун халқлар орасида розилик топа бошлашди.

Кўп ўтмай бу хом хаёллар тарқалиб кетди ва социализм, шу жумладан коммунизмнинг айб-нуқсонлари ва фасоди аён бўлди. Ғарб капитализмнинг янгича қиёфаси – демократия ва умумий эркинликлар шиори остида майдонга қайтди. Шу орқали дунёни ўз фикрати асосида қайта қолипга солишга ҳамда ушбу тушунчаларни ҳимоя қилувчи ва тарқатувчи халқаро муассасаларни ташкил этишга киришди. Россия етакчилик қилган шарқий лагерга қарши курашда ғарбий лагерга АҚШ бошчилик қилди ва бунда АҚШ ва Ғарбнинг қўли баланд келди. Улар ўзлари учун давлатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашиш, демократия ва даъво қилинган эркинликларни ёйиш учун куч ва санкциялар қўллашни оқлайдиган баҳоналарни ҳамда глобал раъйи омни пайдо қилишди. Шу тариқа, биз бугунги кундаги воқеликка етиб келдик ва энди, сўнгги йилларда унда юз берган ўзгаришларни ёритмоқчимиз.

Россия коммунистик шарқий лагерга етакчилик қилди, унинг лагери ғарбий лагер билан рақобатлашди ва маълум бир босқичда уни енгишига оз қолди ёки у билан тенглашди. У бундай мавқега инсоният ва халқларнинг халоскори сифатида тарғиб этилган идеологик нутқ, қийматлар ва фикрлар орқали эришганди. Агар ушбу фикр ва тушунчалар бўлмаганида, Россия

давлатлар ва халқларни ўз атрофида бирлаштира олмасди. Кейин АҚШ Ғарбга етакчилик қилган вақтда демократия, инсон ҳуқуқлари, эркин бозор сиёсати ва эркинликлар байроқдори сифатида етакчилик қилди. У коммунистик тўлқинга қарши туриш ва ниҳоят уни мағлуб этиш учун Ғарб халқлари ва давлатларини ўз атрофида жипслаштирди. АҚШ уларни куч ёки нуфуз билан эмас, балки идеологик нутқ, қийматлар ва фикрлар воситасида жамлади.

Бунинг қаршисида Хитой, масалан, на дунёга, на унинг бирор қисмига ва на бирор минтақага етакчилик қилиб, уларни ўз мақсад ва интилишлари сари бошлай олди. Чунки у бирор идеологик фикрни қабул қилиб, уни тарғиб қилмади, балки коммунизм даврида Россия атрофида ва у билан бирга айланиб юрди, холос. Кейин Совет Иттифоқи қулагач, Хитой Ғарбга қўшилди ҳамда капитализм ва коммунизмнинг муваффақиятсиз қоришмасини пайдо қилди. Шу сабабли ҳам Хитой – кенг ҳудуд, улкан аҳоли сони, бой ресурслар, ҳозирги тараққиёти ва иқтисодига қарамай – дунёга ёки салмоқли вазнга эга давлатларга етакчилик қила олмади.

Дунёга, халқларга ва уларнинг бир қисмига етакчилик қилиш масаласи – раҳбар ва давлатнинг бошқаларни ўз атрофида жамлай олиш қобилиятига боғлиқ. Бу жараён бошқалар қабул қиладиган ёки эътиқод қиладиган фикрлар ва ҳазорат воситасида амалга ошади. Илгари мусулмонлар дунёга етакчилик қилганлар. Ислом давлати ўн асрдан зиёд вақт давомида дунёнинг биринчи давлати бўлиб келган. Ушбу етакчилик уларнинг фикри, ҳазорати ва қийматларига таянган бўлиб, мазкур омиллар уларнинг қиличи, иқтисоди ва ҳарбий қудратидан устун турган.

Зеро, умматлар ва халқлар таёқ билан ҳайдаладиган қўй подаси эмас. Сен бирор халқ ёки давлатни маълум муддат ёки муайян бир босқичда куч билан бўйсундиришга муваффақ бўлишинг мумкин, бироқ уларни узоқ вақт ўзингга эргаштиришга ёки атрофингда жипслаштиришга асло қодир бўлолмайсан. Чунки тез орада ишлар назоратдан чиқади ва бошқалар бўйинтуруқ ва

таёқдан халос бўлиш ҳамда озодликка эришиш учун фурсат топадилар.

Бугун АҚШ ва Ғарб раҳбарларининг, айниқса, Трамп ва унинг Оқ уйдаги жамоасининг баёнотларини кузатган киши, дунё ва унинг халқларига йўналтирилган идеологик ва фикрий нутқнинг йўқолганини яққол ҳис қилади. Совет Иттифоқи парчаланганидан буён АҚШ ўзини дунёда эркинликлар, демократия ва инсон ҳуқуқларининг байроқдори ва ҳимоячиси сифатида тақдим этиб келар эди. Бироқ бугун бундай даъволар ортга сурилди. Аксинча, унинг нутқи куч, кибр ва худбин манфаатлар мантиғига айланди. Трамп ўз қарорлари ва лойиҳаларини «мен энг кучлиман ва ўз истагимни бошқаларга мажбуран ўтказа оламан» деган руҳда тарғиб қилмоқда. Трамп ҳатто АҚШнинг тарихий иттифоқчилари бўлган Европа давлатларига ҳам ҳужум қилиб, уларни заифлар ва қуруқ гапдан бошқасига ярамайдиганлар, деб атади. «Politico» журналига берган интервьюсида у Европа етакчиларини заиф ва қатъиятсиз деб таърифлади. Трампнинг таъкидлашича, уларнинг ҳаддан ташқари «сиёсий андиша»га (политкорректность) берилиб кетгани қитъани миграция ва минтақавий низолар каби ҳаётий муҳим масалалар қаршисида ожиз қолдирмоқда. У жумладан: «Менимча, улар ҳаддан ташқари «сиёсий андиша»ли бўлишмоқчи, улар нима қилишни билишмайди. Европа нима қилишни билмайди», деди.

Шунингдек, Трамп Туркия президенти Эрдўған, Сурия президенти Аҳмад Шараъ, Саудия валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад ибн Салмон ва Россия президенти Владимир Путинга – уларни «кучли» деган эътиборда – ўз ҳайратини изҳор қилди!

Трамп Сурияда содир бўлиб, америкалик аскарларнинг ўлимига олиб келган ҳужумдан кейин ҳам Сурия президенти Аҳмад Шараъга бўлган ишончи давом этаётганини таъкидлаб, уни «кучли шахс» деб атади. Шунингдек, Трамп Мисрдаги Ғазо саммити олдидан Эрдўған билан бўлган суҳбатида унинг таржимонига мурожаат қилиб: «Дўстим, бу одамнинг нақадар кучли эканини биласизми? Мен уни яхши кўраман, чиндан ҳам

яхши кўраман», деди ва уни «жуда кучли шахс», деб таърифлади.

Ҳатто Трамп ва унинг маъмурияти томонидан танқидга олиниши кутилган Россия президенти Путинга нисбатан ҳам, ўз ҳайратини яширмади. Оқ уйнинг собиқ юқори лавозимли масъулларидан бирининг таъкидлашича, Трамп Путинни унинг кучлилиги ва ўз юрти устидан тўлиқ назоратга эга экани учун қадрлайди. У яна, АҚШ президенти бошқаларга қараганда айнан кучли раҳбарларни кўпроқ яхши кўришга мойиллигини қўшимча қилди.

Шунингдек, Муҳаммад ибн Салмон билан Қатар амирига ҳам, уларнинг иқтисодий қудрати ва молиявий имкониятлари сабабли ҳайратини изҳор қилди.

АҚШ маъмуриятининг диққат маркази куч, маблағ ва иқтисоддир, буни Трамп ва унинг жамоаси яширмайди, балки бу омил уларнинг нутқлари ва ҳаракатларида яққол устуворлик касб этмоқда. Ҳатто Трамп ва унинг маъмурияти MAGA (Американи яна буюк қилинг) шиоридан туғилган. Бу ўз қобиғига ўралишга асосланган шиор бўлиб, тоифавий йўналиш касб этади, унинг илк оқибати эса – Трамп ва унинг тарафдорлари меъёрларига кўра, америкалик бўлмаган ҳар қандай кимсани қабул қилмасликдир. Бу ҳолатни воқеаларнинг ўзи тасдиқламоқда ва уларнинг энг кўзга кўрингани Ички хавфсизлик вазирлиги таркибидаги Миграция ва божхона назорати (ICE)нинг рейдларидир. Гарчи ICE маҳаллий давлат муассасаси бўлса-да, бугунга келиб дунё миқёсида машъум ном чиқарди. Зеро, бутун дунё биринчи давлатнинг мавқеи ва етакчилигини мунтазам кузатади ва унга айнан шу каби амалий қадамлар асосида баҳо беради.

Бугунги кунда АҚШ ва унинг қилмишлари уни дунё етакчилиги шоҳсупасига олиб чиққан қийматлар, принциплар ва идеологик нутқ билан тескари келиб қолди. Бу эса давлатлар ва халқларнинг АҚШ атрофидан тарқалиб кетишларини, унинг атрофида жипслашиш ўрнига муқобил оқимлар ва йўналишларни излашларини англатади. Бу ҳолат нафақат

Америкага, ундан-да кўпроқ Европа давлатлари ва бошқа йирик кучларга ҳам тегишли. Чунки улар дунёга етакчилик қилишда ҳеч қачон Америка даражасига чиқмаган, улар ҳам, раҳбарлари ҳам Америкадан заифроқ ва ёмонроқ аҳволдадир.

АҚШ етакчилик қилган Ғарб тафаккурига энг яқин бўлган Европа давлатлари мудофаа сиёсати, иқтисодиёт ва глобал муаммоларга нисбатан сиёсий позицияларида АҚШдан аста секин узоқлашиш йўллари ва режаларини танлай бошлади. Бироқ заифлиги сабабли ҳозирча Америкадан бутунлай ажрала олмади, бу фақат вақт масаласи, холос. Шунингдек, Лотин Америкаси давлатлари, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар ҳам ўз имкониятлари ва мавжуд муқобил вариантлар доирасида АҚШ таъсиридан қутулишга интилмоқда. Бу ҳолат дунёда ўз қийматлари ва фикрлари билан халқларни бирлаштирадиган ва давлатларни ўзига тортадиган янги етакчи пайдо бўлгунга қадар давом этади.

Шубҳасиз, кўриниб турган ва истиқболдаги воқелик доирасидаги ягона номзод – келажакдаги Исломий давлатдир. У дунёга яна етакчилик қилишга ва халқларни ўзига жалб этишга ҳақиқатан лойиқ кучдир. Чунки неча-неча авлод капитализм ва социализмнинг зулми ва бадбахт ҳаёти остида эзилиб келгандан кейин, бугун дунё ушбу Ислом давлати олиб келадиган мабда ва қийматларга ниҳоятда муҳтож. Агар АҚШ етакчилигидаги Ғарб идеологик нуткдан ҳамда мабда ва қиймат тилидан воз кечишда давом этаверадиган бўлса –бунинг эҳтимоли анча кучли – у ҳолда, у ўз қулаши ва чекинишини янада тезлаштиради. Бу эса Исломнинг юксалиши ҳамда уни ҳокимият ва етакчилик сари қайтаришга бўлган ирода ва истакнинг кучайишига хизмат қилади.

Бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар келгуси босқич учун замин ҳозирламоқда. Бу – ўз халқларига ва дунё аҳлига тақдим этадиган ғояси қолмаган, маънавий ва сиёсий жиҳатдан таназзулга учраган ҳозирги етакчиликларнинг заволга юз тутиши ҳамда дунёни бошқарадиган ва халқларни ўз атрофида жипслаштирадиган янги етакчиликнинг майдонга чиқиши

босқичидир. Биз Исломни дунё учун ҳазорий ва қиёдий (етакчилик) альтернатива сифатида тилга олганимизда, инсоният илгари гувоҳи бўлган тарихи, илдизлари ва тажрибасига эга бир ҳазорат ва етакчиликни назарда тутамиз. Шундай экан, бу жараён эндиликда фақат вақт масаласи бўлиб қолмоқда. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَتِلۡكَ ٱلۡأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيۡنَ ٱلنَّاسِ﴾

***«Бу кунларни** (яъни нусрат ва мағлубият кунларини) **одамлар орасида айлантириб турамиз»**.* [Оли Имрон 140]

Яна айтади:

﴿إِنَّ ٱلۡأَرۡضَ لِلَّهِ يُورِثُهَا مَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦۖ وَٱلۡعَٰقِبَةُ لِلۡمُتَّقِينَ﴾

***«Ер юзи шак-шубҳасиз Аллоҳникидир, уни Ўзи хоҳлаган бандаларига мерос қилиб берур. Оқибат-натижа эса тақводорларникидир»**.* [Аъроф 128]

АМЕРИКА ҲУКМРОНЛИГИНИНГ НИҲОЯСИ ВА ЯҚИН ШАРҚДА ГЕОСИЁСИЙ БЎШЛИҚНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШ ТАҲЛИЛИ: «АМЕРИКАЧА ЯҚИН ШАРҚ» МОДЕЛИДАН ҚУТБЛАРДАН КЕЙИНГИ ДУНЁ САРИ

Профессор Муҳаммад Малковий

Муқаддима: Завол даври

Совуқ уруш якунланганидан буён Қўшма Штатлар дунё узра ҳукмронлигининг энг юқори чўққисига чиққандек кўринди.

Совет Иттифоқи парчаланди, социалистик режимлар қулади ва Фукуяма башорат қилганидек «тарих интиҳоси» эълон қилинди. Американинг либерал тизими дунёни тартибга солишнинг мумкин бўлган ягона қолипига айланди. Бироқ ўша ҳукмронлик устунлари қад ростлаган минтақа – Яқин Шарқнинг ўзи бугун мазкур бинонинг дарз кетаётганини фош этмоқда.

XXI асрнинг сўнгги 20 йили туб бурилишни фош этмоқда: Американинг шиддат билан чекиниши ва етмиш йилдан буён Ғарб ҳукмронлигига таянч бўлиб келган минтақавий тизимнинг парчаланиши. Ушбу китоб мазкур ҳолатни «Яқин Шарқда геосиёсий бўшлиқнинг юксалиши» деб таърифлайди. Бу бўшлиқ кучларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетганини эмас, балки уларни тартибга солиш қобилиятининг йўқолганини ҳамда илгари мустаҳкамдек туюлган нуфуз тизимининг дарз кетганини англатади.

Юксалишдан чекиниш сари

Ўтган асрнинг 90-йилларида Вашингтон халқаро тизимнинг якка ҳокими сифатида иш юритди. Зеро, айнан у уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилар, санкциялар жорий этар, режимларни ағдарар ва давлатларни қайта тиклар эди. Бироқ кейинчалик у олиб борган у олиб борган Афғонистондан Ироққача, сўнг «терроризмга қарши кураш»гача ёйилган урушлар ҳукмронлик воситаси бўлиш ўрнига, инқироз ўчоқларига айланиб қолди. Америка бу урушлардан ҳолдан тойган, тартиб ўрнатишга ожиз, ишончдан маҳрум ҳамда

иқтисодий ва маънавий масъулият юки остида қолган ҳолда чиқди.

Муаллиф ўз таҳлилида шундай дейди: «Империяларнинг заволи ташқаридан бошланмайди, балки куч-қудратга берилиб кетган лаҳзадан бошланади». Вашингтон: ҳукмронлик абадий бўлиши мумкин, бойлик, оммавий ахборот воситалари (тарғибот) ва қурол-яроғ «тарихни тўхтатиб қўйиш» учун кифоя қилади, деб ўйлаган пайтда айнан мана шу касалга йўлиққан эди.

Бироқ Кобулнинг қулашидан тортиб, Ироқ, Сурия ва Яманда Америка таъсирининг чилпарчин бўлишигача бўлган воқеалар шуни кўрсатдики, агар куч ахлоқий принциплардан холи равишда ишлатилса, ўз эгаси учун оғир юкка айланади.

«Америкача Яқин Шарқ модели»нинг қулаши

Китобда таъкидланишича, Америка ҳукмронлигининг бош таянчи «Яқин Шарқнинг (4+2) модели» деб номланган тизим эди. Бу модель минтақани икки йирик халқаро куч (АҚШ ва Россия) назорати остида тўртта минтақавий давлат (Эрон, Туркия, Саудия ва “Исроил”) орқали бошқаришни назарда тутарди. Бу формула Вашингтон учун энергия йўлларини назорат қилишни, ҳар қандай кутилмаган иттифоқлар тузилишига йўл қўймасликни ҳамда минтақавий зиддиятларни «бошқариш мумкин бўлган даражада» ушлаб туришни кафолатлар эди.

Бироқ бу формула ичкаридан емирила бошлади:

Туркия аста-секин НАТО ўқидан сирғалиб чиқиб, Москва ва Пекин орасида мувозанат излаётган мустақил бир қутбга айланди.

Эрон санкциялар қаршисида метиндек турди ҳамда Ироқ, Сурия, Ливан ва Яманда ўз таъсир доирасини янада кенгайтирди.

Саудия Американинг хавфсизлик кафолатларига ишончини йўқотгач, ўз иттифоқларини диверсификация қилишни (турфа хилликни таъминлашни) бошлади.

“Исроил” ” ўзининг ички зиддиятларига ғарқ бўлди ҳамда Ғазо, Ливан ва Ғарбий соҳилда очиқ тўқнашувларга дуч келди.

Бу эса унинг ҳарбий устунлиги чекланган эканини фош қилиб қўйди.

Россия эса 2015 йилда Сурияга ҳарбий жиҳатдан аралашганидан сўнг, шунчаки «иккинчи даражали кафил» бўлиб қолмади, балки минтақа марказида Вашингтоннинг сиёсий ва ҳарбий рақибига (тенг кучли рақибга) айланди. Шу тариқа, Америка ўрнатган тизимнинг устунлари ичкаридан емирилди, натижада Вашингтон нафақат рақибларига, балки ҳатто ўз иттифоқчиларига ҳам ўз иродасини ўтказишга ожиз бўлиб қолди.

Геосиёсий бўшлиқ: Жиловлайдиган куч ғойиб бўлганда

Муаллиф «геосиёсий бўшлиқ» деб атаган ҳолат – кучларнинг жисмоний мавжудлигининг йўқолиши эмас, балки улар ўртасидаги мувозанатни бошқариш қобилиятининг йўқолганидир. Зеро, Американинг қудрати ҳамон улкан, бироқ у воқеалар ривожини белгилаб бериш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Чунки Вашингтон ўзининг энг муҳим унсури – баён (нарратив) ҳукмронлигини бой берди.

Илгари ҳар қандай инқироз – Кўрфаз урушларидан тортиб, «араб баҳори»гача – фақат Американинг талқини (нарративи) орқали ўрганилар эди. Бироқ бугун ушбу ахборот ва нарратив монополияси парчаланди. Чунки халқлар ўз платформаларига эга бўлди ва дунё Ғазо, Украина ёки Судандаги уруш манзараларини энди фақат Оқ уй нигоҳи билан эмас, балки турли ракурслардан кузатмоқда.

Бу бўшлиқ албатта янги бир куч томонидан тўлдирилиши шарт эмас, аксинча, у минтақани турли кучлар ўртасидаги очиқ рақобат майдонига айлантириши мумкин. Бу майдонда бир томонда Россия ва Хитой, иккинчи томонда Эрон ва Туркия, яна бир томонда эса, нодавлат субъектлар (турли гуруҳ ва ҳаракатлар) тўқнаш келади.

Бироқ муаллиф бу вазиятда ноёб тарихий имкониятни кўради. Чунки Америка ҳукмронлигининг чекиниши минтақавий тартибни янги асосларда қайта белгилаш (шакллантириш) учун йўл очади.

Ўзгараётган дунёда Яқин Шарқ

Кўп қутбликдан кейинги дунёда Яқин Шарқ шунчаки иккинчи даражали саҳна бўлишдан тўхтади, аксинча у халқаро тартибни қайта шакллантирувчи марказий майдонга айланди. Энергия учун курашлар, денгиз йўллари, технология ва инфратузилма лойиҳалари – буларнинг барчаси айнан шу ердан (Яқин Шарқдан) ўтади.

Бироқ, асосий фарқ шундаки, минтақа давлатлари – ўнлаб йиллар қарамликдан сўнг – геосиёсий онгга эга бўла бошлади ва эндиликда мустақил қарор қабул қилиш йўлларини изламоқда.

Муаллифнинг таҳлилига кўра, минтақа раҳбарларидан янги авлод Вашингтонни хавфсизликнинг ягона кафолати эмас, балки хавф-хатар манбаларидан бири сифатида кўрмоқда. Шу сабабли «мослашувчан иттифоқлар» юзага келмоқда:

Хитой ҳомийлиги остидаги Саудия-Эрон яқинлашуви.

Туркия-Миср алоқаларининг босқичма-босқич ривожланиши.

Ҳиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари ва Россиянинг БРИКС каби янги иқтисодий блокларга кириши.

Буларнинг барчаси минтақанинг интеллектуал харитасини қайта чизмоқда. Энди садоқат ришталари ўзгармас мақомга эга эмас, сиёсий блоклар ҳам ёпиқлигича қолмаяпти. Яқин Шарқ – охирги бир аср давомида илк бор – Сайкс-Пико харитасидан ташқарида фикрлай бошлади ва ўз-ўзидан шаклланадиган янги мувозанатларни изламоқда.

Қудрат сароблари: Империя чекинишга ожизлик қилганда.

Муаллиф зукколик билан бир зиддиятни илғаган: Қўшма Штатлар ўз қудрати сўнаётганини англаб турибди, бироқ қандай қилиб чекинишни билмаяпти. Зеро, буюк империялар мағлуб бўлганида эмас, балки аввалгидек қолишда оёқ тираб туриб олганида ҳалок бўлади.

Шу боис Вашингтоннинг тартибсиз сиёсатлари юзага келмоқда:

Афғонистондан ҳеч қандай стратегиясиз чиқиб кетиши.

Таъсирини йўқотадиган даражада кетма-кет санкциялар бериши.

Ахлоқий ва сиёсий бадали (товони) жуда юқори бўлишига қарамай, «Исроил” ни мутлақ қўллаб-қувватлаши.

Қисқа муддатли ва манфаатга асосланган иттифоқлар орқали таъсир кучини қайта тиклашга бўлган уринишлар.

Бироқ бу сиёсат ҳукмронликни қайта тикламади, аксинча, муқобил кучга бўлган эҳтиёж ҳиссини глобал миқёсда кучайтирмоқда. Шу тариқа, Американинг ўз мавқеини сақлаш йўлидаги ҳар бир мудофаа қадами ўз нуфузини емириш сари ташланган навбатдаги қадамга айланмоқда.

Бўшлиқнинг кучайишими ёки янги тартибнинг бошланишими?!

Муаллиф муҳим бир саволни ўртага ташлайди: Биз ҳақиқатан ҳам геосиёсий бўшлиқ қаршисида турибмизми ёки кўп марказли янги тартибнинг дунёга келиш жараёнини (тўлғоғини) кузатяпмизми?

Унинг фикрича, бўшлиқ ҳар доим ҳам хавф-хатар эмас, балки янги пойдевор қўйиш лаҳзаси ҳам бўлиши мумкин. Зеро, Америка ҳукмронлиги минтақада тарихни «музлатиб» қўйган ва кучлар мувозанатини сунъий равишда ушлаб турган эди. Бугун эса бу ҳукмронликнинг ларзага келиши миллатларнинг ўз иродасига (ўзлигига) қайтишига имкон бермоқда. Бу эса кучларнинг тобелигига эмас, балки уларнинг кўплигига асосланган янада табиий минтақавий тартиб учун замин яратмоқда.

Бироқ ушбу имконият – муаллиф таъкидлаганидек – шунчаки янги қутблар билан уйғунлашиб кетиш эмас, балки халқларнинг ўз мустақил ҳазорий лойиҳасини ярата олиш қобилиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Агар Яқин Шарқ Вашингтонга қарамликдан Пекин ёки Москвага қарамликка ўтса, бўшлиқ тўлдирилмайди, балки фақат унинг шакли ўзгаради, холос.

Сиёсий Ислом ва ўзликка қайтиш

Ушбу ўзгаришлар гирдобида муаллиф энг катта бўшлиқ сиёсатда эмас, балки фикратда деб билади. Америка ҳукмронлигининг йўқолиши минтақа кучлари учун йўл очди, бироқ бу ҳолат ҳали яхлит ҳазорий лойиҳани юзага келтиргани йўқ.

Шу боис, эски савол янги кўринишда қайтмоқда: Исломий Уммат дунёга ўз мустақил қарашини тақдим эта оладими?

Исломий ҳаракатлар дуч келган четлаштириш, тазйиқ ва обрўсизлантиришга қарамай, ҳануз ушбу бўшлиқни тўлдиришга қодир ахлоқий ва маънавий хазина бўлиб қолмоқда. Бироқ муаллиф огоҳлантирадики, ўзликка қайтиш – ёпиқлик ёки тарихий романтизм (ўтмиш билан овуниш) дегани эмас. Балки бу исломий фикратни халқаро миқёсда рақобатлаша оладиган замонавий сиёсий лойиҳага айлантиришни англатади. Муаллиф буни «0+1 модели», яъни ташқи кафилга муҳтож бўлмаган мустақил бирлик тизими деб атайди.

Ҳукмронликнинг тугаши ва янги тарихнинг бошланиши

Китоб хотимасида муаллиф Яқин Шарқ чегараларидан чиқиб, бутун жаҳон тизимига оид фикрий хулосани илгари суради:

«Дунёни бир марказдан бошқарадиган империялар даври тугади. Дунё энди қутбсизлик босқичига қадам қўймоқда. Бунда мувозанатлар тазйиқ билан эмас, балки кучларнинг ўзаро таъсири ва мулоқоти асосида шаклланади».

Ушбу лаҳза – Америка ҳукмронлигининг қулаши лаҳзаси – шунчаки сиёсий воқеа эмас, балки куч ва моҳиятни қайта таърифлайдиган ҳазорий бурилиш нуқтасидир. Вашингтон чекинган вақтда асосий савол «Бу бўшлиқни ким тўлдиради?» эмас, балки «Ғарбнинг либерал ғояси завол топганидан кейин дунёни қайси ғоя етаклайди?» деган шаклда қўйилмоқда.

Муаллифнинг фикрича, айнан мана шу саволда Ислом Уммати учун тарихий имконият яширинган. Бу – дунёга руҳ, адолат ва ақл ўртасида мувозанат ўрнатувчи муқобил моделни тақдим этиш ҳамда инсониятни «манфаат ҳазорати» келтириб чиқарган истеъмолпарастлик ва парчаланиш гирдобидан қутқаришдир.

Хотима: Бўшлиқ – якун эмас

Америка ҳукмронлиги минтақа халқлари узра тутилган паст шифтга ўхшарди: у одамларни бўрондан ҳимоя қиларди-ю, аммо қад кўтаришига йўл қўймасди. Бугун эса, гарчи тартибсизлик ва қонли воқеалар бўлса-да, бу шифт дарз кета бошлади.

Бу шифтнинг қулаши – гарчи хавфли бўлса-да – минтақанинг ҳақиқий тарихининг бошланиши бўлиши мумкин.

Чунки бўшлиқ – муаллиф айтганидек – «вақтнинг якуни эмас, балки турғунликнинг ниҳоясидир». Модомики, бу бўшлиқ адолатли ва мустақил лойиҳа билан тўлдирилмас экан, уни албатта бошқалар ўз лойиҳалари билан тўлдирадилар. Бироқ ҳозирги лаҳза Яқин Шарққа – бир асрдан бери илк бор – ўз мувозанатини ташқи кучлар томонидан шакллантириш орқали эмас, балки ўз иродаси билан яратиш имкониятини бермоқда.

Шундай қилиб, Америка ҳукмронлигининг ниҳояси дунё учун фожиа эмас, балки янги бир тарихнинг бошланишидир…

Бу гал тарих Яқин Шарқ ҳақида ёзилмайди, балки бу тарихни унинг ўзи ёзади.

ҚОДИРЛИКНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА ШАРИАТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ФАРЗЛИГИДАГИ ТАЪСИРИ (5)

Бешинчи ва охирги ҳалқа

Устоз Соир Салома

Уруғга эга бўлган киши қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади: Озиқ-овқат хавфсизлиги – қамал қаршисидаги қурол ва ҳимоя воситаси сифатида

Муқаддима: «Тезкор уруш» (блицкриг) даври тугагандан кейинги қамал қилиш мафкураси

Бевосита урушларда ўнлаб йиллар давомидаги қимматга тушган тажрибалардан сўнг, Ғарб кучлари учун энг маъқул танлов – кенг кўламли босқинчилик ўрнига, иқтисодий, молиявий ва технологик қамаллар ҳамда таъминот занжирларини ўзгартириш орқали низоларни узоқдан туриб бошқариш бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан озиқ-овқат – айниқса буғдой – сокин стратегик қурол сифатида майдонга чиқади: у импорт манбаларини, харид ва молиялаштириш шартномаларини, уруғларнинг интеллектуал мулк қоидаларини ҳамда қишлоқ хўжалигидаги рағбатлантириш тизимини назорат қилади. Оқибатда, битта ҳам танк ишлатилмасдан, барқарор қарамлик тизими шакллантирилади.

Озиқ-овқат қарамлиги тарихан қандай шакллантирилган эди?

1) Шартли савдо ва озиқ-овқат ёрдами: харид ва молиялаштириш манбаларини узоқ муддатли назорат қилиш ҳамда таъминотни ички сиёсий ва иқтисодий шартларга боғлаш.

2) Уруғлар ва интеллектуал мулк қоидалари: ўсимлик навларини ҳимоя қилиш ва тижорат патентларини жорий этиш натижасида деҳқонларнинг ҳимояланган нав уруғларини лицензиясиз қайта экиш имконияти чекланади ва бу жараён аста-секин маҳаллий уруғларни тижорий навлар билан алмаштиришга олиб келади.

3) Экин майдонлари таркибини шакллантириш: дон ва дуккакли экинлар ҳисобига экспортга йўналтирилган даромадли экинларни (сабзавот, мева, гул) етиштиришни рағбатлантириш натижасида буғдой тақчиллиги кучаяди ва озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар қандай ташқи зарба сабабли издан чиқиши мумкин бўлган ҳолатга келади.

4) Тегирмонлар ва портлар инфратузилмаси: улар инқирозлар (ёқилғи таъминоти узилиши, порт ёки ғалла омборининг ишдан чиқиши, валюта курсининг ўзгариши) пайтида манёвр қилиш имконияти заифлашадиган тарзда биргина тугун нуқтада марказлашган.

Араб давлатлари мисолидаги далиллар

Миср: кенг кўламли буғдой базасига таянган тизимдан импортга кучли даражада қарамликка босқичма-босқич ўтиш. Шу билан бирга, субсидияланадиган нон тизими ижтимоий хавфсизлик клапани сифатида сақланиб қолмоқда, аммо у жаҳон нархлари ва спот бозоридаги ўзгаришларга боғлиқ.

1990-йиллардаги Ироқ: узоқ давом этган қамал шароитида давлат умумий тақсимот тизимига (озиқ-овқат карточкаси ва ягона озиқ-овқат тўплами) мурожаат қилди. Бу тизим аҳолини калорияларнинг энг кам миқдордаги истеъмоли билан таъминлади. Кейин эса назорат остидаги молиялаштиришни таъминлаш учун «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури жорий этилди. Тажриба шуни кўрсатдики, захиралар ва тақсимотни қатъий бошқариш фалокат кўламларини камайтиришга қодир, аммо бу маҳаллий ишлаб чиқариш салоҳиятини шакллантириш заруратини бартараф этмайди.

Сурия: урушдан олдин буғдой билан ўзини ўзи таъминлашга яқин эди. Кейин эса қурғоқчилик йиллари, ҳудудларнинг парчаланиб кетиши ва ёқилғи таъминотининг қисқариши ишлаб чиқариш ҳамда таъминотга жиддий босим ўтказди. Шунга қарамай, мавжуд салоҳият – ер, тажриба ва маҳаллий уруғлар – самарали бошқарув мавжуд бўлса, қайта оёққа туриш имкониятини сақлаб қолди.

Янги тикланган Ислом давлати учун озиқ-овқат масаласининг хавфлилиги: ҳар қандай кенг қамровли қамал бир-бири билан боғлиқ бўлган тўртта соҳани нишонга олади: дон маҳсулотлари (буғдой/арпа); ун тортиш ва нон ишлаб чиқариш тизими учун энергия ва ёқилғи; импорт шартномаларини амалга ошириш учун валюта ва молиялаштириш; нархларнинг ошиши орқали жамоатчилик фикрини қайрашга қаратилган ахборот талқини. Ушбу ҳалқалардан бирининг издан чиқишиёқ сиёсий беқарорликни келтириб чиқариш учун етарли. Шунинг учун озиқ-овқат хавфсизлиги фақат эркин бозор мантиғи билан эмас, балки мустаҳкам сиёсатлар тизими асосида бошқариладиган суверенитет устуворлигига айланади.

Озиқ-овқат суверенитетининг асос солувчи тамойиллари:

Уруғ суверенитети: деҳқонларга очиқ чангланадиган маҳаллий уруғларни сақлаш ва кўпайтириш имкониятини қонуний ва амалий жиҳатдан таъминлаш, шунингдек, жамоий ва ҳудудий уруғ банкларини ташкил этиш.

Сув ва энергия: дон ва дуккакли экинларни суғориш тизимини ҳимоя қилиш ҳамда ун тортиш ва нон ишлаб чиқариш тизими учун марказлашмаган энергия манбаларини (қуёш энергияси ва фавқулодда вазиятлар учун дизель) йўлга қўйиш.

Ер ва экинларни режалаштириш: Экин майдонларини буғдой, арпа, ясмиқ (чечевица) ва нўхат етиштиришга қайта йўналтириш (озиқ-овқат ва оқсил хавфсизлиги мажмуаси) ҳамда сувни кам талаб қиладиган ва қурғоқчиликка чидамли экинларни алмашлаб экиш.

Таъминот занжири: тарқоқ жойлаштирилган ғалла омборлари, мослашувчан оператив захира, тегирмонлар ва новвойхоналар учун эҳтиёт қисмлар ҳамда ички муқобил транспортировка режалари.

Нарх-наво ва ижтимоий бошқарув: маҳаллий буғдой ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган давлат харид нархи, нон нархининг максимал чегарасини белгилаш ҳамда ишлаб чиқариш рағбатларига зарар етказмаган ҳолда ижтимоий

жиҳатдан заиф қатламларни ҳимоя қиладиган манзилли субсидия дастурини жорий этиш.

Қамал шароитида жавоб чоралари режаси: биринчи кундан уч йилгача

0-90 кунлар: Тезкор бардош бериш босқичи

Дон, ун, ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар захираларини миллий хатлов (инвентаризация) қилиш, аҳоли жон бошига ўртача истеъмол миқдорини ҳамда хавфсиз сарфлаш меъёрини белгилаш.

Аҳолига энг кам калория меъёрини кафолатлайдиган озиқ-овқат карточкалари тизимини жорий этиш ҳамда хусусий тегирмон ва новвойхоналарни миллий пудратчилар сифатида тизимга жалб қилиш.

Саломатлик хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда, ун чиқариш меъёрини вақтинча ошириш ҳамда унни маҳаллий донлар (арпа, маккажўхори, сорго) билан босқичма-босқич аралаштириб бориш.

Ғамлаб олиш ва контрабандага қарши самарали ҳуқуқий ва назорат чораларини қўллаш ҳамда новвойхоналарга ажратиладиган субсидияни белгиланган квота ва сифат талабларига риоя қилиш шарти билан боғлаш.

Таъминот занжирларининг тезкор заифлик харитасини тузиш: стратегик аҳамиятга эга тегирмонлар, кўприклар, ғалла омборлари ва транспорт йўлакларини аниқлаш ҳамда улар учун фавқулодда ҳолатларга мўлжалланган ёқилғи захирасини ажратиш.

3-12 ойлар: маҳаллий таъминотни жадал кенгайтириш

Қишлоқлар ва шаҳарчалар тармоғи орқали маҳаллий уруғларни кўпайтириш ҳамда навнинг тозалигини таъминлаш учун содда тозалаш ва қадоқлаш шохобчаларини ташкил этиш.

Арпа ва қурғоқчиликка чидамли донли экинлар экиладиган лалми майдонларни икки бараварга ошириш ҳамда оқсил хавфсизлигини яхшилаш ва буғдойга бўлган талабни камайтириш учун дуккакли экинлар майдонини кенгайтириш.

Ҳосилни расмий ғалла омборларига топширишни рағбатлантириш мақсадида буғдой ва арпа учун эълон қилинган нарх асосида давлат таъминоти шартномаларини тузиш ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари (уруғ ва ўғит) учун олдиндан тўловларни амалга ошириш.

Суғориш энергияси: имкони бўлган жойларда кичик қувватли қуёш насосларини жорий этиш, муҳим суғориш каналларини қайта тиклаш ва суғориш жадвалларини оқилона тартибга солиш.

Ҳосилдан кейинги йўқотишларни камайтириш учун қишлоқ жойлардаги сақлаш шароитларини яхшилаш (омборлар, шамоллатиш ва зараркунандаларга қарши кураш).

1-3 йиллар: Таркибий мустаҳкамлаш ва барқарор суверенитет

Маҳаллий деҳқоннинг ҳимояланмаган навларни сақлаш ва қайта экиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган ҳамда ҳимояланган навларнинг муомаласини адолатли шартномалар асосида тартибга соладиган миллий уруғчилик қонунини қабул қилиш, шунингдек, маҳаллий навларни рўйхатдан ўтказиш бўйича миллий дастурни йўлга қўйиш.

Йирик суғориш тизимларини (мавжуд бўлган жойларда) таъмирлаш ва сув йўқотишларини камайтириш, шўр ерларни мелиорация қилиш ҳамда органик ўғитлар ва компост ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Импорт манбаларини мослашувчан фьючерс шартномалари ва товар айирбошлаш (дон эвазига маҳаллий маҳсулотлар) келишувлари орқали диверсификация қилиш, шунингдек, озиқ-овқат учун истиснолар назарда тутилган муқобил таъминот йўллари ва гуманитар йўлакларни барпо этиш.

Эрта огоҳлантириш кўрсаткичлари: захираларнинг етарлилик даражаси (неча ойлик истеъмолга етиши), мавжуд/зарур ун тортиш қуввати, ёқилғи етказиб бериш муддати, озиқ-овқат саватчасининг қиймати ҳамда ҳосилдан кейинги йўқотишлар даражаси.

Сурия: инқирозни бўғиш эмас, бошқариш мумкин

Сурия – айниқса шимоли-шарқий ҳудудларда – салмоқли қишлоқ хўжалиги базасига ҳамда буғдой, арпа ва дуккакли экинлар етиштиришда тарихий тажрибага эга. Уруш, қурғоқчилик ва ёқилғи танқислиги сабабли ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетган бўлса-да, мавжуд салоҳият ҳали ҳам сақланиб қолмоқда: маҳаллий уруғларни қайта тиклаш ва қишлоқларда уруғ кўпайтириш тизимларини йўлга қўйиш, лалми дон ва дуккакли экинлар етиштиришни тезкор кучайтириш, ун тортиш ва нон ишлаб чиқариш тизимини энергия, ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш орқали ҳимоя қилиш ҳамда нархлар зарбасини юмшатадиган тақсимот тизимини самарали бошқариш. Мазкур чора-тадбирлар мажмуаси орқали қамални бўғувчи омил эмас, балки жиловласа бўладиган босим ҳолатига айлантириш мумкин.

Ироқ: оғир шароитда бошқарув сабоғи

Ироқ тажрибаси шуни кўрсатдики, қаттиқ санкциялар босимига қарамай, тартибли миллий тақсимот тизими кенг кўламли очликни камайтиришга қодир. Бунинг учун қуйидаги шартлар зарур: марказлашган тарзда бошқариладиган захира, ресурсларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймайдиган адолатли тақсимот тармоғи, деҳқонни маҳсулотини давлатга топширишга рағбатлантирадиган маҳаллий харид нархи ҳамда озиқ-овқат таъминотининг энг кам даражасини ҳимоя қилиш учун молиялаштириш шаклининг мослашувчанлиги (айирбошлаш/назорат остидаги савдо).

Бартараф этилиши лозим бўлган хавфлар:

Нонни сиёсийлаштириш: субсидияни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш воситаси эмас, балки садоқатни таъминлаш қуролига айлантириш қора бозорнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Географик тўпланиш: ғалла омборлари, тегирмонлар ёки кириш нуқталарининг бир жойда тўпланиши таъминот занжирининг заифлигини оширади.

Ишлаб чиқаришни бўғадиган қонунчилик: уруғларга доир қатъий қонунларни кичик истисноларсиз кўчириб жорий этиш

деҳқонни ўзининг маҳаллий навларидан воз кечиб, тижорий уруғларга қарам бўлишга мажбур қилади.

Энергия таъминотининг узилиши: электр энергияси ёки ёқилғининг узоқ муддатга узилиши, ҳатто буғдой мавжуд бўлган тақдирда ҳам, ун тортиш ва нон ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўяди.

Хулоса: жим қуролдан давлат барқарорлигигача: Ғарб, ҳал қилувчи ҳарбий ғалабага тез суръатда эриша олмаган тақдирда, янги шаклланаётган давлатнинг барқарорлигини озиқ-овқат омили – буғдой, уруғлар, таъминот занжирлари, молиялаштириш ва нарратив орқали бузишга уринади. Оқилона жавоб шиорларда эмас, балки уруғчилик суверенитети, дон ва дуккакли экинларни маҳаллийлаштириш, захиралар ва тақсимот бошқаруви, сув ва энергия хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда таъминот йўлларини диверсификация қилишга асосланган озиқ-овқат барқарорлиги тизимини шакллантиришдадир. Шу тариқа «буғдой қуроли»нинг бўғувчи таъсири бартараф этилади, узоқ давом этадиган қамал эса ўз режаларини пухта тузадиган, ўз ери, уруғи ва нонига эгалик қиладиган давлат қаршисида самарадорлиги тобора сусайиб борадиган оддий бир босимга айланади.

Янги шаклланаётган Ислом давлатини қўллаб-қувватлаш учун Ислом Уммати салоҳиятини сафарбар этиш режаси

Кириш: Ислом давлатини барпо қилиш ва шариатни татбиқ этиш – қодирлик шартига боғлиқ бўлган буюк шаръий вожибдир. Қодирлик юзага келиши билан узрлар соқит бўлади ва давлатни эълон қилиш ҳамда шариат аҳкомларини ижро этиш вожиб бўлади. Саҳобаи киромлар Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан сўнг, ҳатто дафн маросимлари якунланмасданоқ, Ислом ҳокимиятини барпо этишни биринчи ўринга қўйишга ижмо қилганлар. Бу эса мазкур вожибнинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини кўрсатади, ҳатто уни «вожибларнинг энг муҳими» деб таърифлаганлар. Чунки дин аҳкомларининг аксарияти уларни татбиқ этадиган умумий ҳокимиятсиз қарор топмайди. Шундай экан, Ислом давлатини

барпо этишга имконият пайдо бўлган тақдирда, мусулмонлар бу ишни кечиктиришлари жоиз эмас. Бугунги воқелигимизда мусулмонлар диёрининг бир гўшасида янги Ислом давлати куртак ёзаётгани кўзга ташланмоқда. Бу эса давлат эълон қилинганидан кейинги босқич билан боғлиқ бир қатор муаммоларни кун тартибига қўяди: Ислом давлати шариатни татбиқ этишни эълон қилиши ҳамда унга қарши турган кучлар, таҳдидлар ва уни барбод этишга қаратилган уринишларга қарамай, барқарорликни таъминлай олиши учун Умматнинг мавжуд салоҳиятини бу давлатни қўллаб-қувватлашга қандай сафарбар этиш мумкин? Ушбу назарий боб шаръий далиллар ҳамда воқеликнинг сиёсий ва ҳарбий таҳлилига таянган ҳолда, мазкур салоҳиятларни ички ва ташқи йўналишларда ҳаракатга келтиришнинг марказлашган режасини кўриб чиқади. Шунингдек, унда Умматнинг ҳазорий салоҳиятини юзага чиқаришда Ислом ақидасининг ўрни, давлат эълон қилинганидан кейинги ҳал қилувчи дастлабки босқичда экзистенциал таҳдидларни бартараф этиш йўллари ҳам ёритилади. Ва ниҳоят, ушбу асосларни амалда қандай қўллаш мумкинлигини аниқ кўрсатиб берувчи амалий режа таклиф этилади. Шунингдек, сиёсий жиҳатдан заиф ва ҳақиқий ўзгаришларга интилаётган исломий муҳитда давлатнинг ўз таъсир доирасини кенгайтириш салоҳияти баён қилинади.

Ички халқ салоҳиятини сафарбар этиш

Ички халқ салоҳияти янги шаклланаётган Ислом давлатининг юксалиши ва барқарорлигида биринчи таянчни ташкил этади. Зеро, мамлакат аҳолисидан иборат халқ оммаси Исломий лойиҳанинг табиий таянчи, унинг қонунийлиги ва асосий куч манбаидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар халқ салоҳиятидан самарали фойдаланилса, унинг жами кучи ҳар қандай «чуқур давлат» (давлат ортидаги норасмий кучлар) ёки ички ғанимлар кучидан устун келади. Жамиятга сингиб кетган қарши кучларнинг таъсири қанчалик катта бўлмасин, халқ ўзининг умумий салоҳияти билан улардан кўра каттароқ ва кучлироқ – инсоний, моддий ва маънавий – имкониятларга эга.

Аммо бу устунлик бизнинг ушбу салоҳиятларни қай даражада билишимиз ва уларни қанчалик самарали сафарбар эта олишимизга боғлиқ.

Инсон салоҳияти халқ салоҳиятининг асосидир. Бу салоҳият икки асосий турга бўлинади: биринчиси – оддий халқнинг сон жиҳатдан кўплиги ва турли соҳаларда кенг тарқалганидан иборат бўлган умумий салоҳияти ҳамда умумий сафарбарлик пайтида (масалан, миллионлаб кишилик намойишларга чиқиш ёки бунёдкорлик ва жиҳод ишларида оммавий иштирок этишда) ундан келиб чиқадиган таъсир кучидир. Иккинчиси эса, фақат тажриба ва мутахассислик соҳасидаги қобилиятли, салоҳиятли мутахассислар раҳбарлиги остидагина самара берадиган махсус, юқори малакали салоҳиятдир (масалан, раҳбарлар ҳамда режалаштириш, бошқарув, илм-фан ва технология соҳаларидаги юқори малакали мутахассислар). Омма сон ва шиддатни таъминлайди, ушбу шиддатни тўғри йўналтириш ва ундан энг мақбул тарзда фойдаланиш эса фақат Умматдаги раҳбарлик салоҳиятига эга ақл-заковат соҳиблари орқали амалга ошади. Шундан келиб чиқиб, янги шаклланаётган давлат раҳбарияти ва ўзгариш лойиҳасини илгари сурувчилар халқ орасидан ана шундай салоҳиятли кишиларни аниқлаб, уларни давлат қурилиши ва мудофаа жараёнига жалб этишлари лозим. Зеро, сиёсатни шакллантиришга ва ресурслардан унумли фойдаланишга қодир бўлган ижодкор пешқадамларнинг мавжудлиги инсон ресурслари ва хом ашёни ишлаб чиқарувчи кучга айлантиради. Ресурслар ва бойликларнинг ўзи шунчаки ҳаракатсиз қолаверади, агар оқилона бошқарув бўлмаса, ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган кўпикка айланиши ҳам мумкин. Худди шунингдек, халқ оммаси ҳам орасидан ўзларининг мавжуд салоҳиятини ишга соладиган Раббоний раҳбарлар етишиб чиқмаса, ўзини ожиз ва сарсон ҳис қилиши мумкин. Агар ана шундай иқтидорли раҳбарлар халқ салоҳиятини ҳаракатга келтириш ва ундан унумли фойдаланишга муваффақ бўлсалар, инсоний куч-қудрат ҳар қандай ички ғанимнинг имкониятларидан анча устун бўлади.

Ички халқ салоҳиятини сафарбар этиш воситаларидан бири – оммани давлат лойиҳаси атрофида сафарбар этадиган кенг қамровли халқ ташкилотини тузишдир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «чуқур давлат» ва унга ўхшаш кучларга қарши кураш икки ўзаро боғлиқ асосга таянади: халқ салоҳиятини сафарбар этиш ва бу салоҳиятни интизомли халқ ташкилотига бирлаштириш. Халқ ташкилоти тор доирадаги сиёсий партия эмас, балки давлат ва унинг Исломий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида жамиятнинг турли қатламларини бирлаштирадиган умумий тузилмадир. У ўзгариш стратегиясининг халққа тааллуқли ижроий қаноти вазифасини бажаради ва расмий раҳбарият билан параллел равишда фаолият юритади. Бу ташкилот халқ орасидан чиққан холис раҳбарлар назорати остида оммавий қаршилик ҳаракатларини олиб боради. Бу эса бутун жамиятнинг янги тикланган давлатини ҳимоя қилишга жалб этилишини таъминлайди.

Бунга эришиш учун халқ билан икки даражали алоқани йўлга қўйиш зарур: умумий даражада – турли воситалар (хутбалар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, халқ йиғинлари) орқали омма халққа етиб борадиган оммавий маърифий кампаниялар ҳамда ақидавий ва фикрий мурожаатлар воситасида. Ушбу кенг қамровли алоқа жамоатчилик қўлловини таъминлайди ҳамда давлатга ва унинг адолатли ишига бўлган садоқат руҳини ёяди. Хусусий даражада эса – жамиятда таъсир кучига эга шахслар ва нуфузли қатлам вакиллари (уламолар ва даъватчилар, қабила ва уруғ бошлиқлари, маҳаллий ҳарбий ва хавфсизлик етакчилари, обрўли шахслар ва малакали мутахассислар) билан мулоқот қилиш орқали уларни лойиҳага ишонтириш ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш зарур. Биринчи даражанинг муваффақияти ягона раъйи омни шакллантириш орқали иккинчи даражанинг муваффақиятига замин яратади, иккинчи даража эса ушбу раъйи омни янада мустаҳкамлаш ва халқ сафларига бошчилик қиладиган онгли жамоат етакчилигини шакллантиришга ҳисса қўшади. Шу тариқа халқнинг барча қатламлари: ёшлар, эркаклар ва аёллар,

мутахассислар ва ишчилар кўзланган ўзгаришни амалга ошириш йўлидаги жамоий меҳнат жараёнига сафарбар этилади. Уйғониш лойиҳасида барча қатламлари билан ҳаракатга келган халқ ҳар қандай ички тажовуз ёки қарши исённи қайтариш учун энг қудратли қуролдир, шунингдек, у давлат эълон қилинганидан кейин барқарорликни сақлаб қоладиган иқтисодий ва ижтимоий бардошлиликнинг асосий пойдевори ҳамдир.

Ислом Умматининг давлатдан ташқаридаги салоҳиятини сафарбар этиш

Маҳаллий салоҳиятлар билан бир қаторда, янги шаклланаётган Ислом давлати Умматнинг хориждаги салоҳиятидан, яъни ўз ҳудудий чегараларидан ташқаридаги кенг дунёда яшовчи мусулмон халқларнинг имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиши лозим. Чунки, Ислом Уммати ўз мажмуасида турли мамлакатлар бўйлаб тарқалиб кетган улкан имкониятларга эга. Агар уларни сафарбар этиш ва тўғри йўналтиришга эришилса, улар янги тикланган давлат учун беқиёс стратегик таянчга айланади. Замонавий тарих давомида мусулмонларнинг чегаралар оша бирдамлигига оид мисолларни кўрдик: ақида бирлиги минглаб кўнгиллиларни ўз биродарларига ёрдам бериш учун жанг майдонларига отланишга ундади (Афғонистон, Босния, Сурия ва бошқа жойларда бўлгани каби). Бу ҳодиса шуни тасдиқлайдики, мусулмон халқлар қаерда бўлмасинлар, ўз тақдирларининг муштараклигини ҳис қиладилар ҳамда Ислом ва бутун Уммат манфаатлари билан боғлиқ деб билган масалаларда жонлари ва молларини фидо қилишга тайёрдирлар.

Уммат салоҳиятини ташқарида сафарбар этишнинг энг муҳим кўринишларидан бири – Ислом дунёси бўйлаб қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтириш ва ижобий ҳамкорликни кучайтиришдир. Янги шаклланаётган давлат ва уни қўллаб-қувватловчи ҳаракат уйғониш лойиҳаси душманларига қарши кураш доирасини кенгайтириш учун исломий ҳаракатлар ҳамда қўшни давлатлардаги халқлар билан алоқа ва ҳамкорлик тармоқларини йўлга қўйиши лозим. Стратегик тадқиқотлар

ўзгариш саъй-ҳаракатларини битта, яккаланиб қолган давлат доирасида чеклаб қўйиш жоиз эмаслигини, балки, Уммат салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва кучлар нисбатидаги номутаносибликни бартараф этиш учун мусулмонлар юртларида қаршилик кўрсатиш доираларини кенгайтириш зарурлигини тавсия этади. Аслида, Халифалик ғояси ва Ислом давлатининг қайтишига қарши кураш асло маҳаллий хусусиятга эга эмас; балки у ҳар қандай ҳақиқий Исломий тузилма қад ростлашининг олдини олиш учун барча имкониятларини ишга соладиган йирик кучлар етакчилик қилаётган глобал миқёсдаги қаршиликдир. Бу кучлар кўпинча ўзгаришга бўлган уринишларни тор доирада яккалаб қўйиш, сўнгра уларни бўғиш учун минтақадаги режимларни ҳаракатга келтиришга суянади. Шу боис бундай душманона иттифоққа қарши туриш янги шаклланаётган давлатнинг яккаланиб қолишини ёриб ўтиш ва унинг атрофидаги исломий муҳитда душманларни машғул қиладиган ҳамда уларнинг эътиборини чалғитадиган параллел йўналишларни очишни тақозо этади. Исломий инқилобий фаолият доирасини имкон қадар кенгайтириш бир қатор стратегик фойдаларни беради: бир томондан, у душманларнинг режаларини издан чиқариб, уларнинг эътиборини битта ҳудудга қаратишига йўл қўймайди. Иккинчи томондан, Умматнинг янада кўпроқ салоҳиятини кураш майдонига жалб этиб, рақиблар билан куч нисбатидаги тенгсизликни бартараф этади. Тадқиқотлардан бири шундай хулосага келади: қаршилик майдонининг Ислом дунёсидаги аксар юртларни қамраб оладиган даражада кенгайиши ўзгариш пешқадамларига қарши ҳужум босимини юмшатиб, бошқа юртлардаги биродарларининг кўмаги билан уларнинг бардош бериш қобилиятини мустаҳкамлайди. Зулм кучлари ҳар бир озодликка интилиш ҳаракатини алоҳида бостириб, уни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш ўрнига, золимлар ўзларини бир вақтнинг ўзида жиловлаш қийин бўлган, ўзаро боғлиқ ва бир пайтда юз берадиган норозиликлар қаршисида кўришади.

Амалий жиҳатдан, янги шаклланаётган давлат Умматнинг чегараларарo моддий ва инсоний ресурсларидан турли воситалар орқали фойдаланиши мумкин: Халифалик лойиҳасига ишонган ақл эгалари, малакали мутахассислар ва ишчи кучи учун ўз томонига ҳижрат қилиш эшикларини очиш (Пайғамбарлик даврида Ислом диёрига ҳижрат Мадина давлати учун муҳим таянч бўлгани каби). Шунингдек, давлат лойиҳаларини молиялаштириш ва иқтисодини мустаҳкамлаш учун хориждаги мусулмон жамоалари ва тадбиркорларининг молиявий кўмагини жалб қилиш, уларнинг технология, саноат ва бошқа соҳалардаги тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Бу жараён давлат томонидан Уммат бойликларини инвестиция қилиб, улардан келадиган даромадларни саноат, қишлоқ хўжалиги ва эҳтиёжларни қондиришга йўналтириш билан ёнма-ён олиб борилади. Шунингдек, ҳар бир юртда мусулмон жамоатчилигининг қўллаб-қувватлашини сафарбар этиш ва воқеалар баёнини (нарративни) шундай бошқариш лозимки, токи янги шаклланаётган давлат бутун Умматнинг умиди сифатида намоён бўлсин. Зеро у Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифалик ҳақидаги Набий саллоллоҳу алайҳи васалламнинг башоратларини гавдалантиради ҳамда Роббиларининг ер юзида халифа қилиш, мустаҳкамлаш, омонлик, бирлик ва мушриклар ёқтирмаса-да, Исломнинг барча динлар устидан ғолиб бўлиши ҳақидаги ваъдасини амалга ошириш йўлида хизмат қилади. Бундай ақидавий боғланиш Уммат фарзандларининг қалбида чуқур таъсир қолдиради. Бу борада муҳим бир мисол бор: ҳатто рақиблар ҳам мусулмон халқларини ўз дини ва сиёсий талабларидан чалғитишда муваффақиятсизликка учраганини англаб етишди; ғарблик тадқиқотчиларнинг кузатишича, қаерда ҳалол ва шаффоф сайловлар ўтказилган бўлса, мусулмон оммаси кўпчилик овоз билан исломий оқимларни танлаган. Бу эса юртларимиздаги умумий кайфият Исломий лойиҳа тарафдори ва илмоний, қарам режимларга қарши эканини англатади. Шунга кўра, агар Ислом байроғини ҳақиқатан кўтарган ва

муваффақиятли намуна кўрсата олган бир давлат пайдо бўлса, у, шубҳасиз, ўз чегараларидан ташқаридаги исломий ҳаракатлар аъзолари ва мусулмон омманинг ҳақиқий қўллови, кенг хайрихоҳлиги ва ҳатто садоқатини қозонади. Бунга қўшимча, Марказий Осиё, Индонезия, Бангладеш, Покистон ва бошқа юртларда даъват жуда таъсирчан тарзда тарқалгани масаласи ҳам бор. Бу халқлар ўзларининг кучли исломий туйғулари, жасорати, ёрдамга шошилиши ва фаоллиги билан ажралиб туради, булар жуда муҳим омиллардир.

Оқилона ташқи кенгайиш тактикаларидан бири – логистик ёрдам алмашиш ва тарафдорлар ҳаракатланишини енгиллаштириш учун чегаралар оша мувофиқлаштиришни йўлга қўйишдир. Бунинг учун қўшни, хайрихоҳ (ёки марказий ҳокимият назорати заиф бўлган) давлатларда хавфсиз йўлаклар ёки орқа таъминот ҳудудларини ташкил этиш зарурати туғилиши мумкин. Улар янги шаклланаётган давлатни одамлар ва қурол-яроғ билан таъминлаш ҳамда зарурат туғилганда бошпана билан таъминлаш учун ишлатилади. Бунинг акси ҳам мумкин: янги шаклланаётган давлат ўша юртлардаги ўзгариш тарафдори бўлган ташкилотларга душман режимларни инқирозга солиш ва уларни чалғитиб турадиган янги фронтларни очиш учун ёрдам кўрсатади. Давлатлараро бундай курашувчан ҳамжиҳатлик ҳар бир мусулмонга шариатни барпо этиш учун кураш маҳаллий масала эмас, балки ягона Умматнинг масаласи эканини ҳис эттиради. Бу эса ғайратни ошириб, ғалабага бўлган умид руҳини уйғотади. Бу орқали кейинчалик озод қилинган юртларни, Аллоҳнинг изни билан, ягона Халифалик тузумига бирлаштиришга тайёргарлик сифатида, расмий сиёсий бирлик юзага келишидан олдин амалда сафлар бирлиги рўёбга чиқади.

Ислом ақидасининг Умматнинг ҳазорий салоҳиятини юзага чиқаришдаги ўрни

Ислом ақидаси Исломий уйғониш лойиҳасининг уриб турган юрагидир, зеро у Умматда мавжуд бўлган ҳазорий салоҳиятни ҳаракатга келтирувчи энг буюк омилдир. Ислом ақидаси

шунчаки қотиб қолган назарий тамойиллар мажмуаси ёки алоҳида-алоҳида ибодатлардан иборат эмас, балки у мўминлар қалбида улкан руҳий ва психологик куч-ғайрат уйғотадиган, тирик, фаол ва ижобий тизимдир. Коинот, ҳаёт ва инсон ҳақидаги исломий тасаввур амал билан боғланган чуқур иймонни шакллантиради ҳамда шахс ва жамият салоҳиятини олий мақсад ва боқий рисолат сари йўналтиради. Мана шу иймон туфайли тарқоқ ва заиф араб қабилалари тарих оқимини ўзгартирган ягона ва қудратли Умматга айланди, турли халқлар эса асрлар давомида дунёга етакчилик қилган ягона ҳазорий уюшмага сингиб кетди. Ислом бу тарихий мўъжизани тенгсиз ҳазорий салоҳиятни юзага чиқариш орқали яратди. Бунинг сири эса инсонда юксак рисолат руҳини уйғотадиган ва мўминни келажак шу динники эканига мустаҳкам ишонч билан озиқлантирадиган ақидададир.

Ислом ақидаси унга эътиқод қилувчиларга руҳий сабот ва қалб хотиржамлиги билан имконсиз нарсаларни ҳам амалга оширишга ундайдиган беқиёс маънавий куч бағишлайди. Ҳақиқий мўмин ўзининг мутлақ ҳақ йўлда эканига, модомики Унинг динига ёрдам берар экан, Аллоҳ у билан бирга эканига ҳамда Аллоҳ ҳузуридаги неъматлар бу дунё ҳаётидан кўра яхшироқ ва боқийроқ эканига қатъий ишонади. Бу тушунчалар мусулмонга энг оғир машаққатларни ҳам бўшашмасдан ва таслим бўлмасдан енгиб ўтишга имкон берадиган улкан руҳий қувватни вужудга келтиради. Тарих илк мўминларнинг Маккада қийноқлар остидаги сабот ва матонатига оид ҳайратланарли мисолларни қайд этган. Улар териларини куйдирувчи қиздирилган темир билан азобланар, қизиб турган қум устида тўхтовсиз дарраланар эдилар, аммо динларидан қайтмас эдилар. Улар шу ҳолатда сабр қилишда давом этдилар ва Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам уларга Аллоҳ бу ишни комил қилиши ҳақида башорат бердилар, бироқ улар шошилаётганини айтдилар. Бу каби мустаҳкам сабот фақат қалбларни тўлдирган чуқур иймон туфайли мумкин бўлган. Айрим уламолар ушбу набавий манзарани шарҳлар эканлар, Росулуллоҳ саллоллоҳу

алайҳи васаллам саҳобалар қалбига экқан энг буюк самара ақида ғояларининг қудратига бўлган мутлақ ишонч эканини таъкидлаганлар. Бу ишонч мўминларга энг оғир синовлар қаршисида ҳам бардош бериш имконини берувчи руҳий қувват бағишлаган. Саҳобалар инсон сифатида бошқалардан табиатан фарқ қилмас эдилар, аммо Қуръон яқинлари билан суғорилган мустаҳкам иймонлари уларни бошқалар қодир бўлмаган ишларга ҳам қодир қилди. Улар руҳий қувват ва маънавиятни моддий омиллардан кўра кўпроқ ақидадан олдилар. Шу боис сонлари ва қуроллари оз бўлишига қарамай, руҳан синмадилар, оқибатда нусрат ва қўллаб-қувватлашга эришдилар. Ақиданинг ушбу қўшимча қиймати оддий инсонни қийинчиликларни енгиб ўта оладиган, бошқаларга илҳом бағишлайдиган қаҳрамонга айлантиради. Чунки у Аллоҳнинг маъиятини (биргалигини) ҳис қилади, Аллоҳнинг розилиги ва охират неъматлари олдида дунёни арзимас деб билади. Шунинг учун уни ҳеч бир золим қўрқита олмайди ва ҳеч бир оғир синов синдира олмайди. Ушбу иймоний омил мусулмонларнинг узоқ тарихи давомидаги сифат жиҳатидан устунлигининг сиридир.

Шунга кўра, бундай тирик ақидага эга бўлган Умматни, душманларининг моддий кучи қанчалик юқори бўлмасин, ҳазорий курашда мағлуб этиб бўлмайди. Ислом ақидаси дунёни охират билан боғлаши ва моддий манфаат билан охират қадриятлари ўртасида мувозанат ўрнатиши билан ажралиб туради, бу эса мусулмоннинг ушбу ақида талабларига жавобан ҳар қандай қимматли ва азиз нарсасини, ҳатто ўз жонини ҳам фидо қилишга бўлган рағбатини кучайтиради. Бунинг акси ўлароқ, Ислом душманлари ўткинчи манфаатларни муқаддаслаштирадиган ҳамда инсонларнинг ҳавойи нафслари ва озчиликнинг манфаатларига таянадиган моддий ва манфаатпараст ақидаларга асосланади. Шу боис уларда мусулмонлардаги каби руҳий рағбат ва фидойиликка тайёрлик мавжуд эмас, қолаверса, улар Ислом ҳақиқатларини ботил деб асослаб берадиган ёки мўминларни ундан воз кечишга ишонтира оладиган муқобил ақидани таклиф қилишдан ҳам ожиздирлар.

Шунинг учун Ғарб мутафаккирларининг ўзлари ҳам фикрий-ақидавий кураш Уммат фойдасига ҳал бўлганини эътироф этишади. Насронийлаштириш ҳаракатлари ҳам, шарқшунослик ҳам, замонавий медиа кампаниялари ҳам мусулмонларнинг иймонини суғуриб олишга ёки уларни ўз тирик ақидалари талабларидан қайтаришга қодир бўлмади. Ҳа, душманларимиз баъзи иккинчи даражали зарарларни етказишда ва баъзи шубҳаларни тарқатишда муваффақият қозонгандир. Аммо тажриба шуни кўрсатадики, Уммат моддий жиҳатдан қанчалик заифлашмасин ёки ҳарбий жиҳатдан мағлубиятга учрамасин, тезда ўз ақидасига қайтади ва ўз динини маҳкам тутган ҳолда қайтадан юксалади. Ҳатто айрим босқинчиларнинг ўзлари ҳам охир-оқибат Исломни қабул қилганлар (мўғул-татарлар Бағдодни босиб олганидан кейин Исломни қабул қилгани каби).

Соғлом ақидавий тарбия Умматнинг ҳазорий салоҳиятининг асоси бўлган улкан оммавий қудратни вужудга келтиради. Зеро, ақида фақат ёлғиз қаҳрамонларни етиштириб чиқарибгина қолмай, балки оммавий лойиҳани ўз зиммасига олган, рисолат соҳиби бўлган бирдам Умматни ҳам шакллантиради. Аллоҳ мусулмонларни

﴿لِّتَكُونُواْ شُهَدَآءَ عَلَى ٱلنَّاسِ﴾

*«...**Одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун**...»* [Бақара 143]

деб ягона уммат қилиб чиқарди ва уларни одамлар учун чиқарилган, жамоа бўлиб маъруфга буюрадиган ва мункардан қайтарадиган энг яхши уммат деб сифатлади. Иймон ҳар бир инсонга дин олдидаги масъулиятини ва Уммат танасининг бир қисми эканини ҳис эттирди; шу боис у Исломга ёрдам бериш учун алоҳида ажралган ҳолда эмас, балки жамоий тузилма таркибида ҳаракат қилади. Ислом ўз фарзандлари қалбига ҳар қандай алоқадан устун бўлган иймоний биродарлик тушунчасини сингдирди ҳамда қабилалар ва ирқларни ягона қолипда бирлаштирди. Ақида бирлиги насаб ва ранг тўсиқларини бекор қилди, мусулмонлар қалбида қон-қариндошлик ришталари ўрнини дин ришталари эгаллади. Ушбу ақидавий жипслик туфайли араб, форс, ҳабаш, турк, курд,

туркман, барбар ва бошқа элатлар Аллоҳ йўлидаги биродарларга айландилар ва туташ бинолардек ёнма-ён туриб жанг қилдилар, бу ҳолат ўша даврдаги душманларини ҳайратга солди. Бу бирлик ҳар қандай садоқатдан устун бўлган садоқатни вужудга келтирди: шунинг учун мусулмон иймон риштасининг ундови билан ернинг энг олис нуқтасидаги биродарининг ёрдамига шошилади. Турли юртларда жабрланган мусулмонларни ҳимоя қилиш учун жиҳодга ва кўнгилли бўлишга интилиш ҳам ушбу ақидавий биродарлик таъсирининг давом этишидан келиб чиққан табиий самарадир. Демак, Исломий ақида Умматнинг ҳазорий салоҳиятини юзага чиқарувчи кучдир: у шахс маънавиятини юксакларга кўтаради, жамиятни мустаҳкам ва жипс куч сифатида бирлаштиради ҳамда уни инсониятни озод қилиш ва ҳидоятга бошлаш рисолатини кўтариб чиқишга жамоий тарзда ундайди. Ушбу ақида билан моддий ресурслар ва инсоний кучлар мўминлар қўлида самарали воситаларга айланиб, уларни чекланган ёки ўткинчи манфаатлар учун эмас, балки олий мақсадларни амалга ошириш учун самарали йўналтирадилар.

Биринчи босқичда экзистенциал таҳдидларни енгиб ўтиш

Ислом давлати тузилгани эълон қилинганидан кейинги босқич энг хавфли босқич ҳисобланади. Зеро, янги шаклланаётган давлат уни бешигидаёқ бўғиб ташлашга уринаётган ички ва ташқи душманларидан бевосита экзистенциал (мавжудликка бўлган) таҳдидларга дуч келади. Шу боис Исломий лойиҳа ушбу хатарларни енгиб ўтиш ва дастлабки барқарорликни таъминлаш учун оқилона стратегияга муҳтож бўлади. Биринчи қадам – атрофдаги душманлик кўламини реал баҳолашдир: чунки бугун Ислом давлатининг барпо этилиши Ислом душманлари томонидан стратегик таҳдид сифатида баҳоланиб, халқаро ва минтақавий кучларнинг кенг кўламли иттифоқини юзага келтиради. Маълумки, йирик кучлар шариатни татбиқ этадиган Исломий бошқарув модели вужудга келишига осонликча йўл қўймайди ҳамда бу борадаги ҳар қандай уринишни барбод қилиш учун ўзларининг глобал таъсири ва минтақадаги

қўлларини ишга солади. Бу эса янги тикланган давлат бир неча фронтдаги уруш қаршисида қолиши мумкинлигини англатади: бевосита ёки прокси (вакиллар орқали) ҳарбий тажовуз, иқтисодий қамал, глобал ахборот кампанияси орқали обрўсизлантириш ҳамда агентлар ёки бўлинишлар орқали ички беқарорликларни келтириб чиқариш.

Ушбу экзистенциал таҳдидларга қарши туриш учун янги шаклланаётган давлат эҳтиёткорлик, тайёргарлик кўриш, сабабларни ушлаш ва Аллоҳга таваккал қилишда Набий саллоллоҳу алайҳи васалламнинг манҳажларига эргашади. Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларини душман кучини менсимай қўймаслик ва ғалаба эҳтимоли устун келиши учун қўлдан келган бор имкониятни сарфлашга тарбияладилар. Шу нуқтаи назардан, мумкин бўлган барча моддий ва маънавий кучларни сафарбар этишга таянган ҳолда, ғалаба қозониш ва мақсадга эришиш эҳтимоли мағлубият эҳтимолидан устун бўладиган тўқнашувни режалаштириш лозим. Бу Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَعِدُّواْ لَهُم مَّا ٱسۡتَطَعۡتُم مِّن قُوَّةٖ﴾

«(Эй мўминлар), ***улар учун имконингиз борича куч тайёрлаб қўйингиз»****.* [Анфол 60]

деган буйруғига амал қилган ҳолда – хоҳ мунтазам кучлар орқали, хоҳ анъанавий бўлмаган урушлар (душманни пароканда қиладиган доимий партизанлик урушлари ва пистирмалар) орқали бўлсин – мудофаа учун етарли ҳарбий кучни тайёрлаш ҳам киради. Агар қурол-яроғ ва технология жиҳатидан кучлар мувозанати душманлар фойдасига оғса, мўминлар рақибни ҳолдан тойдирадиган ва унинг режаларини барбод қиладиган ноанъанавий жанговар усуллар билан тарозини тенглаштиришлари мумкин. Масалан, партизанлик уруши тактикалари кичик қаршилик гуруҳларига йирик армиялар қаршисида бардош бериш имконини бериши тарихий жиҳатдан ўз самарадорлигини исботлаган. Шунингдек, муваффақиятли озодлик ҳаракатлари (масалан, Афғонистондаги мужоҳидларнинг аввал советларга, сўнг америкаликларга қарши

кураши ва Ғазои азиза қаҳрамонлари) тажрибасидан фойдаланиш мумкин; уларда маънавий омил ва жанговар ақида қуролланишдаги тафовутни енгиб ўтишда ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Шунингдек, мослашувчан мудофаа стратегиясига амал қилиш зарур: қамал ёки бомбардимон қилиш осон бўлган жойларда тўпланиб олмаслик, балки зарурат туғилганда оғриқли зарбалар бериш қобилиятини сақлаб қолган ҳолда тарқалиш ва яшириниш тактикасини қўллаш лозим. Душман, ҳужум қилишга вақт тополмай, фақат ўзини ҳимоя қилиш билан машғул бўлиши учун жангни имкон қадар унинг ҳудуди ичига кўчириш керак. Қаршилик фронтларини минтақавий миқёсда кенгайтириш ҳам хавфсизлик ечимининг бир қисмини ташкил этади. Чунки душман кучлар бир нечта давлатда тартибсизлик ва қўзғолонларга дуч келганда, уларнинг янги шаклланаётган давлатнинг бир ўзини бўғиб ташлашга ажратган ресурслари камаяди. Душманнинг саъй-ҳаракатларини бир нечта фронтга бўлиб юбориш янги вужудга келган давлатни душман кучларининг унга тўлиқ эътибор қаратишидан ҳимоя қилади.

Ички жиҳатдан эса, асосий вазифа – ички фронтни сизиб киришлар, миш-мишлар ва психологик урушдан ҳимоя қилишдир. Давлат раҳбарияти ички хилма-хиллик (қабилалар, уруғ-аймоқлар ва турли фикрий оқимлар) билан – улардан фитна уруғини сочишда фойдаланишга йўл қўймасдан, уларнинг барчасини лойиҳа атрофида бирлаштирадиган тарзда – чиройли муносабат ўрнатиши керак. Оқилона сиёсат бевосита хавф туғдирмайдиган мухолифларни мулоқот ва шариат ҳимояси остида асосий ҳуқуқларни кафолатлаш орқали ўз томонига оғдиришни, душманлар билан алоқадор хоин ва малайларни эса ажратиб қўйишни тақозо этади. Исломий адолатни бошиданоқ реал воқелик сифатида кўрсатиш лозим, чунки адолатли ва пок бошқарув душманлар халқни қўзғатиш учун тарқатадиган ғаразли тарғиботларга қарши энг яхши шаръий қалқондир. Ҳадларни татбиқ этиш ва шариатни жорий қилиш унинг ҳикмати ва раҳматини баён қилиш билан бирга олиб борилиши керак,

токи одамлар аввалги золим тузумлар остида кўрган нарсаларидан кўра раҳмлироқ ва адолатлироқ тузумга ўтганларини англаб етсинлар. Шунингдек, «чуқур давлат» қолдиқлари ва эски куч марказларини эҳтиёткорлик билан четлаштириш ҳам муҳим; эски репрессив органларни тарқатиб юбориш ва уларнинг коррупцияга ботган раҳбарларини илдизи билан суғуриб ташлаш ички хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган бешинчи колоннанинг олдини олиш учун зарур. Бироқ бу жараён пухта ўйланган тарзда амалга оширилиши, имкон қадар ўрта бўғиндаги кадрларнинг садоқатини қозонишга ҳаракат қилиниши керак (масалан, ушбу органларда ўз ихтиёрига қарши хизмат қилган оддий аскарлар ёки ходимларни жалб қилиш каби). Қисқача айтганда, янги давлат хавфсизлик масалаларида ҳушёр бўлиши, бироқ одамларга нисбатан мутлақ шубҳа ҳолатига тушиб қолмаслиги лозим. Фитначиларга нисбатан қатъият билан душманлар тарғиботи таъсирига тушган Уммат оммасини ўз бағрига олиш ўртасида мувозанат зарур.

Бу ерда медиа ва маънавий урушнинг ролини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Халқаро тарғибот машинасига қиёслаганда янги шаклланаётган давлатнинг медиа соҳасидаги имкониятлари заиф бўлса-да, у ўз воқеалар талқинини етказиш ва хориждаги халқлар хайрихоҳлигини қозониш учун замонавий коммуникация платформаларидан фойдаланишга қодирдир. Кўплаб исломий ҳаракатлар, жумладан Қассом бригадалари каби жиҳодий ҳаракатлар тажовузкорларнинг жиноятларини фош этадиган ва мазлумларнинг азоб-уқубатларини етказадиган сўз ва тасвир кучи орқали бутун дунёда ҳамдардликни қозонишга муваффақ бўлдилар. Душманларнинг жиноятларини фош этиш, уларнинг ваҳшийлигини дунё ва ислом жамоатчилиги олдида очиб бериш уларни сиёсий жиҳатдан ноқулай аҳволга солади ва янги шаклланган тузилмадан ҳарбий босимни енгиллатади. Айни пайтда, тарафдорларга Аллоҳнинг нусрати яқин экани ҳақидаги хотиржамлик бағишловчи иймоний хабарларни тарқатиш ички саботни мустаҳкамлайди. Мўминларга синов ва нусрат қонун-қоидаларини ҳамда бу

диннинг – Аллоҳ Таоло ваъда қилганидек – ғолиб-мустаҳкам бўлиши муқаррарлигини эслатиб туриш дастлабки ҳарбий зарба ёки иқтисодий қамал пайтидаги ваҳима ҳолатини камайтиради. Умид ва Аллоҳга бўлган ишончни қалбларга сингдириш биринчи оғир босқичдан ўтишда ҳал қилувчи омилдир, чунки у орқали мужоҳидлар, зоҳирий ғалаба кечиккан тақдирда ҳам, давом этиш учун куч оладилар. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِن تَنصُرُواْ ٱللَّهَ يَنصُرۡكُمۡ وَيُثَبِّتۡ أَقۡدَامَكُمۡ﴾

*«**Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар** (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), **У Зот ҳам сизларга ёрдам берур ва кадамларингизни собит-барқарор қилур»**.* [Муҳаммад 7]

Бу ваъдага бўлган ишонч тўқнашув чизиғида ажойиб сабот бағишлайди.

Қисқача ижроий режа

Қуйида келтирилган мўъжаз ижроий режа қийинчиликларга қарши туриш ва Аллоҳнинг изни билан мустаҳкам қарор топишга эришиш учун юқорида зикр қилинган асосий таянчлардан амалда қандай фойдаланиш йўлларини баён қилади:

Ички тузилмани мустаҳкамлаш ва халқни бағрига олиш: Дастлаб, фуқароларга адолатли ва малакали хизмат кўрсатадиган самарали бошқарув муассасаларини шакллантириш орқали ички бошқарув асосларини мустаҳкамлаш лозим. Шариат байроғи остида адолатни қарор топтириш ва одамларга ҳаққоний муносабатда бўлиш янги тикланган давлатга халқ қалбида мустаҳкам қонунийлик бағишлайди. Шунингдек, маҳаллий шўро кенгашлари ва жамият етакчилари билан мунтазам учрашувлар орқали турли қатламлар (уруғ-аймоқлар, қабилалар ва бошқа исломий ҳаракатлар) билан ишонч кўприкларини барпо этиш зарур. Мақсад – мусулмонлар ва зиммийлардан иборат барча фуқароларнинг ҳуқуқлари, адолати ва фаровонлигини таъминлайдиган давлатни ўзларининг умумий диний лойиҳаси деб биладиган ягона ички фронтни шакллантиришдир; бу эса душманларнинг ички

парчаланиш келтириб чиқаришга бўлган уринишларига чек қўяди.

Халқ салоҳиятини сафарбар этиш ва уни ташкил қилиш: Жамоатчилик ишончини қозонгандан сўнг, давлатнинг мақсадлари ва манҳажидан хабардорликни ошириш учун сиёсий ва шаръий маърифий кампанияларни ўз ичига олган оммавий сафарбарлик лойиҳаларини ишга туширишга ҳаракат қилинади. Бу жараён турли соҳаларда (маҳаллий полиция, қутқарув гуруҳлари, маҳалла қўмиталари кабилар) кўнгиллиларни жалб қилиш бўйича амалий дастурлар билан ёнма-ён олиб борилади. Бу ўринда хавфсизлик, ишлаб чиқариш ва жамоат хизматлари йўлида халқ ҳаракатларини мувофиқлаштирадиган ҳамда инсон ресурсларини бошқарадиган, ҳар бир ҳудуд аҳлидан бўлган вакилларга асосланган кенг тарқалган оммавий ташкилот тузилмасини барпо этиш фойдалидир. Шу тариқа фронтдаги аскардан тортиб даладаги деҳқон ва клиникадаги шифокоргача ҳар бир инсон давлат лойиҳасида ўз роли борлигини ҳис қилади. Ушбу халқ ташкилоти ҳар қандай сизиб кириш ёки ички беқарорликка қарши эрта огоҳлантириш тармоғини таъминлайди, чунки жамоий онг юқори даражада бўлади ва одамлар билан қонуний органлар ўртасидаги ҳамкорлик тўлиқ йўлга қўйилади.

Ислом Умматининг ташқи қўллаб-қувватловини сафарбар этиш: Янги шаклланаётган давлат қаерда бўлмасин мусулмон халқларнинг қўллаб-қувватловини қозонишга қаратилган ахборот ва даъватга асосланган ташқи сиёсатни олиб боради. Расмий баёнотлар ва медиа минбарлари орқали Умматга мурожаатлар йўлланиб, унда Ислом давлати даъвосининг адолатли экани ва қамал остидаги азоб-уқубатлари баён қилинади ҳамда мусулмонларнинг ғайрат-шижоати унга моли, жони ва сўзи билан ёрдам беришга сафарбар этилади. Хайрия маблағлари, молиявий ва техник ёрдамни сафарбар этиш, шунингдек, у ердаги жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиб, ўз ҳукуматларини душманона аралашувдан тийиш учун босим ўтказиш мақсадида бой давлатлардаги мусулмон жамоалари

билан алоқа ўрнатиш учун махсус қўмиталар тузиш мумкин. Минтақавий миқёсда эса давлат ўз юртларидаги золим ҳукуматларга қарши фаолият юритаётган ҳар қандай исломий гуруҳлар билан ўзаро манфаат алмашинуви асосида мувофиқлашади: умумий душманни пароканда қилувчи параллел фронтларни очиш эвазига логистик ва медиавий қўллаб-қувватлов кўрсатилади. Ушбу ташқи ҳаракатлар янги тикланган давлатга стратегик теранлик бағишлайди ва дунёга бу давлатнинг яккаланиб қолмаганини, балки бутун Ислом олами бўйлаб халқлар кўмагига эга эканини намоён қилади.

Мудофаа ва хавфсизлик салоҳиятини мустаҳкамлаш: Давлат кўп босқичли комплекс мудофаа тизимини шакллантиради. Олдинги чизиқларда мунтазам ва ярим мунтазам қуролли кучлар тайёрланиб, мавжуд мос (ўлжа олинган ёки маҳаллий ишлаб чиқарилган) қурол-аслаҳалар билан қуроллантирилади ҳамда уларга ўз имкониятларига мос келадиган партизанлик урушлари ва тўсатдан қилинадиган ҳужумлар тактикаси ўргатилади. Орқа чизиқда эса ҳар қандай сизиб кириш ёки фитналарни бешигидаёқ аниқлаш учун ички хавфсизлик ва инқилобий разведка бўлинмалари тузилади. Шунингдек, ўзаро мудофаа теранлигини яратиш мақсадида қўшни исломий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали чегара ва ўтиш жойлари мустаҳкамланади, токи чегарадан ўтиш душман жосуслари учун қийинлашиб, Ислом тарафдорлари учун енгиллашсин. Қамал ўрнатилган тақдирда хавфсиз контрабанда йўллари орқали таъминот (озиқ-овқат, ёнилғи ва ўқ-дорилар) бўйича фавқулодда ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқиш ҳам лозим. Узоқ муддатли истиқболда давлат тажовузкорларни қўрқувга соладиган турли куч омилларига: ракеталар, самарали ҳаво мудофааси ёки замонавий урушларда жуда муҳим, арзон ва ўта самарали бўлган дронлар кабиларга эга бўлишга оқилона интилади, токи бу душманни кенг кўламли ҳужум ҳақида ўйлашдан қайтарадиган тийиб турувчи омилга айлансин:

﴿تُرۡهِبُونَ بِهِۦ عَدُوَّ ٱللَّهِ وَعَدُوَّكُمۡ﴾

«…бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар».[Анфол 60]

Бу имкониятлар сабр-тоқат ва пухта режалаштириш орқали босқичма-босқич қўлга киритилади. Шунингдек, халқаро қарама-қаршиликлардан фойдаланишнинг зиёни йўқ (масалан: бевосита душманимизга рақиб бўлган йирик кучларнинг ҳар қандай яширин ёрдамини – ҳеч кимга қарам бўлиб қолмаган ҳолда – жалб қилиш каби).

Ислом оламида босқичма-босқич ва пухта ўйланган кенгайиш: Ички аҳвол мустаҳкамланиб, минимал мудофаа салоҳияти таъминлангач, минтақадаги сиёсий вазиятнинг беқарорлигидан фойдаланган ҳолда қўшни ҳудудларга кенгайиш режалари тузилади. Қўшни давлатларнинг кўпчилигида сиёсий ва хавфсизлик вакууми мавжуд бўлиб, аҳоли ўз ҳукуматларидан норози. Ислом давлати ушбу имкониятларни кузатиб бориши лозим: қўшни мусулмон юртда золим тузумнинг емирилиши ёки халқ қўзғолонининг кўтарилиши ижобий аралашув учун эшик очади. У ердаги исломий кучлар назоратни қўлга олишлари ва кейинчалик давлатга қўшилишни сўрашлари учун уларга логистик ва медиавий қўллаб-қувватлаш орқали аралашиш мумкин (тарихда исломий амирликлар тинчлик ёки уруш йўли билан ягона Халифалик байроғи остида бирлаштирилгани каби). Бироқ шошқалоқликдан эҳтиёт бўлиш зарур; муваффақият шартлари (хайрихоҳ халқнинг қабул қилиши, етарлича қўллаб-қувватлов ва хавфсиз таъминот йўллари) юзага келмагунча бевосита ҳарбий кенгайиш тавсия этилмайди. Бунинг акси бўлган ҳолда эса, мавжуд тузумни ағдариш фурсатини кутган ҳолда, ўша юртларда оммавий ташкилот ҳужайраларини барпо этишга эътибор қаратилади. Энг муҳими, давлат ва унинг жамоаси илк кунданоқ ўз фаолиятлари чегаралар билан чекланиб қолмаслигини, Уммат эса бўлинмас бир бутун эканини англашидир. Бу билан исломий ўзгариш то йўқ бўлгунча қамал

қилинган ҳолда тор бир бурчакда қисилиб қолмайди, балки тўхтатиш қийин бўлган шиддатли минтақавий оқимга айланади.

Ақидавий ва фикрий жабҳани мустаҳкамлаш: Амалий қадамлар билан бир қаторда давлат ўз аҳолиси ҳамда Уммат оммасининг ақидавий ва сиёсий онгини юксалтиришни мунтазам давом эттиради. Бу таълим дастурлари, раҳбарлар ва уламоларнинг хутбалари ҳамда Исломнинг асосий рисолатини етказадиган эркин ва холис ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Мақсад – душманлар олиб борадиган обрўсизлантириш кампаниялари ва психологик урушга қарши фикрий иммунитетни шакллантиришдир. Одамлар биз нима учун ушбу давлатни барпо этаётганимизни – Аллоҳнинг амрига бўйсуниш, Унинг шариатини татбиқ этиш, илоҳий адолатни қарор топтириш ва инсониятни инсонлар зулмидан халос этиш учун эканини – билганларида ҳамда шариат ҳукмларини тўғри англаганларида, айниқса, бу ўзгаришлар натижасини аввалги илдиз отган коррупция ва ўта қарам тузумларга солиштирганда, ушбу илоҳий лойиҳа ҳимояси учун жонларини ҳам аямайдилар. Бу мусулмонларнинг Ислом буюклигини ўзлари яшаб келган жоҳилият билан солиштирган ҳолатларига ўхшайди. Тўғри ақида ғайратнинг сақланиб қолиши ва фидокорликнинг давом этишини кафолатлайди, ҳар бир инсонни ўзини ўзи назорат қиладиган, шубҳа ёки бўшанглик сизиб кира олмайдиган шахсга айлантиради. Ушбу фикрий мустаҳкамлик барқарорликка бевосита ҳисса қўшади; зеро ўз лойиҳасининг қадрини англайдиган иймонли ва онгли жамият душманларининг унинг ишончини заифлаштириши ёки сафини бўлиб юборишига йўл қўймайди.

Давлатнинг Ислом оламида кенгайиш имконияти

Янги шаклланаётган Ислом давлати атрофидаги минтақавий муҳит – аксарият ҳолларда – ҳукмрон режимларнинг ташқи кўринишдаги куч-қудрати намоён бўлишига қарамай, исломий кенгайиш учун тайёрдир. Чунки, бу режимларнинг аксарияти қонунийлиги заиф бўлиб, зўравонлик, истибдод ва ташқи кучларнинг қўллаб-қувватлашига таянади. Улар чуқур

коррупция ва бузғунчилик, иқтисодий таназзул ва оғир турмуш шароитида яшамоқда. Уларнинг мусулмон халқларининг эса, тобелик ва зулм ҳолатини англаши ва уни рад этиши тобора ортиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мусулмонлар юртларидаги раъйи ом ҳукмрон куфр режимларини рад этиш ва исломий муқобилни талаб қилишда деярли якдил бўлиб қолган. Сўнгги ўн йилликлар давомида кенг тарқалган исломий уйғониш Умматда шариат ва адолат бошқарувига нисбатан кучли интилишни уйғотди ҳамда халқларни, ҳатто бу йўлда хатарларга дуч келса ҳам, ўзгаришга ташна қилиб қўйди. Бу ҳолат Ислом давлати учун халқларни Ислом салтанати ва унинг давлатига даъват қилиш орқали кенгайиш учун тарихий имкониятни юзага келтиради. Шунингдек, у халқларни ўзларининг мавжуд аҳволига қарши қўзғолон омилларини ҳаракатга келтиришга ундайди. Халқлар амалда гавдаланган муваффақиятли намунани кўрган вақтда, унга ўз ихтиёрлари билан қўшилишга интиладилар. Араб баҳори тўлқини даврида золим режимларнинг қулаши оммани адолатли Ислом давлатини барпо этиш умиди билан тўлдирганини кўрдик. Бироқ ўша пайтда етакчи тузилманинг йўқлиги бу умиднинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилди. Бугун эса, ушбу тузилманинг ҳар қандай ҳудудда қад ростлаши билан бу умид амалий ҳаракатга айланиши мумкин. Зеро, мусулмонларнинг нигоҳлари унга қаратилади, шунингдек худди шундай ўзгаришни амалга ошириш ҳамда Ислом давлатини қамал қилиш ва бўғишга бўлган уринишларни пучга чиқариш учун қўшни давлатлар ичидан босим ортади.

Кенгайиш имконияти турли шаклларда намоён бўлади: у тинч йўл билан кириб бориш орқали бўлиши мумкин – масалан, қўшни режим халқ қўзғолони босими остида қуласа, ўша юрт аҳолиси ёрдам сўраб ва шариатни татбиқ этишни истаб, Ислом давлатига байъат беришга шошилади. Ёки шароитлар тайёр бўлганда ҳарбий фатҳ орқали бўлиши мумкин, масалан, душман режим армиясининг парчаланиши ёки унинг аҳолисидан айрим гуруҳлар зулмдан қутқаришни сўраб Ислом давлатига мурожаат

қилиши каби (худди исломий фатҳларнинг дастлабки даврида Шом ва Миср аҳолисининг кўпчилиги мусулмонларни румликлар зулмидан озод қилувчилар сифатида қарши олгани каби). Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ўзининг жипслигини сақлаб қоладиган пухта ўйланган стратегияга мувофиқ, жалб қилиш кучи ва ҳазорий таъсирни сабот билан қўллаб, табиий кенгайиш қонунларига риоя қилиш лозим. Замонавий тажрибалар шуни тасдиқладики, фаолиятни чекланган бир ҳудуддаги ёпиқ ҳаракат билан чеклаш унинг иштирокчиларини душманларнинг ёппасига ташланиши учун осон ўлжага айлантиради. Кенгроқ тарқалиш эса таъсирланувчилар ва тарафдорлар доирасини кенгайтириш орқали лойиҳага стратегик теранлик ва мустаҳкамлик бағишлайди. Шунингдек, чегаралар оша фронтларни бирлаштириш золим режимларнинг исломий ҳаракатларга қарши ҳамкорлик қилиш имкониятини йўққа чиқаради, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг кўплаб ички муаммолари билан банд бўлиб қолади. Ислом давлатининг Ислом олами бўйлаб ўз назорати остидаги ҳудудларни кенгайтиришдаги муваффақияти амалда тўқнашувни янги босқичга кўчиришни англатади: қамал қилинган битта давлат билан бўладиган кураш ўрнига, кураш бутун Уммат билан унга душман бўлган кучлар ўртасида кечади. Шунда Аллоҳнинг изни билан Умматнинг якуний нусрати ҳақидаги ҳақ ваъда яқинлашади. Бу Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзларини рўёбга чиқаради:

﴿وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ مِنكُمۡ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ لَيَسۡتَخۡلِفَنَّهُمۡ فِي ٱلۡأَرۡضِ﴾

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга уларни ер юзида халифа қилишни ваъда қилди».[Нур 55]

Ислом давлати ушбу қулай ҳолатдан ортиқча хатарсиз фойдаланиши учун «онгли бирлашиш» сиёсатини олиб бориши лозим. Яъни, ҳар бир юртнинг воқелиги ва шароитини ҳисобга олган ҳолда, мусулмонларни унинг байроғи остида онгли равишда бирлаштириш. Бирор юртдаги ўзгариш ҳаракатларини

қўллаб-қувватлаш, агар бу ҳаракатлар тартибли, интизомли ва аниқ Исломий қарашга эга бўлса, тартибсизлик ёки жоҳилият асабиятлари устун бўлган бошқа бир юртдагидан фарқ қилади. Бевосита ҳарбий аралашув даражаси ҳам бир ҳолатдан бошқасига қараб фарқ қилади. Бу ердаги «онглилик» ҳар бир юртни пухта ўрганишни англатади: ҳукмрон режимнинг кучли ва заиф томонлари, қабилавий ёки мазҳабий садоқатларнинг қанчалик илдиз отгани, халқнинг норозилик ва тайёргарлик даражаси, майдонда рақибларнинг мавжудлиги ва ҳоказо. Ушбу маълумотлар асосида кенгайишнинг йўл харитаси тузилади: қаерда тез ҳаракат қилиш мумкин, қаерда шароит пишиб етилгунча кечиктириш керак ва уни қандай қилиб пишитиш лозим? - ва ҳоказо. Муҳими, умумий бирлик мақсади якуний ғоя сифатида ҳамиша мавжуд бўлиши лозим. Давлат аҳли сунъий ўрнатилган Сайкс-Пико чегараларига суяниб қолмаслиги ёки Исломий ёйилишнинг муайян бир юртда тўхтаб қолишига рози бўлмаслиги керак. Ислом Уммати ўз табиатига кўра бир бутундир, уни мустамлакачилик бўлиб ташлади, малай ҳукмдорлар эса бу парчаланишни янада чуқурлаштирди. Бироқ Ислом шариати ва халқларнинг интилишлари бу бирликни қайта тиклашга муштоқ. Ҳақиқат байроғи остида қисмлар бирлашган сари, қолган қисмларга ҳам уларга қўшилиш учун ўз-ўзидан босим ортиб боради. Чунки ҳақиқий Ислом давлатининг қонунийлиги одамлар қалбида ҳудудий режимларнинг емирилиб бораётган қонунийлигидан устун келади. Шу тариқа муваффақиятли моделнинг «юқумли таъсири» ўз ишини бажаради: Халифалик ғояси бутун минтақаларга ёйилиб, кенгайиш имконияти шунчаки назарий эҳтимол эмас, балки амалга ошган воқеликка айланади.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда, Ислом давлатини барпо этишда тўсқинлик қилувчи ожизлик босқичидан узрни йўққа чиқарувчи қодирликка ўтиш режалаштириш ва онгли ҳаракатсиз ўз-ўзидан амалга ошмайди. Аллоҳ Ўз динини барпо этиш учун бу Умматга ато этган имконият, барча узрларни соқит қилиш ва тарихий бурчимиз масъулиятини бўйинга олиш учун, максимал

даражада ҳаракатга келтирилиши лозим. Ички халқ салоҳиятини сафарбар этиш, ташқи томонда Уммат қўллаб-қувватловини жалб қилиш, руҳий ақида кучидан фойдаланиш ва хавф-хатарларни енгиб ўтишни режалаштириш орқали янги шаклланаётган Ислом давлати – Аллоҳнинг ёрдами билан – бардош бериши, барқарорлашиши ва шариатни татбиқ этиши мумкин. Вақт ўтиши билан бу ниҳол ер юзининг машриқу мағрибидаги қолган мусулмонларни ўз сояси остида бирлаштирадиган серсоя дарахтга айланади. Бу Аллоҳга қийин эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَيَوۡمَئِذٖ يَفۡرَحُ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ ۞ بِنَصۡرِ ٱللَّهِۚ﴾

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар». [Рум 4-5]

Аллоҳдан ушбу хушхабарни тезлаштиришини ва уни рўёбга чиқариш йўлида холис ҳаракат қилаётганларга муваффақият ато этишини сўраймиз. Албатта, У бу ишнинг эгаси ва бунга қодирдир.

ТАЪМИНОТ ЗАНЖИРЛАРИНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИНТИҲОСИ

Профессор Набил Абдулкарим

Ўнлаб йиллар давомида иқтисодий глобаллашув жаҳон савдоси ҳаракати кечадиган умумий доирани шакллантириб келди. Бунда қитъалар бўйлаб ишлаб чиқариш тармоқлари кенгайди, заводлар, портлар ва таъминотчилар Шарқий Осиёдан Европа ва Америкагача чўзилган мураккаб таъминот занжирлари орқали ўзаро боғланди.

Глобаллашув замонавий дунё қиёфасини шакллантирган энг муҳим ҳодисалардан бири ҳисобланади. Зеро, у дунёни давлатлар ва жамиятлар мисли кўрилмаган даражада ўзаро таъсир ўтказадиган, бир-бири билан чамбарчас боғланган майдонга айлантиришга ҳисса қўшди. Глобаллашув фақат товар ёки ғояларнинг чегаралар орқали ўтиши эмас, балки иқтисод, маданият, сиёсат ва технологияни ўз ичига олган яхлит жараён бўлиб, у шахсларнинг турмуш тарзига, давлатларнинг ишлаб чиқариш шаклларига ва халқаро кучлар мувозанатига таъсир кўрсатади.

Гарчи бу атама сўнгги ўн йилликларда жадал оммалашган бўлса-да, унинг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. У буюк географик кашфиётлар давридан бошланиб, саноат инқилоби билан ривожланди, аммо ўзининг ҳозирги кўринишида Иккинчи жаҳон урушидан кейин намоён бўлди ҳамда коммуникация ва интернет инқилоби билан янада тезлашди. Глобаллашувнинг вужудга келиши ва ривожланишини англаш орқали дунёнинг қандай ўзгарганини тушуниш мумкин. Аммо аввало, Иккинчи жаҳон урушигача бўлган ва ундан кейинги глобаллашув ўртасидаги фарққа тўхталиб ўтамиз.

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган глобаллашув савдо ва мустамлакачиликка асосланган бўлиб, Европанинг мустамлакачилик экспансияси билан чамбарчас боғлиқ эди.

Унда йирик давлатлар мустамлакалар устидан ҳукмронлик қилиб, уларнинг ресурсларидан фойдаланди ва халқаро институтлар мавжуд бўлмаган глобал савдо тармоқларини барпо этди. Бу тармоқлар чекланган ва беқарор бўлиб, қонунга эмас, балки кучга таянар эди; савдо йўллари ҳарбий куч билан назорат қилинар, технологиянинг сезиларли таъсири йўқ эди, иқтисодиётда бутун эътибор Европага қаратилган бўлиб, қолган ҳудудлар ё унга тобе, ё мустамлака ҳолатида эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса, глобаллашув йирик халқаро институтлар (БМТ, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва кейинчалик Жаҳон савдо ташкилоти) орқали янада тартиблироқ тус олди. Шу асосда, ўнлаб давлатларда фаолият юритадиган (Coca-Cola, Microsoft каби) йирик глобал компаниялар пайдо бўлди. Албатта, бу компанияларнинг барчаси дунёда ҳукмронлик қилаётган йирик давлатларнинг компанияларидир. Шу тариқа, Европа мустамлакачи мақомидан шерик мақомига ўтди.

Совет Иттифоқи парчаланиши, улкан технологик тараққиёт, трансмиллий компанияларнинг пайдо бўлиши ва рақамли глобаллашув (глобал мулоқот платформалари, ахборот оқими, электрон тижорат ва ҳ.к.)дан сўнг глобаллашув янада кенг қамровли бўлиб, шахсларнинг кундалик ҳаётига кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Афсуски, бугунги кунда юзага келаётган инқирозларда ҳам глобаллашув ҳал қилувчи таъсир кучига эга бўлиб қолди. Улардан айримларини – тўлиқ рўйхатни эмас, мисол тариқасида – келтириб ўтамиз:

Глобал иқтисодий боғлиқлик ҳаддан ташқари кучайиб, ягона бир тармоққа айланди. Бу ҳолатнинг ижобий томонлари бўлсада, лекин бу ҳар қандай кичик инқироз жуда тез тарқалиши мумкинлигини англатади. Масалан, 2008 йилдаги Америкадаги ипотека инқирози, Европада банкларнинг қулаши, Осиёда ишсизликнинг ортиши ва бошқа кўплаб ҳолатлар. Яъни, бундай ўзаро чамбарчас боғлиқлик иқтисодий инқирознинг бир ҳудуддан бошқасига жуда тез юқишига олиб келди.

Молиявий инқирознинг тез ҳаракатланувчи капитал орқали бир ҳудуддан бошқасига ўтиши: миллиардлаб долларлар бир неча дақиқада чегаралар оша ҳаракатланиши мумкин. Бу эса молия бозорларининг реал ишлаб чиқаришга эмас, балки тез ўзгарувчан прогнозларга таянишига олиб келди. Натижада капиталнинг тўсатдан олиб чиқиб кетилиши, айрим давлатлар валюталарининг бир кун ичида қадрсизланиши, товарлар ёки энергия нархларининг тўсатдан кескин тушиб кетиши осонлашди. Буларнинг барчаси ушбу глобаллашувдан олдин мумкин эмас эди.

Глобал таъминот занжирларига ҳаддан ташқари суяниб қолиш дунёни жуда нозик қилиб қўйди. Чунки ишлаб чиқариш жараёни турли давлатлар ўртасида тақсимланиб кетди: хом ашё бир юртдан олинади, ишлаб чиқариш бошқа юртда, йиғиш яна бошқасида, тарқатиш эса, эксклюзив компаниялар қўлида... ва ҳоказо. Натижада Хитойдаги бир портнинг ёпилиши Европада товарлар танқислигига олиб келди, энергия ишлаб чиқарувчи давлатлардаги инқироз Осиёдаги заводларни тўхтатиб қўйди, Украинадаги уруш эса дунё миқёсида озиқ-овқат инфляциясига сабаб бўлди.

Глобаллашув кино, ОАВ, интернет орқали ўзлик инқирози ва фикрий низоларни келтириб чиқарди. Буларнинг барчаси бир қўлда тўпланган бўлиб, мустақил ўзликка эга жамиятларга янги маданият ва қадриятлар мажбуран сингдирилди ҳамда бу ўзликнинг софлиги бузилди. Бугун биз азият чекаётган ахлоқий бузилиш тасодифий ҳодиса эмас, балки мутлақ индивидуализмни, диний меъёрлар ва урф-одатлардан халос бўлишни тарғиб қилувчи маданий ва медиа глобаллашув яратган яхлит тизимнинг натижасидир. Бу тизим инсон танасини товарга айлантириб, лаззатни бош мақсад қилиб олди. Ғарб дунёни маданий жиҳатдан забт этиш учун айнан шуни лойиҳалаштирди ва шу мақсадда бир қанча платформаларни, жумладан: «Нетфликс», «Голливуд», ахлоқий бузуқликни тарғиб қилувчи машҳур инфлюенсерлар, порнографияни глобал саноатга

айлантирган кўплаб платформалар, барча ижтимоий тармоқлар ва бошқаларни ташкил этди.

Буларнинг барчаси дунё бўйлаб камбағал давлатлар, ўрта ва камбағал қатлам ҳисобидан ғолиблар – бой давлатлар, улкан корпорациялар ва молиявий марказлар хазинасига оқиб кирди. Бу эса жуда юқори даражадаги ижтимоий бўлинишларга олиб келди.

Глобаллашув орқали юзага келган бу очиқлик бугун дунё азият чекаётган бўлинишни келтириб чиқарди. Оқибатда дунё бугун уни бошқараётган озчилик гуруҳнинг ҳирсларини қондириш ҳолатига келиб қолди. Улар глобаллашув орқали ҳаёт тарзи ва қадриятлари бир хил бўлган инсонни шакллантиришга интилишмоқда: унинг маданияти фақат истеъмолдан иборат, бир хил маҳсулот истеъмол қилади, ягона иқтисодий турмуш тарзи – либерал капитализмда яшайди, индивидуализм ва чексиз эркинликни тарғиб қиладиган, ахлоқий тубанликка, насс (оят ва ҳадиснинг матни) ва анъанага боғлиқликдан халос бўлишга ҳамда руҳни жамиятдан ажратишга таянадиган ягона «дин»ни қабул қилади.

Дунё давлатлари глобаллашувнинг ўзларига кўрсатган таъсирини сезмоқда. Шу сабабли улар глобаллашувни қайта баҳолашга киришди. Айниқса, дунё 2008 йилги глобал молиявий инқироз, пандемия давридаги таъминот занжирларининг узилиши, Украина уруши ҳамда Хитой ва Америка, Россия ва НАТО ўртасидаги геосиёсий кескинликлар каби инқирозларга дуч келганидан кейин бу жараён янада кучайди.

Шунинг учун, бу давлатлар муайян чора-тадбирларни кўришга ҳаракат қила бошладилар ва АСЕАН, БРИКСнинг минтақавий шакли, Шарқий Африка келишувлари каби минтақавий иқтисодий таъсир доираларини барпо этишга киришдилар. Бу минтақавий бирлашувлар етказиб бериш тезлигини (яқин географияни), хавфсизлик ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашни ҳамда осонроқ саноат интеграциясини таъминлашга интилмоқда.

Бугун – Трампнинг сўнгги президентлик даврида – биз унинг савдо глобаллашувини чеклайдиган катта бож тарифларини жорий қилганини кўрдик. Шунингдек, у чип ишлаб чиқаришни Осиёдан Америка ва Мексикага кўчиришга интилиб, камёб металларга ишлов бериш занжирларини яратиш ва Хитойга қарам бўлмаслик устида ишламоқда ҳамда йирик компанияларни Осиёдан Америкага қайтаришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун у компаниялар қайтган тақдирда катта имтиёзлар тақдим этмоқда, маҳсулотлари хорижда ишлаб чиқарилган бўлса, уларга оғир тўсиқлар қўймоқда. Бунга сабаб улар глобаллашув даври сўниши бошланганини билмоқдалар. Ушбу глобаллашувдан чиқишни истаган давлатлар минтақавий тузилмаларга ўтишлари ва қисқача айтганда, қуйидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

1. Давлат ва унинг маҳсулотларини ҳимоя қилишга қаратилган протекционистик сиёсатни йўлга қўйиш.
2. Ички ва минтақавий озиқ-овқат хавфсизлигини барпо этиш.
3. Минтақа ёки ҳудуд ичида энергия манбаларини диверсификация қилиш.
4. Минтақавий молиявий ва валюта иттифоқларини ташкил этиш.

Ва давлатларга глобаллашувдан чиқишга ёрдам берадиган бошқа чора-тадбирлар.

Бу глобаллашувнинг таназзулга юз тутиши ва барҳам топишини тезлаштирадиган омиллар қуйидагилардан бири бўлиши мумкин: халқаро тизимга зарба берадиган молиявий инқироз, кенг қамровли глобаллашувга бўлган ишончнинг йўқолиши ва минтақавий иттифоқларга ўтиш. Минтақавий иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда долларга ва узоқда жойлашган таъминот занжирларига қарамликни камайтириш. Ягона дунё тартиби ўрнига кўп қутбли дунё тартибини шакллантириш.

Бундай воқеа-ҳодисалар, одатда, тарихнинг бир даврида, ўзаро кураш ва коинотдаги қонуниятлар доирасида табиий равишда юз беради. Глобаллашувнинг юксак чўққисидан сўнг минтақавий

қисқариш, сўнгра таназзул ва янги мувозанатни қайта барпо этиш босқичи келади.

Шунинг учун Исломнинг мабда сифатида дунё ҳукмронлигига қайтиши муқаррар ва яқиндир. Иншааллоҳ, биз унинг келишини тезлаштирамиз. Бугун дунёнинг барча бурчакларидаги мусулмонлар ушбу ўзгаришлар ва таназзуллар шароитида имконият ниҳоятда катта эканига эътибор қаратишлари лозим. Мусулмонлар юртларига қарши олиб борилаётган шафқатсиз ҳужумларга қарамай, бунинг ўзи муқобил ечим айнан шу юртларда мавжуд эканидан далолат беради. Бу юртлар аҳолиси кўтариб юрган соғлом ва Раббоний ақида эса дунёни бошқаришга яроқли бўлган ягона ақидадир.

Эй, мусулмонлар! Аллоҳ Таоло бизга кўплаб неъматлар ва имтиёзли географик мавқени ато этди. Агар Исломий ҳаётни қайта бошлаш орқали Унинг шариатини ҳаётга татбиқ этсак, бундан ҳам кўпроғини ваъда қилди. Шунда ер ўз хазиналарини чиқаради, осмон ўз баракотларини ёғдиради. Бу масалага улуғ шайх, ал-Азҳар олими, мужтаҳид мутлақ Тақийюддин Набаҳоний] эътибор қаратган ва Ҳизбут-Таҳрирни ташкил этишга киришган. Бугунги кунда у капитализмнинг ҳавойи истаклари ва воситалари билан булғанмаган ҳолда, исломий фикратнинг жинсидан бўлган тариқат билан Исломий ҳаётни қайта бошлаш учун ҳаракат қилаётган ягона томон ҳисобланади.

Ундан кейин келган кишиларнинг саъй-ҳаракатлари билан Уммат лойиҳаси, унинг энг майда тафсилотларигача, ҳаётга татбиқ этиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Унинг йигитлари куч-қудрат аҳлининг эътиборини унга қаратиш учун, фурсатни ғанимат билиб, кечаю кундуз меҳнат қилмоқдалар. Аллоҳнинг изни ва иродаси билан, вақти-соати келганда улар шай ҳолатдадирлар.

Эй ушбу Умматнинг халқлар ва куч-қудрат эгалари орасидаги холис кишилари! Халифаликни ўз асл мақомига қайтариш ва дунёни Ислом нури билан ёритишга биргаликда эришишимиз учун ушбу Ҳизб билан бирга шахдам қадам ташланг. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدۡ جَآءَكُم بُرۡهَٰنٞ مِّن رَّبِّكُمۡ وَأَنزَلۡنَآ إِلَيۡكُمۡ نُورٗا مُّبِينٗا ۝ فَأَمَّا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ بِٱللَّهِ وَٱعۡتَصَمُواْ بِهِۦ فَسَيُدۡخِلُهُمۡ فِي رَحۡمَةٖ مِّنۡهُ وَفَضۡلٖ وَيَهۡدِيهِمۡ إِلَيۡهِ صِرَٰطٗا مُّسۡتَقِيمًا﴾

«Эй одамлар, сизларга Роббингиздан ҳужжат келди ва Биз сизларга очиқ-равшан Нур *(Қуръон)***ни нозил қилдик. Аллоҳга иймон келтириб, Унга маҳкам боғланган зотларни Ўз томонидан бўлган раҳмат ва фазлу марҳаматга** *(яъни жаннатга)* ***дохил қилур. Ва уларни Ўзининг тўғри йўлига йўллагай»***. [Нисо 174-175]

ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР…БИРЛИККА ЧАҚИРИҚМИ ЁКИ БЎЛИНИШГА?!

Профессор Юсуф Арслон

Бироз вақт олдин Ҳизб ут-Таҳрир амири офисининг аъзоларидан бири, устоз Аҳмад Бакр] вафот этди. Унинг даъват йўлидаги фаолиятига оид баъзи хотираларни ўқиб чиққач, айниқса, даъват йўлидаги саботи ҳамда Седная қамоқхонасидаги ҳибс ва қийноқлар ҳақидаги оғриқли хотиралари мени қаттиқ таъсирлантирди. Қисқа хотиралардан бирида муаллиф устоздан ўрганган сабоқларини эслаб ўтган эди; жумладан, шайх Тақийюддин Набаҳоний] унга Умматга ёки даъватчиларга тааллуқли муаммо ва фитналар юз берганда «Ал-Авосим минал-қавосим» китобини ўқишни тавсия қилган. Чунки бу китоб инсонга сабот, теран онг ва иймон қувватини бахш этади.

Шундан келиб чиқиб, мен бу китобни ўқиб чиқдим. Уни ҳижрий VI асрда қози Абу Бакр ибн ал-Арабий ал-Моликий ёзган бўлиб, китобнинг асосий мавзуси саҳобаларнинг фитналар ва ўз давридаги воқеалар қаршисидаги саботлари ва тақдирий позициялари атрофида айланади. Китобни мутолаа қилиш орқали Ҳизб ут-Таҳрир асосчиси шайх Набаҳонийнинг Уммат бирлиги ва бўлиниш хавфи борасидаги хавотирлари янада аниқроқ намоён бўлади. Чунки у киши ҳар қандай шароитда тўғри исломий позицияни намоён этиш зарур, сабот эса ўзгармас принципдир, деб билар эди.

Китоб ёркин мисоллар билан бошланади. Улардан бири Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу тутган позициядир. У киши ўз донишмандлиги ва шариатга амал қилиши билан Умматни бўлинишдан сақлаб қолди. Шунингдек, Бану Соида айвонидаги воқеада ҳам айрим ансорлар «ансорлардан бир амир, муҳожирлардан бир амир бўлсин», деган таклифни илгари

сурганларида, у киши ўткир баён ва кучли ҳужжат билан бўлиниш юзага келишининг олдини олди ҳамда: «Биз амирлармиз, сизлар эса вазирларсиз», деди.

Келтириш мумкин бўлган бошқа мисоллардан яна бири: Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг закот беришдан бош тортганларга қарши уруш қилиш ҳақидаги қароридир. Шунингдек, Умар розияллоҳу анҳунинг халифани сайлаш учун уч кун муддат белгилагани, Усмон розияллоҳу анҳунинг шаҳид бўлгунига қадар ўзини фидо қилгани, Али розияллоҳу анҳунинг то қурол кўтармагунларича хаворижларга сабр қилгани ҳам шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси Уммат бирлиги Исломдаги шаръий ўзгармас асослардан бири эканига ва у Исломий бошқарув ақидасида танада қон қандай айланса, шундай асосий ўрин тутишига далолат қилади. Айни шу асос худди саҳобалар ва рошид халифаларда бўлгани каби Ҳизб ут-Таҳрирнинг ҳам асосий ташвиш ва эътибор марказида бўлган.

Илмонийликка даъват қилишдан миллий давлатгача

Ҳар бир жамият ўз тарихининг меросидир, мусулмонлар ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги кунда баъзи тарихий воқеалар ва қарорлар оқибатида «гуруҳбозлик ва ихтилоф» «бўлиниш»нинг айни ўзи, деб қараладиган бўлди. Бугун Ислом Уммати ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ тарқоқ ва бўлинган ҳолатда бўлган бир вақтда онгимизда ҳақиқий бирликнинг мавжуд эмаслиги ҳақидаги тушунча қарор топди. Шу контекстда баъзилар Ҳизб ут-Таҳрир ҳақида: «У бўлинишга чақириқми ёки бирликками?» деган саволни ўртага ташлайдилар. Бу хавотирлар Ҳизб ут-Таҳрирнинг мувофиқлашган ҳолда ҳаракат қилиши, сиёсий маъруфга буюришга алоҳида эътибор қаратиши ва Исломни муайян ғоялар ёки мазҳабларга мойил бўлган кишилар учун қабул қилиш осон бўлмаган тарзда тушунтиришидан келиб чиқади. Бу саволга жавоб бериш учун аввало «бўлиниш» тушунчасига ойдинлик киритиш, сўнг унинг омиллари ва кўринишларини ўрганиш лозим. Шунда Ҳизб ут-Таҳрирнинг бу масаладаги позицияси аён бўлади.

«Тафарруқ» (бўлиниш) сўзи ажралиш ва узоқлашиш маъносидаги «фарақа» ўзагидан олинган. У Қуръонда ҳам ҳиссий, ҳам маънавий ажралиш маъносида қўлланган, масалан, Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَإِذۡ فَرَقۡنَا بِكُمُ ٱلۡبَحۡرَ﴾

«Сизлар сабабли денгизни бўлганимизни эсланг». [Бақара 50]

﴿ٱفۡرُقۡ بَيۡنَنَا وَبَيۡنَ ٱلۡقَوۡمِ ٱلۡفَٰسِقِينَ﴾

«Биз билан у фосиқ қавмнинг орасини ажратгин!» [Моида 25] деган оятларида келганидек. Шариатда эса «тафарруқ» сўзи кўпинча дин усуллари ва ақидадаги ихтилофга нисбатан ишлатилади; у ҳаром қилинган бўлиб, куфр даражасигача етиши мумкин. Аммо фуруъдаги ижтиҳодий ихтилофлар бўлиниш ҳисобланмайди. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Албатта Бани “Исроил” 71 фирқага бўлинди, менинг Умматим эса 72 фирқага бўлинади. Уларнинг барчаси дўзахда, фақат бир фирқадан ташқари, у жамоатдир»** (Ибн Можа). Кувайт университети Шариат факультетида тафсир ва ҳадис профессори доктор Ҳоким Мутайрий ушбу ҳадисни тадқиқ қилиб, ўз тадқиқотида шундай ёзган: «Бу – “Умматим 73 фирқага бўлинади, уларнинг барчаси дўзахда, фақат бир фирқадан ташқари” деган бўлиниш ҳақидаги ҳадиснинг санад жиҳатидан танқидий ва замонавий тадқиқотидир. Бу ҳадис машҳур ва санади кўп бўлишига қарамай, Бухорий ва Муслим уни ўз китобларида келтиришдан бош тортганлар. Ибн Ҳазм уни саҳиҳ эмас деб ҳукм қилиб: «У санад жиҳатидан асло саҳиҳ эмас. Бундай ривоят хабарул-воҳидни ҳужжат деб билувчилар наздида ҳам ҳужжат эмас», деган. Шайхулислом Ибн Таймия, гарчи уни саҳиҳ деб билса-да, ҳадис саҳиҳлигининг қувватига шубҳа билдириб: «Ким 72 фирқанинг барчасини кофир деса, Қуръон, Суннат ҳамда саҳобалар ва тобеинларнинг ижмосига хилоф қилган бўлади. Ҳолбуки, “72 фирқа” ҳақидаги ҳадис икки Саҳиҳда ҳам келмаган. Ибн Ҳазм ва бошқалар уни заиф санаганлар. Бироқ

бошқалар уни ҳасан ёки саҳиҳ деганлар, Ҳоким ва бошқалар ҳам уни саҳиҳ санаганлар”, деган. Шавконий: «“Уларнинг барчаси дўзахда” деган қўшимча марфуъ ҳам, мавқуф ҳам саҳиҳ эмас», деган ва буни «Фавоид ал-мажмуа» асарида келтирган. Бунга хилоф ўлароқ Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким «бўлиниш» ҳадисини саҳиҳ деганлар, кейинги уламолардан бир гуруҳ уларга эргашган». Бу ҳадисдаги «жамоат»нинг маъноси битта халифа остида бирлашган Ислом Умматидир. Чунки саҳобалар, якдиллиги бузилганидан сўнг, Муовия атрофида бирлашган йилни «Жамоат йили» деб атаганлар. Шунингдек, Ислом ақидаси асосида барпо бўлган ҳар қандай жамоа, гарчи фуруъда ихтилоф қилса ҳам, «жамоат» доирасига киради. Аммо илмонийлик каби исломий бўлмаган ақидаларга даъват қилиш – бўлинишга бўлган даъватдир.

Сиёсий нуқтаи назардан ҳам «жамоат» сўзи «бўлиниш» лафзига қарама-қарши маънода қўлланади. Ҳадисларда «жамоат» сўзи ақидавий маъносидан ташқари, ягона исломий сиёсий тузум, яъни Халифаликка нисбатан ҳам ишлатилади ва унинг раҳбарига итоат этиш мусулмонларга вожиб экани баён қилинган. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Ким итоатдан чиқса ва жамоатдан ажралса-ю, шу ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимида ўлибди»** (Муслим). Яна дедилар: **«Мусулмонлар жамоатини ва уларнинг имомини маҳкам ушлайсан»** (Муслим). Демак, жамоатдан ажралиш ва унга қарши чиқиш ҳаром. Бугун Уммат ягона жамоатга эга бўлмаган, миллий давлатлар ва миллатчи партиялар Уммат бирлигига тўсқинлик қилаётган бир шароитда, ягона Исломий жамоатни барпо этиш фарзга айланди. Бу йўлда ҳаракат қилаётган ҳар бир партия аслида бирликка даъват қилувчидир. Бунинг акси ўлароқ, Умматни миллий чегаралар ва ўзликларга бўлиб ташлаган миллатчи партиялар ва миллий давлатлар бўлинишнинг энг катта омили ҳамда Исломий бирликка эришиш йўлидаги энг катта тўсиқдир.

Ҳокимият учун кураш ва бўлиниш

Ҳизб ут-Таҳрирнинг ақидаси Ислом ақидасидир, унинг мақсади эса мусулмонларнинг ягона жамоатини барпо этишдир. Шу сабабли унинг даъвати бирликка даъватдир, илмонийлик, миллатчилик ва миллий давлатга даъват қилиш эса бўлинишга даъват ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бугунги кунда жамият «бирлик» ва «бўлиниш» сўзларини тилга олганда, кўпинча бу сўзларнинг урфий маъносини, яъни қабилавий ва партиявий тарафкашликни ёки фикрий ва фиқҳий ихтилофларни назарда тутади.

Ислом Уммати тафаккур, фиқҳ ва ҳазоратнинг юксак чўққисида турган даврларда бу гуллаб-яшнаш, аслида, Уммат бошдан кечирган фикрий ва сиёсий уйғонишнинг меваси эди. У шаръий нусусларни ақл юритиш ва тадаббур қилиш билан ўрганиш ҳамда воқеликни тўғри англаш натижаси бўлган. Аммо фикрий ва фиқҳий ихтилофлар бўлиниш ва низоларга айланган пайтда, сиёсий омиллар бунда асосий роль ўйнаган.

Бу тарихий воқелик Аҳли суннатнинг янги бир ўзлик сифатида ҳокимият эгаларига яқин қарорлар қабул қилишига олиб келди. Бу ҳолат мўътазила мазҳабини қабул қилган Маъмун, Муътасим ва Восиқ халифаликларидан сўнг аббосий халифа Мутаваккил даврида шаклланди. Мутаваккил халифалигидан бошлаб илм аҳли ва ҳокимият эгалари фикрий ихтилофларга қарши туришда ўзларининг муштарак манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар атрофида бирлашдилар, гарчи Аҳли суннат уламолари бунда холис ният билан ҳаракат қилган бўлсалар ҳам.

Илм аҳли ихтилоф майдонини торайтиришга мўътазила, шиа ва хаворижлар каби мухолиф гуруҳларнинг кириб келишининг олдини олиш нуқтаи назаридан қарар эди. Ҳокимият эгалари эса бунда тартиб ва сиёсий қудратни сақлаб қолиш воситасини кўрдилар. Икки томон шу қараш атрофида бирлашгач, «фитна ва бўлинишнинг олдини олиш» шиори остида муайян қадамлар ташланди: ижтиҳод эшиги ёпилди, ақл юритиш ҳаракати бостирилди, ҳокимларни муҳосаба қилиш чекланди, ҳатто Қуръонни тушуниш ва унга мурожаат қилишга ҳам чекловлар қўйилди.

Бугунги кунда ҳам кимдир ижтиҳод, ақл юритиш, ҳизбчилик (сиёсий уюшиш) ёки ҳокимларни муҳосаба қилиш ҳақида гапирса, баъзи одамлар бунга бўлиниш нуқтаи назаридан қарайдилар. Ваҳоланки, ақл юритишни ва сиёсий фаолиятни чеклашнинг шаръий нусусларда асли йўқ. Балки айрим уламолар нотўғри хулоса чиқарган тарихий тажрибалардан келиб чиққан, улар шу тажрибалар асосида муайян чекловлар жорий этдилар, ҳокимият эгалари эса ўз салтанатларини сақлаб қолиш мақсадида шу чекловларга мойил бўлдилар. Буларнинг барчаси Ислом Умматининг таназзули ва қотиб қолишига олиб келди, бу қотиб қолишдан Уммат ҳанузгача халос бўлгани йўқ. Тарихдан чиқариладиган тўғри сабоқ эса, унинг хатоларини такрорламасликдир.

Исломда раъйлар ихтилофи мақбул иш бўлиб, у инсон табиатига хосдир. Одамлар жуда кўп масалаларда бир-биридан фарқ қиладилар ва фитрат дини бўлмиш Ислом бу ҳақиқатни тан олган. Шунинг учун шаръий фуруъдаги ижтиҳодий ихтилофлар мақбулдир. Бироқ бунинг ўзи кифоя эмас, чунки фиқҳий ихтилофнинг ўзи ҳам бўлинишга сабаб бўлиб қолиши мумкин. Бу ўринда шундай савол туғилади: муайян бир ҳизб (партия) турли ижтиҳодий раъйларига эга бўла туриб, амалда бўлиниш йўлида ҳаракат қилмаяпти деб қандай ҳукм қила оламиз?

Бу ерда асосий бир қоида намоён бўлади: қачонки бир шахс ёки жамоа шаръий таклифга ва далилнинг қувватига амал қилиш ўрнига ҳокимият гирдобида сингиб кетса, у бўлиниш томон юз тутади. Фақат ҳокимиятга интилиш эса ихтилофни қабул қилишнинг ҳар қандай маъносини йўққа чиқаради. Тарих бунга ёрқин мисоллар билан тўла: хаворижлардан тортиб мўътазилалар ва ваҳҳобийларгача, улар ҳокимиятга қарши курашда мағлуб бўлиб, куч-қудрат учун рақобатни деб шаръий таклифни бой бердилар. Бунинг акси ўлароқ, бирлик тарафдорлари шаръий таклиф ва далилнинг қувватини собит асос деб биладилар. Улар ҳокимиятга шариатни барпо этиш воситаси деб қарайдилар, шариатни ҳокимиятга эришиш воситаси деб ҳисобламайдилар.

Шубҳасиз, ҳокимиятга мойилликнинг асли инсонда табиий нарса. Бир томондан, Исломни барпо этиш ва уни қарор топтириш учун куч-қудратга эга бўлиш фарз, чунки дин фақат салтанат билангина қад ростлайди ва зафар кучади. Бошқа томондан эса, ҳокимият инсонлар учун жуда катта имтиҳон майдонидир, зеро Сулаймон:

﴿هَٰذَا مِن فَضۡلِ رَبِّي لِيَبۡلُوَنِيٓ ءَأَشۡكُرُ أَمۡ أَكۡفُرُ﴾

«Бу Роббимнинг мен шукр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлу-марҳаматидандир». [Намл 40]

деганлар. Лекин бу ўринда «ҳокимият учун кураш» дейилганда, шаръий таклиф ва далилнинг қуввати қурбон қилинадиган, фақат куч-қудратга эришишни кўзлаш назарда тутилмоқда.

Ислом ҳокимиятнинг ўзи мақсад эмаслигини кўрсатган. Али розияллоҳу анҳу то қурол кўтармагунларича хаворижларга қарши жанг қилмади, чунки у кишининг ғами фақат ҳокимиятни сақлаб қолиш эмас, балки шаръий таклифни адо этиш эди. Шунингдек, Усмон розияллоҳу анҳу ҳам Уммат фитна ва бўлинишга дучор бўлмаслиги учун ўз жонини таслим қилди; у киши ўз ҳокимиятини ҳимоя қилиш ўрнига Аллоҳ Таолонинг розилигини устун қўйди. «Ал-Авосим минал-қавосим» китобида келишича, Усмон розияллоҳу анҳу саҳобаларни исёнчиларга қарши жанг қилишдан қайтарган ва ўзи сабабли бирор кишининг ўлдирилишига рози бўлмаслигини айтиб, шаҳид бўлгунига қадар Аллоҳнинг амрига таслим бўлган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кун уламолари шундай саволни ўртага ташлайдилар: агар мусулмонларнинг ҳокими Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳолатига ўхшаш вазиятга тушиб қолса, фитнанинг олдини олиш учун ўз жонини фидо қилиши керакми?

Шунга кўра айтиш мумкинки, фақат ҳокимиятга интилиш – бўлиниш аҳлининг белгиси, шаръий таклиф ва далилнинг қувватини маҳкам тутиш эса, бирлик аҳлининг белгисидир.

Қуйида фақат ҳокимиятга интилишнинг айрим кўринишларига ишора қиламиз:

1) Муташобиҳ масалаларда такфир қилиш

Такфир (кофирга чиқариш) аслида шаръий ҳукм бўлса-да, тарих давомида ундан восита сифатида ҳам фойдаланилган. Зеро, айрим жамоалар ва давлатлар ўз ҳаддан ошишларини (бағийни) оқлаш ёки мухолифларни бостириш учун такфир, тафсиқ (фосиққа чиқариш) ва табдиъга (бидъатчига чиқариш) мурожаат қилганлар. Шу сабабли такфир кўпинча сиёсий майдонга ҳам ёйилган.

Ушбу контекстда, такфир ва ёрлиқлар ёпиштириш масаласида Ҳизб ут-Таҳрир энг эҳтиёткор оқимлардан бири саналади. Чунки у Қуръон, Суннат ва саҳобалар сийратига таяниб, диндаги асл муҳкамотлар, муташобиҳотлар эса ихтилоф ва ижтиҳод майдони деб билади. Ислом тарихи муташобиҳотларга таяниб такфир қилинган мисолларга тўла: хаворижларни такфир қилишдан тортиб мутакаллимларни, ҳатто фиқҳий мазҳаблар эргашувчиларини ҳам такфир қилишгача. Бироз тафаккур қилинса, бу такфирларнинг кўпчилиги замирида ҳокимиятга интилиш ётгани аён бўлади.

Бунинг акси ўлароқ, Ҳизб ут-Таҳрир муҳкамотларга урғу беради. Бирлик барча инсонларнинг битта раъйга келишини англатмайди, балки уларнинг – гарчи фуруъий масалаларда ихтилоф қилсалар ҳам – муҳкамотларни маҳкам тутишлари, битта имом (халифа) остида бирлашишлари ва динни ғолиб қилишга интилишларини англатади. Шунинг учун Ҳизб ут-Таҳрир нутқларидаги такфир, асосан, мусулмон шахслар ва жамоаларга эмас, балки куфр тузумлари ва уларнинг ҳукмрон тузилмаларига қаратилган.

Ҳокимиятнинг ўзини мақсад қилиб олганлар эса, одатда, ўз қилмишларини оқлаш учун такфирга мурожаат қиладилар. Улар фақат ўзларини ҳақ деб биладилар, бошқаларга турли айбловлар ёғдирадилар ва бошқа мусулмонларни қабул қилишдан ожизлик қиладилар. Ҳизб ут-Таҳрир бундай ёндашувни қатъиян рад этади ва уни бўлинишнинг энг катта омилларидан бири деб ҳисоблайди.

2) Саботсизлик

«Сиёсий реализм мактаби» (у «куч-қудрат мактаби» деб ҳам аталади) сиёсатдаги ҳар бир нарса ҳокимият атрофида айланади, бошқа қиймат ва омиллар, жумладан, сақофат ва ахлоқий қийматлар ҳам куч-қудрат ва манфаат йўлида қурбон қилинади, деган қарашга асосланади. Бу мактаб мазкур ёндашувни нафақат реалистик, балки тўғри ҳам деб ҳисоблайди.

Мазкур мактабга ўхшаш ёндашувга эга бўлганларнинг энг кўзга кўринган белгиси саботсизликдир. Чунки улар ўз позицияларини шароит ва манфаатларга қараб ўзгартирадилар: гоҳида Халифалик шиорини кўтарадилар, гоҳида эса демократ бўлиб қоладилар; бир куни жиҳодни ечим деб билсалар, бошқа куни ундан воз кечиб, ўзларини «маърифатпарварлар» сифатида намоён қиладилар.

Ҳолбуки, Исломий фикрат ва тариқат собитдир, уларнинг далили қатъий бўлиб, ўзгармайди. Хўш, уларнинг наздида бир нарсани бир сафар ҳалол, бошқа сафар ҳаром қилиб қўядиган нарса нима? Жавоб аниқ: манфаат ва ҳокимият, худди шу нарса уларнинг наздида воситани мақсад билан оқлайди.

Бунинг акси ўлароқ, Ҳизб ут-Таҳрир етмиш йилдан ортиқ вақтдан бери ўз олдига Рошид Халифаликни барпо этишни мақсад қилиб қўйди ҳамда пайғамбарлик минҳожи асосидаги фикрий ва сиёсий фаолият йўлини тутди. У Исломга асосланмаган бирон-бир манфаат ёки ҳокимият эвазига ўз йўлини ўзгартирмади. У илоҳий нусрат фақат ва фақат шариатга мувофиқ амал қиладиган ҳамда ҳокимият ва манфаат шаҳватига қарамай собит турадиганларга берилишига ишонади. Агар Ҳизб ут-Таҳрир ўзи учун ҳокимиятни кўзлаганида эди, ўз йўналиши ва тариқатини ўзгартириши унинг учун осон бўлар эди.

Бир куни Фоиз Тоҳа шайх Тақийюддин Набаҳоний билан бирга ўтирганида у кишидан сўради: «Биз билан исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият олиб бораётган бошқа ҳаракатлар ўртасидаги фарқ нима?» Шайх унинг фикрини билиш учун саволни унинг ўзига қайтарди. Шунда Фоиз Тоҳа деди: «Биз Исломни яхшироқ тушунамиз, бизнинг сақофат беришимиз

кучлироқ, сиёсий онгимиз юксакроқ, раъйларимиз кучлироқ ва ихлосимиз каттароқ».

Шайх Набаҳоний бунга жавобан, булар Ҳизбни бошқалардан ажратиб турувчи асосий хусусият эмаслигини баён қилди. Зеро, бошқа жамоалар орасида ҳам сиёсий тушунча ва онгга эга бўлганлар бор, мусулмонларнинг кўпчилиги ихлос ва иймон эгаларидир. Ҳизб ут-Таҳрирни ажратиб турувчи хусусият эса мақсадга етишдаги ирода, эътиқод ва ўзига бўлган ишончдир. Яъни ўз фикратига ишониши, бу йўлда жиддий амал қилиши ҳамда ўз онги, тушунчаси ва ғайратини шу мақсадга эришиш учун сафарбар этишидир. Бу ҳақиқий туйғу ва теран фикрдан келиб чиқадиган фикрий ҳолат бўлиб, оддий академик билим эмас, балки мустаҳкам ақидага олиб боради.

3) Ҳокимиятнинг ўзини мақсад қилиш

Ҳокимиятга интилишнинг кўринишларидан бири шуки, шахс ёки жамоа куч-қудратни фақат ўзига хос ҳақ деб билади, ҳар қандай ҳокимиятнинг қонунийлигини ўзи ёки ўз партияси унинг тепасида бўлиши шарти билан боғлайди. Ҳизб ут-Таҳрир ўнлаб йиллар давомида олиб борган фаолияти ва тайёргарлиги туфайли ўзини Халифаликни бошқаришга тайёр деб ҳисобласада, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни барпо этган киши, гарчи ҳизбдан бўлмаса ҳам ва ҳатто ҳизб ҳокимият тепасида бўлмаса ҳам, унга итоат этиш вожиб деб билади. Бу Ҳизб ут-Таҳрирдаги «нусрат талаб қилиш» тушунчасининг муҳим асосларидан биридир.

Ҳизб ҳокимиятни ўзи учун эмас, балки Ислом учун истайди. Шу сабабли Ислом учун барпо этилмаган ёки уни татбиқ эта олмайдиган ҳар қандай ҳокимият Ҳизб наздида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Бу фикрий қараш Ҳизб ташкил топганидан буён то бугунга қадар унинг сақофати ва раҳбариятида собитдир. Бунинг аниқ далилларидан бири: шайх Тақийюддин Набаҳоний] ўз салоҳият ва имкониятларига қарамай, шахсий ҳокимиятни талаб қилмаган, балки доимо Ислом бошқарувнинг асоси бўлиши учун ҳаракат қилган эди. У киши соф ҳокимият таклифларини, жумладан, Сурияда Шишаклининг таклифини

ҳамда 1964 йилдан олдин Иорданияда армиянинг айрим кучларининг қўллаб-қувватловини рад этди. Шайхнинг ўзи таъкидлаганидек, бу рад этишнинг сабаби Иордания жамияти ҳали Ҳизбни ва унинг фикрларини қабул қилмаган эди.

Шайх Набаҳоний мансаб ва мавқега эришиш, дунё ва унинг мол-мулкидан баҳраманд бўлишга қодир эди, лекин у ҳаётини танглик ва қийинчиликда ўтказди ва камбағал ҳолда дунёдан ўтди. Хавфсизлик чоралари шу қадар кучли эдики, хавфсизлик тазйиқлари остидаги сиёсий фаолиятга тўла умрдан сўнг, Байрутда у кишининг жаноза намозида атиги йигирмага яқин киши қатнашди, холос, уларнинг айримлари ҳатто кимнинг жанозасига келганларини ҳам билмас эдилар. У кишини ёшлигида таниган ва дафн маросимида қатнашган «Фатҳ» ҳаракати аъзоси Муҳаммад Довуд Аввод шундай деган эди: «Набаҳоний Умматга холис бўлган кишилардан эди. У киши ўта оғир камбағалликда, ожиз ва хаста бир шайх ҳолида вафот этди. У оддий бир бинодаги бешинчи қаватда жойлашган кичик хонадонда эскирган кийимларда яшар эди» (Ал-Жазира – Арабча).

4) Сиёсий амри маъруф ва бўлиниш

Ҳизб ут-Таҳрир амри маъруф ва наҳий мункар тушунчасининг, айниқса, ҳокимларга нисбатан амалда бўлишини тирик жамиятнинг аломатларидан бири деб билади. Зеро, бу сиёсатнинг ярмидир: чунки мусулмонлар ўз ҳокимларини назорат қилишлари, уларга насиҳат қилишлари ва хато қилганларида уларни маъруфга чақиришлари лозим. Бироқ тарих давомида бу тушунча «тартибни сақлаш» ёки «фитнанинг олдини олиш» ниқоби остида чекланган, ҳатто баъзи ҳолларда бутунлай тақиқланган.

Ҳизб ут-Таҳрир бу сиёсий фарзни қайта тиклашда сабот ва жасорат кўрсатди, гарчи бу кўпинча унга нисбатан тазйиқ ва босимларга сабаб бўлган бўлса ҳам. Бунинг сабаби шуки, Ҳизб ҳокимиятни ўзи учун талаб қилмайди ва дунёвий манфаатлар илинжида ҳокимият аҳлига яқинлашмайди. Аксинча, у

хушомадгўйлар ва сарой тарафдорларини бўлинишнинг энг асосий омилларидан бири деб билади.

Ҳизб нуқтаи назарига кўра, бўлинишнинг сабаблари фақат моддий омиллар билан чекланмайди. Исломий ҳизбларнинг насиҳати ва танқидидан қўрқадиган ҳамда буни «манфаат» ёки «фитнанинг олдини олиш» ниқоби остида тақиқлайдиган ҳоким жамиятни аслида ҳақиқий фитна ва илоҳий азоб сари етаклайди. Энг улкан фитна эса мусулмонлар ўртасидаги бўлинишдир. Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам бундан огоҳлантириб, шундай деганлар: **«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта, маъруфга буюрасизлар ва мункардан қайтарасизлар. Акс ҳолда, Аллоҳ сизларга Ўз ҳузуридан бир азоб юбориши яқин, сўнг Унга дуо қиласизлар, бироқ дуоларингиз ижобат қилинмайди»** (Термизий).

Шунинг учун маъруфга буюриш сиёсий ва жамоий амал бўлиши лозим. Зеро, Қуръон уни шунчаки якка шахснинг амали эмас, балки мусулмонлардан иборат «тоифа»нинг вазифаси қилиб белгилаган. Шу нуқтаи назардан, ҳизблар тузиш – бирликни таъминлаш, уйғонишга эришиш ва ҳокимларни муҳосаба қилиш учун шаръий ҳукм ҳисобланади. Сиёсий амри маъруфдан фақат ўз манфаати ва ҳокимиятидан хавотирга тушадиган кишигина қўрқади. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Одамлардан қўрқиш сизлардан бирортангизни ҳақни кўрганда ёки гувоҳи бўлганда айтишдан тўсиб қўймасин! Зеро, ҳақни айтиш ёки улуғ бир нарсани эслатиш ажални яқинлаштирмайди ва ризқни узоқлаштирмайди»** (Аҳмад).

Бунинг мисолларидан бири Иброҳим ас-Соиғнинг қиссасидир. Жассос «Аҳкомул-Қуръон» китобида келтиришича, Аллоҳнинг тоатида ниҳоятда тиришқоқ, зоҳид бир киши бўлиб, амри маъруфда жуда жасур эди. У жасорат билан Абу Муслим Хуросонийнинг олдига бориб, унга қаттиқ сўзлар билан мурожаат қилди. Гарчи у ҳеч қандай ҳарбий кучга эга бўлмай, фақат тил билан жиҳод қилиш билан кифояланган бўлса-да, Абу Муслим уни бир неча бор ҳибсга олди ва қўйиб юборди, охир-

оқибат уни очиқ-ошкора эътирозлари сабабли ўлдирди. Имом Абу Ҳанифа] бундан қаттиқ қайғуриб, йиғлади ва Иброҳимни бир неча бор огоҳлантирганини баён қилди. Маъруфга буюриш буюк фарз, аммо уни якка ҳолда ва жамоий таянчсиз адо этиш инсонни ҳалокатга дучор қилади, Умматга эса ҳеч қандай фойда келтирмайди. Балки уни ёлғиз ҳолда эмас, солиҳ кишилар билан бирга ва ишончли раҳбарият қўл остида адо этиш лозим. Имом бу билан ушбу фарз, кўплаб якка тартибдаги ибодатлардан фарқли ўлароқ, таъсир ўтказиши ва ҳақни айтган кишига зарар етиш эҳтимолини камайтириши учун жамоа ва ташкилий тузилма (танзим)га муҳтож эканига ишора қилмоқда.

5) Ҳизбий мутаассиблик ва бўлиниш

Ҳизб ут-Таҳрир ўзини ягона исломий жамоа эмас, балки исломий жамоалардан бири деб билади. Ҳизбнинг бошқа исломий оқимлар билан муносабати шаръий дўстлик (валоя) доирасидаги мусулмоннинг ўз биродарига бўлган муносабати кабидир: уларнинг ҳар бири бошқасини яхшиликка чақиради ва мункардан қайтаради. Бу ёндашувга мисоллардан бири Араб баҳори даврида Ҳизбнинг Шомдаги мужоҳидлар сафларини бирлаштиришга ҳаракат қилганидир. Ўшанда у Американинг тил бириктиришларидан огоҳлантирган эди. Шунингдек, Ғазо масаласида ҳам Ҳизб Туркия ва Ислом оламида кенг қамровли кампания бошлаб, Фаластинга ёрдам бериш йўлида овозни бирлаштириш учун уламолар ва исломий ҳизблар билан учрашди.

Ҳизб ут-Таҳрир Исломнинг фаръий масалаларида бир йўл, бир мазҳаб ёки бир ижтиҳодгина нажот йўлидир, деб ҳисобламайди. Ҳизб қабул қилган ижтиҳод ва раъйлар ташкилий зарурат ҳамда ижтиҳодий воқеликка асосланган бўлиб, жаннат фақат унинг тушунчаси билан чекланган ёки фақат унинг раъйларигина ҳақ, деган қарашга асосланмаган.

Бунга шайх Юсуф Қарзовийнинг Ҳизб ут-Таҳрир асосчиси шайх Тақийюддин Набаҳоний билан учрашуви ҳақида айтган ҳикоясини мисол қилиб келтириш мумкин. У ўз ёзувларидан бирида Фаластинга қилган сафари ва касаллиги туфайли Милҳас

шифохонасига ётқизилгани ҳақида сўзлар экан, шайх Набаҳоний уни кўргани келганини айтган. У киши жубба ва салла кийган, мисрлик шайхларга ўхшар эди. Набаҳоний ундан сафарлари ҳақида сўради ва улар ўртасида илм ва сафар ҳақида дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Сўнг у киши ўзини: «Даъватчи Тақийюддин Набаҳоний», деб таништирди. Қарзовий унга миннатдорлик билдирди ва буни у кишининг фазли-карами деб билди. Зеро, ўша пайтда Қарзовий ҳали толиби илм эди, Набаҳоний эса Ҳизб асосчиси ва раҳбари бўлиб, уни кўргани келган эди.

Ушбу барча далил ва гувоҳликлардан аён бўладики, Ҳизб ут-Таҳрир бўлинишга сабаб эмас, балки исломий ақида асосида Умматни бирлаштириш учун ҳаракат қилади. Ҳизб ўз йўли ва услубларини мустаҳкам шаръий далиллар асосига қурди ва уларда собит турди. Ҳокимият ваъдалари ҳам, таҳдид ва қийноқлар ҳам уни ўз йўлидан оғдира олмади. Ҳизб ўзини Уммат танасининг бир қисми деб, ўзининг вазифаси эса, ушбу танани тирилтириш ҳамда ягона Исломий давлатни барпо этишдан иборат деб билади.

Шунинг учун мусулмонлар зиммасига ушбу даъватга жавоб бериш, унинг бирликка чорловчи рисолатини қабул қилиш ва унга нусрат бериш, шунингдек, миллатчилик, илмонийлик ва бошқа Исломий бўлмаган ғояларга асосланган бўлиниш даъватларини тарк этиш ҳамда уларга қарши туриш масъулияти юкланади.

ФАТҲ СУРАСИ

Устоза Сулофа Шумон
Аллоҳ у кишини кенг раҳматига олсин Қуддуси Шариф

Аллоҳга Унинг юзининг улуғлиги ва салтанатининг буюклигига муносиб ҳамду санолар бўлсин. Пайғамбарларнинг энг яхшиси ва уларнинг имоми бўлмиш саййидимиз Муҳаммадга, у кишининг оиласига, саҳобаларига ҳамда қиёмат кунигача у зотга эргашган ва дўст бўлганларга салоту саломлар бўлсин.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ٱللَّهُ نَزَّلَ أَحۡسَنَ ٱلۡحَدِيثِ كِتَٰبٗا مُّتَشَٰبِهٗا مَّثَانِيَ تَقۡشَعِرُّ مِنۡهُ جُلُودُ ٱلَّذِينَ يَخۡشَوۡنَ رَبَّهُمۡ ثُمَّ تَلِينُ جُلُودُهُمۡ وَقُلُوبُهُمۡ إِلَىٰ ذِكۡرِ ٱللَّهِۚ﴾

***«Аллоҳ энг гўзал сўзни** (оятлари фасоҳат ва балоғатда) **бир-бирига ўхшаган,** (ичидаги ҳукмлари) **такрор-такрор келгувчи бир Китоб-Қуръон қилиб нозил қилдики,** (ундаги Аллоҳнинг азоби ҳақидаги оятларни тиловат қилганларида) **Роббиларидан қўрқадиган зотларнинг терилари титраб кетар, сўнгра терилари – баданлари ҳам, диллари ҳам Аллоҳнинг зикрига юмшар – мойил бўлур»**.* [Зумар 23]

Ҳикматли Зикрдан оят:

﴿مُّحَمَّدٞ رَّسُولُ ٱللَّهِۚ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ أَشِدَّآءُ عَلَى ٱلۡكُفَّارِ رُحَمَآءُ بَيۡنَهُمۡۖ تَرَىٰهُمۡ رُكَّعٗا سُجَّدٗا يَبۡتَغُونَ فَضۡلٗا مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضۡوَٰنٗاۖ سِيمَاهُمۡ فِي وُجُوهِهِم مِّنۡ أَثَرِ ٱلسُّجُودِۚ ذَٰلِكَ مَثَلُهُمۡ فِي ٱلتَّوۡرَىٰةِۚ وَمَثَلُهُمۡ فِي ٱلۡإِنجِيلِ كَزَرۡعٍ أَخۡرَجَ شَطۡـَٔهُۥ فَـَٔازَرَهُۥ فَٱسۡتَغۡلَظَ فَٱسۡتَوَىٰ عَلَىٰ سُوقِهِۦ يُعۡجِبُ ٱلزُّرَّاعَ لِيَغِيظَ بِهِمُ ٱلۡكُفَّارَۗ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِنۡهُم مَّغۡفِرَةٗ وَأَجۡرًا عَظِيمَۢا﴾

«Муҳаммад Аллоҳнинг Росулидир. У билан бирга бўлган** (мўмин)**лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида** (мўминлар билан) **эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни** (мудом) **Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан** (қолган) **белги-аломатлари бордир. Мана шу уларнинг Тавротдаги мисолларидир. Уларнинг Инжилдаги мисоллари

эса худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди. (Бу) улар сабабли кофирларни ғазаблантириш учундир. Аллоҳ *(мўминлардан)* ***иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир»***. [Фатҳ 29]

Ҳижратнинг олтинчи йили, Ҳудайбия сулҳидан сўнг, Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Мадинага қайтаётганларида саҳобаларига мурожаат қилиб: **«Бу кеча менга бир сура нозил қилинди, у мен учун дунё ва ундаги нарсалардан кўра суюклироқдир»**, дедилар ва:

﴿إِنَّا فَتَحۡنَا لَكَ فَتۡحٗا مُّبِينٗا﴾

«Албатта Биз сизга очиқ-равшан фатҳ ато этдик». [Фатҳ 1]

оятини ўқидилар (Имом Аҳмад ривояти). Бу сура Фатҳ сураси эди. Суранинг номи унинг буюк фазилати ва юксак мақомига ишора қилади. Зеро у ўз ичига Қиёмат кунига қадар мўминлар учун теран маънолар ва хушхабарларни мужассам этган.

Бу сурада Аллоҳ Таоло Ўз Росули саллоллоҳу алайҳи васалламга ва у зот билан бирга бўлган мўминларга Ҳудайбия сулҳи – гарчи саҳобалар уни ўз ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан адолатсизлик деб ўйлаган бўлсалар-да – аслида Ислом Уммати учун фатҳ ва ғалаба экани ҳақида хушхабар беради. У яқинлашиб келаётган буюк фатҳларнинг муқаддимаси бўлган: Хайбар фатҳидан тортиб Макка фатҳи ва ундан кейинги фатҳларгача. Макка фатҳи эса мусулмонларнинг қиёмат кунига қадар бўладиган барча фатҳлари ва ғалабаларининг дебочаси бўлди. Чунки ҳижратнинг саккизинчи йили юз берган Макка фатҳи сабабли Ислом Арабистон ярим оролида кенг тарқалди ва бу мусулмонлар ғалабалари ҳамда Исломнинг бутун дунё бўйлаб ёйилишига ишора бўлди.

Сурада Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам учун у кишининг аввалги ва кейинги гуноҳлари мағфират қилингани ҳамда Аллоҳ у кишига Ўз неъматини тўла-тўкис қилиб бергани

ҳақида буюк хушхабар бор. Бу эса динни комил қилиш ва уни зоҳир қилиш, уни барча динлар устидан ғолиб қилиш, ҳақ йўлидаги ҳидоятнинг давом этиши ва қиёмат кунига қадар нусратнинг давом этиши билан амалга ошди.

Шунингдек, Аллоҳ Азза ва Жалла ушбу улуғ сурада динда собит туриш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш ва ҳақ дин – Исломга нусрат беришга байъат берган мўминлардан рози бўлганини хабар қилди. Зеро, бу Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло билан қилинган байъат бўлиб, модомики мусулмонлар Аллоҳ билан бирга эканлар, бу байъат орқали Аллоҳнинг розилигига эришадилар.

Шунингдек, Аллоҳ ушбу сурада барча мўминларга, модомики улар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло билан бирга эканлар, сокинлик ва хотиржамлик сояларини солди. Зеро, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло осмонлар ва ердаги барча махлуқотлар Аллоҳнинг қўшини эканини, улар Унинг амрларини ижро этиш йўлида ҳаракат қилишларини таъкидлайди. Улар кофирлар учун азоб, айни пайтда мўминлар учун раҳматдир. Шу тариқа биз, мусулмонлар, иймонимиз устига яна иймон, яқинимиз устига яна яқин қўшамиз. Бунинг тасдиғи шуки, Аллоҳ ушбу тушунчани, яъни

﴿وَلِلَّهِ جُنُودُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ﴾

«Осмонлар ва ернинг қўшинлари Аллоҳникидир». [Фатҳ 4 ва7] оятини икки марта такрорлади.

Демак, сура мўминларга яхшилик ва нусрат хушхабарлари, шунингдек, дунёдаги улкан мукофотлар ҳақидаги хушхабарлар – Аллоҳнинг динини зоҳир қилиш, Унинг Умматига нусрат ва тамкин бериш, охиратда эса мағфират ва наъим жаннатларига эришиш ҳақидаги хушхабарларни баён қилган.

Шу сабабли сура Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва у кишининг саҳобаларига сано айтиш билан якунланди. Зеро, улар Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам раҳбарликлари остида буюк Ислом Умматини шакллантирдилар. Мен эса, Аллоҳнинг хоҳиши ва қудрати билан, ушбу оят соясида яшашимиз учун уни танладим.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿مُّحَمَّدٞ رَّسُولُ ٱللَّهِۚ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ أَشِدَّآءُ عَلَى ٱلۡكُفَّارِ رُحَمَآءُ بَيۡنَهُمۡۖ تَرَىٰهُمۡ رُكَّعٗا سُجَّدٗا يَبۡتَغُونَ فَضۡلٗا مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضۡوَٰنٗاۖ سِيمَاهُمۡ فِي وُجُوهِهِم مِّنۡ أَثَرِ ٱلسُّجُودِۚ ذَٰلِكَ مَثَلُهُمۡ فِي ٱلتَّوۡرَىٰةِۚ وَمَثَلُهُمۡ فِي ٱلۡإِنجِيلِ كَزَرۡعٍ أَخۡرَجَ شَطۡـَٔهُۥ فَـَٔازَرَهُۥ فَٱسۡتَغۡلَظَ فَٱسۡتَوَىٰ عَلَىٰ سُوقِهِۦ يُعۡجِبُ ٱلزُّرَّاعَ لِيَغِيظَ بِهِمُ ٱلۡكُفَّارَۗ وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ مِنۡهُم مَّغۡفِرَةٗ وَأَجۡرًا عَظِيمَۢا﴾

«Муҳаммад Аллоҳнинг Росулидир. У билан бирга бўлган *(мўмин)* ***лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида*** *(мўминлар билан)* ***эса раҳм-шафқатлидирлар. Уларни*** *(мудом)* ***Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ, сужуд қилаётган ҳолларида кўрурсиз. Уларнинг юзларида сажда изидан*** *(қолган)* ***белги-аломатлари бордир. Мана шу уларнинг Тавротдаги мисолларидир. Уларнинг Инжилдаги мисоллари эса худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз новдасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган ўсимликка ўхшайди.*** *(Бу)* ***улар сабабли кофирларни ғазаблантириш учундир. Аллоҳ*** *(мўминлардан)* ***иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга мағфират ва улуғ ажр-мукофот ваъда қилгандир»***. [Фатҳ 29]

Аллоҳ Таоло Фатҳ сурасини ушбу ояти карима билан якунлади. Унда Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламни ҳамда муҳожирлар ва ансорлардан иборат у кишининг саҳобаларини мадҳ этади. Улар Исломий даъватни ҳаётга татбиқ этиш ва уни бутун оламга олиб чиқиш йўлида Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга даъват юкини ўз зиммаларига олдилар.

Аллоҳ оятни Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг исмларини зикр қилиш билан бошлади ва: «Бу Муҳаммад деб номланган Росул ҳақиқатан ҳам Аллоҳнинг Росулидир», деб, у кишининг росулликлари ҳақ эканига гувоҳлик берди. Сўнг у кишини саҳобалари билан бирга сифатлаб, улар кофирлар билан фақат қаҳрли ва дағал, мўминлар билан фақат раҳм-шафқатли бўлишларини баён қилди. Зеро, Аллоҳ уларни шунга буюрган, мусулмонлар ўртасидаги муносабатларнинг табиати ҳам уларнинг бир-бирларига раҳм-шафқатли бўлишларини тақозо этади. Шунингдек, улар Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолога кўп ибодат ва намоз қиладилар, Унинг розилигини истайдилар. Яъни, уларнинг ихлослари жуда кучли бўлиб, ибодатларидан Аллоҳ

Субҳанаҳу ва Таолони рози қилишни истайдилар, ҳатто ибодат ва ихлос асари уларнинг юзларида намоён бўлади. Бу уларнинг юзларидан таралиб турадиган нурдир.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلۡ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحۡيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ﴾

«Айтинг: «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Роббиси бўлмиш Аллоҳ учундир». [Анъом 162]

Бу сифат – кофирларга қаҳрли, мўминларга раҳм-шафқатли бўлиш, ихлос ва кўп ибодат қилиш – Таврот ва Инжилда ҳам зикр қилинган. Сўнг уларни аввал заиф ҳолда бошланиб, кейин ундан шохлари чиқиб, кўплаб новдаларга тармоқланадиган ва асл пояси атрофида кўпайиб, охир-оқибат қувватга кирадиган экинга ўхшатади. Худди шундай, Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам даъватни бошлаганларида заиф эдилар, сўнг тез фурсатда у зотнинг саҳобалари кўпайди. Улар ҳам заиф эдилар, аммо Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб, мусулмонлар Ислом ақидаси асосида ягона раҳбарлик остида бирлашганларида ҳамда шу орқали бошқа одамлардан ажралиб турадиган ягона Умматни ташкил қилганларида, улар кучайиб, қувватга кирдилар ва ҳокимият уларники бўлиб, Аллоҳ ва Росули саллоллоҳу алайҳи васалламни рози қиладиган, Аллоҳнинг душманларини (кофирларни) ғазаблантирадиган даражага етдилар. Ислом асосида ягона раббоний етакчилик остида бирлашган ушбу Уммат Аллоҳнинг охиратда уларга мағфират ва буюк ажр бўлиши ҳақидаги ваъдасига сазовор бўлди.

Демак, ушбу оятда Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг улуғ саҳобаларига бошқа инсонлардан ажралиб турадиган ягона Уммат бўлганлари жиҳатидан мадҳ ва сано бор. Муҳожирлар ва ансорлардан иборат саҳобалар Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам раҳбарликлари остида ягона Умматни шакллантирганларидан сўнг ушбу шараф ва охиратдаги буюк ажр ҳақидаги ваъдага муносиб бўлдилар. Зеро,

улар Исломий ақида асосида бирлашдилар ҳамда бу ақида уларнинг бирлиги ва раҳбариятининг асоси бўлди. Яъни, уларни бошқарадиган ва ишларини идора қиладиган тузумнинг асоси бўлди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ هَٰذِهِۦٓ أُمَّتُكُمۡ أُمَّةٗ وَٰحِدَةٗ وَأَنَا۠ رَبُّكُمۡ فَٱعۡبُدُونِ﴾

«Албатта, сизларнинг ушбу Умматингиз ягона Умматдир ва Мен сизларнинг Роббингизман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар». [Анбиё 92]

Мадина ҳужжатида ҳам шундай дейилган: **«Қурайш ва Ясриб аҳлидан бўлган мўминлар ва мусулмонлар, уларга эргашиб, қўшилиб, улар билан бирга жиҳод қилганлар – бошқа одамлардан ажралиб турадиган ягона Умматдир»**. Бинобарин, ушбу оят бу Уммат аъзолари ўртасидаги муносабат биродарлик муносабати бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Чунки, Ислом ақидасининг ва бу ақидадан келиб чиққан тузумнинг бирлиги уларга биродар бўлишни фарз қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا ٱلۡمُؤۡمِنُونَ إِخۡوَةٞ﴾

«Албатта, мўминлар биродардирлар». [Ҳужурот 10]

Бу оят биродарлик муносабатини фақат мўминлар ўртасида бўлишини чеклаб, ушбу муносабатнинг табиатини таъкидлайди.

Демак, Уммат сифатида бизнинг сифатимиз кофирларга нисбатан қаҳр ва дағаллик, мўминларга нисбатан эса раҳм-шафқат, улфат ва дўстлик бўлиши лозим. Бироқ бошқа оятлар, жумладан, Мумтаҳана сурасидаги ушбу оят:

﴿لَّا يَنۡهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ ٱلَّذِينَ لَمۡ يُقَٰتِلُوكُمۡ فِي ٱلدِّينِ وَلَمۡ يُخۡرِجُوكُم مِّن دِيَٰرِكُمۡ أَن تَبَرُّوهُمۡ وَتُقۡسِطُوٓاْ إِلَيۡهِمۡۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلۡمُقۡسِطِينَ﴾

«Аллоҳ сизларни динингиз борасида сизларга қарши урушмаган ва сизларни диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсаларга яхшилик қилишингиздан ва уларга адолатли бўлишингиздан қайтармайди. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни севар». [Мумтаҳана 8]

бизга қарши дин борасида урушган ва бизни диёрларимиздан ҳайдаб чиқарганлар билан бошқа кофирлар ўртасини ажратиб қўйди ҳамда кейинги тоифага яхшилик қилиш ва уларга адолатли бўлишга рухсат берди.

Фатҳ сурасидаги оятда Ислом Умматига – модомики улар Аллоҳ Таолонинг маъиятида экан – бошқа одамлардан ажралиб турадиган ва Аллоҳнинг амри асосида барпо бўлган ягона Ислом Уммати сифатида мадҳ ва сано бор. Бироқ Аллоҳ ушбу Умматни шарафлаган бошқа оятлар ҳам борки, уларда Умматни Ислом асосида бирлашган ва Аллоҳ Таолонинг маъиятида давом этган Ислом Уммати сифатида ундан ажралмаслиги лозим бўлган сифатлар – масалан, энг яхши умматлик, адолат ва одамлар устида гувоҳ бўлиш каби сифатлар – билан мақтаган ва унга сано айтган.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كُنتُمۡ خَيۡرَ أُمَّةٍ أُخۡرِجَتۡ لِلنَّاسِ تَأۡمُرُونَ بِٱلۡمَعۡرُوفِ وَتَنۡهَوۡنَ عَنِ ٱلۡمُنكَرِ وَتُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِۗ وَلَوۡ ءَامَنَ أَهۡلُ ٱلۡكِتَٰبِ لَكَانَ خَيۡرٗا لَّهُمۚ مِّنۡهُمُ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ وَأَكۡثَرُهُمُ ٱلۡفَٰسِقُونَ﴾

«Одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз маъруфга буюрасиз, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоб ҳам иймон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан мўминлари ҳам бор ва *(лекин)* ***уларнинг кўплари итоатсиз кимсалардир»***. [Оли Имрон 110]

Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿وَكَذَٰلِكَ جَعَلۡنَٰكُمۡ أُمَّةٗ وَسَطٗا لِّتَكُونُواْ شُهَدَآءَ عَلَى ٱلنَّاسِ وَيَكُونَ ٱلرَّسُولُ عَلَيۡكُمۡ شَهِيدٗاۗ﴾

«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта *(адолатли)* ***бир уммат қилдик»***. [Бақара 143]

Ушбу оятдан тушунамизки, мусулмонлар ўртасидаги биродарлик, агар мусулмонлар ягона Умматни шакллантирсаларгина тўлиқ бўлади. Бу биродарлик фақат бир ақидага ёки бир мабдага иймон келтириш билангина комил бўлмайди, балки мусулмонлар бошқа одамлардан ажралиб

турадиган ягона Ислом Умматини ташкил этишлари лозим. Бу эса уларнинг ягона раҳбарият остида – ихлос ва онг мужассам бўлган раҳбарият остида – бирлашишлари орқали амалга ошади. Бу раҳбарият уларни Китоб ва Суннат асосида бошқаради ва сиёсат юритади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ حَقَّ تُقَاتِهِۦ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنتُم مُّسۡلِمُونَ ۝ وَٱعۡتَصِمُواْ بِحَبۡلِ ٱللَّهِ جَمِيعٗا وَلَا تَفَرَّقُواْۚ وَٱذۡكُرُواْ نِعۡمَتَ ٱللَّهِ عَلَيۡكُمۡ إِذۡ كُنتُمۡ أَعۡدَآءٗ فَأَلَّفَ بَيۡنَ قُلُوبِكُمۡ فَأَصۡبَحۡتُم بِنِعۡمَتِهِۦٓ إِخۡوَٰنٗا وَكُنتُمۡ عَلَىٰ شَفَا حُفۡرَةٖ مِّنَ ٱلنَّارِ فَأَنقَذَكُم مِّنۡهَاۗ كَذَٰلِكَ يُبَيِّنُ ٱللَّهُ لَكُمۡ ءَايَٰتِهِۦ لَعَلَّكُمۡ تَهۡتَدُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқингиз ва фақат мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтингиз! Барчангиз Аллоҳнинг арқонига *(Қуръонга)* ***боғланингиз ва бўлинмангиз! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эслангиз: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қилади».*** [Оли Имрон 102-103]

Мусулмонларнинг бугунги воқелиги ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди. Улар Исломий Халифалик тимсолида намоён бўлган солиҳ раҳбариятларини йўқотганларидан сўнг бўлиниб кетдилар. Ягона давлат кўплаб бир-бирига қарши курашувчи, бир-бирига душман давлатларга айланиб, уларни чегаралар парчалаб ташлади. Аллоҳга тобе бўлиш ўрнига, кофир Ғарбга тобе бўлиб қолдик. Натижада мусулмонлар мўминларга қаҳрли, кофирларга эса раҳм-шафқатли бўлиб қолдилар!

Демак, вожиб бизнинг қайтадан – Мадинадаги саҳобалар ва 1300 йил давомида Ислом давлати соясида яшаган мусулмонлар каби – одамлардан ажралиб турадиган ягона Умматга айланишимизни, бир-биримизга биродар ва раҳм-шафқатли бўлишимизни, бизга ва динимизга қарши чиқадиган кимсаларга қаҳрли бўлиб, улар билан кураш ва адоватда бўлишимизни тақозо этади. Буларнинг барчаси Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам тимсолида намоён бўлган солиҳ, тақводор, пок ва

онгли раҳбарият остида бўлиши керак. Аллоҳ Таоло у зотнинг Росул ва раҳбар сифатидаги мақомлари ҳақида шундай дейди:

﴿لَّقَدۡ كَانَ لَكُمۡ فِي رَسُولِ ٱللَّهِ أُسۡوَةٌ حَسَنَةٞ لِّمَن كَانَ يَرۡجُواْ ٱللَّهَ وَٱلۡيَوۡمَ ٱلۡأٓخِرَ وَذَكَرَ ٱللَّهَ كَثِيرٗا﴾
«Албатта, сизлар учун — Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилган кишилар учун — Аллоҳнинг Росулида гўзал ўрнак бордир». [Аҳзоб 21]

Аллоҳ Таоло яна айтади:

﴿لَقَدۡ جَآءَكُمۡ رَسُولٞ مِّنۡ أَنفُسِكُمۡ عَزِيزٌ عَلَيۡهِ مَا عَنِتُّمۡ حَرِيصٌ عَلَيۡكُم بِٱلۡمُؤۡمِنِينَ رَءُوفٞ رَّحِيمٞ﴾
«(Эй инсонлар) ***сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг машаққатга чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг*** *(ҳақ динга келишингизга)* ***ҳарис-ташна бўлган ва мўминларга марҳаматли, меҳрибон бир пайғамбар келди»***. [Тавба 128]
Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Росули!

Шу орқали биз яна одамлар учун чиқарилган энг яхши Умматга, ўрта-адолатли Умматга айланамиз. Токи зиммамизга олган омонат: динни татбиқ этиш ва уни ёйиш, шу сабабли одамлар устида гувоҳ бўлиш масъулиятига муносиб бўлайлик. Зеро, Ислом Умматидаги яхшилик қиёмат кунига қадар давом этади.

Шундай экан, эй Ислом Уммати, сени Аллоҳга даъват қиламиз: Аллоҳ ва Унинг Росулига юзлан! Аллоҳнинг Китоби ва Росули саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Суннати билан ҳукм юритилмайдиган ҳаётда ҳеч бир яхшилик йўқ. Мусулмон киши абадийлик ва неъмат диёри бўлмиш охиратни қўлга киритишга интилмайдиган ҳаётда ҳеч бир яхшилик йўқ. Бирор бир уммат Ислом Уммати эришган шарафга эришмаган, бирор бир уммат Ислом Уммати – Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам Уммати баҳраманд бўлган раҳматга сазовор бўлмаган. Зеро, Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам фақатгина саҳобаларга бўлиб қолмай, балки қиёмат кунига қадар келадиган бутун Умматига ҳарис бўлганлар.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Биродарларимни учратишни жуда истардим»**. Саҳобалар: «Биз биродарларингиз эмасмизми?» - деб сўрадилар. У зот: **«Сизлар менинг саҳобаларимсиз, лекин биродарларим мени кўрмай туриб менга иймон келтирганлардир»**, - дедилар (Аҳмад ривояти). Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Умматим раҳматга сазовор бўлган умматдир, унга охиратда азоб йўқ, унинг азоби дунёда: фитналар, зилзилалар ва қатлдир»**.

Аллоҳим, Ислом Уммати учун тўғри бир ишни муҳайё қилгин ҳамда уни Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннати асосида барпо бўлган, уни омонлик соҳили сари олиб борадиган солиҳ раҳбарият атрофида бирлашишга муваффақ қил.

Охирги дуойимиз: оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин.



РАСУЛУЛЛОҲ САЛЛОЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ АХЛОҚЛАРИ

Устоз Баҳоуддин Ҳусайний

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бирор нарсани унутсалар, пешоналарини кафтларига қўйиб, сўнг: **«Аллоҳим, менга унутган нарсамни эслатгин. Эй нарсани эслатувчи ва уни вужудга келтирувчи Зот, менга унутган нарсамни эслатгин»**, дер эдилар. Бу бизга ожизлигимиз ва заифлигимизда Аллоҳга илтижо қилишимизни, ўзимиздаги куч ва қувватга суянмаслигимизни эслатади.

Қарзни эгасига қайтариш, аҳд ва ваъдаларга вафо қилиш, орияга (ишлатиб туриш учун) олинган буюмни эгасига қайтариш, меҳмонни ҳурмат қилиш ва уни зиёфат қилиш ҳам Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан. У зот саллоллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини ҳурмат қилсин»**, дедилар. У зотнинг ҳузурларига меҳмон келса, очиқ чеҳра билан кутиб олар, бори билан сийлар, кўпинча меҳмонни ўзларидан ва аҳли оилаларидан устун қўяр эдилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан бири: «لا حولَ ولا قوَّةَ إلا بالله» (Ҳар қандай куч ва қувват фақат Аллоҳнинг ёрдами биландир)ни кўп айтиш. Зеро, у жаннат хазиналаридан бир хазинадир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига эрталаб ва кечқурун айтиладиган зикрларни ўргатар эдилар. Улар: «حَسْبِيَ اللهُ لا إلهَ إلا هو عليه توكَّلتُ وهو ربُّ العرشِ العظيم» (Менга Аллоҳнинг Ўзи кифоя. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим ва У буюк аршнинг Роббисидир), ҳамда «سُبحانَ اللهِ وبحمدِه، سُبحانَ اللهِ العظيم» (Аллоҳга ҳамд айтиш билан

Уни поклаб ёд этаман, Буюк Аллоҳни поклаб ёд этаман), дер эдилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг одобларидан бири шу эдики, агар у зот намоз ўқиётганларида бирор киши у зотнинг олдиларига ўтирса ва унинг кутиб қолиши оғирлик қилишидан хавотир олсалар, намозларини енгиллатиб (қисқароқ қилиб) ўқир, сўнг унга юзланиб: **«Бирор ҳожатингиз борми?»** - деб сўрар эдилар. Бунга сабаб у одамга бўлган раҳм-шафқатлари ва мусулмонларнинг ҳожатларини раво қилишга ҳарисликлари эди. Шунингдек, намоз пайтида гўдакнинг йиғисини эшитсалар, ҳадисда келганидек, онасига раҳм-шафқат кўрсатиб, намозни енгиллатар эдилар.

Суннатлардан бири поклик ва зийнатга эътибор бериш, тирноқларни олиш, мўйловни қисқартириш, қўлтиқ ва авратлардаги тукларни тозалаш ҳамда мисвок ишлатишдир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: **«Умматимга машаққат қилиб қўйишдан қўрқмаганимда, уларга ҳар бир намоз олдидан мисвок қилишни буюрган бўлар эдим»,** дедилар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан бири соч, тирноқ ва қонни кўмишдир. Бу Одам фарзандини улуғлаш ва унинг танасидан ажралиб чиққан аъзоларни эҳтиёт қилиш учундир.

Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам ухлашдан олдин исмид – сурманинг бир тури – билан кўзларига сурма қўяр, унда кўзга фойда борлиги учун унга тарғиб қилар эдилар. Шунингдек, сочлари ва кийимларининг покизалигига эътибор бериб, сочларини тарар, соқолларини тараб-силлиқлар эдилар. Оқ кийимларни яхши кўрар ва: **«Кийимларингиздан оқини кийинглар. Чунки, у энг яхши кийимларингиздандир. Ва маййитларингизни ҳам унга кафанланглар»,** дер эдилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга хушбўйлик таклиф этилса, албатта ундан хушбўйланар эдилар. Мушк, уд ва бошқа хушбўйликлар шулар жумласидандир. У зот хушбўй ҳидни яхши кўрар, бадбўй ҳидни ёқтирмас эдилар ва: **«Дунёингиздан менга аёллар ва хушбўйлик суюкли қилинди, кўзимнинг**

қувончи эса намозда қилинди», дер эдилар. Жума куни бўлиб, ҳузурларида махсус хушбўйлик бўлмаса, баъзи аёлларини чақириб, уларнинг хушбўйликларидан олар ёки хушбўйликдан бирор нарсани сувга солиб, у билан муборак юзлари ва сочларини силаб қўяр эдилар. Бу ушбу куни зийнатга эътибор беришнинг муҳимлигини кўрсатиш учун эди. Жума куни хушбўйланиш суннатдир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам учун энг севимли ҳадя хушбўйлик эди.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам жума куни намозга чиқишдан олдин тирноқларини олар, мўйловларини қисқартириб, жума учун ғусл қилар, энг яхши кийимларини кияр ва Аллоҳнинг қонунларини улуғлаган ҳолда масжидга хотиржамлик ва вазминлик билан чиқар эдилар.

Набий саллоллоҳу алайҳи васаллам: **«Масжидлар пайғамбарларнинг мажлисларидир»**, дедилар. У зот бу билан бизга масжидлар зикр, илм ва ибодат маконлари эканини, уларда беҳуда сўз, беҳаё гап-сўзлар, олди-сотди бўлмаслиги лозимлигини ўргатдилар. Мусулмон киши масжидга кирганда қиблага юзланиши, икки ракаат таҳийятул-масжид намозини ўқиши, сокинлик билан ўтириши ҳамда зикр, хутба ва илмга қулоқ тутиши суннатдандир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бирор ҳадисни баён қилсалар ёки бирор масала ҳақида сўралсалар, тингловчи яхши тушуниши ва гапни бошқаларга етказувчи киши у зотдан аниқ англаб олиши учун уни уч марта такрорлар эдилар. Бу билан у зот саҳобаларини хабарни етказишда аниқликка ва баёнда равшанликка тарбияладилар. Ҳатто Жобир розияллоҳу анҳу: **«У зот бирор сўз айтсалар, то у зотдан яхши тушунилиши учун уни уч марта такрорлар эдилар»**, деган.

Беморларни зиёрат қилиш ва заифлардан хабар олиш ҳам Набий саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидоятларидандир. У зот бемор бўлган бир яҳудий болани зиёрат қилиб, уни Исломга даъват қилар, саҳобалари бемор бўлиб қолса, уларни ҳам зиёрат қилар, болаларнинг бошларини силар, намоз ўқиётганларида ҳам Ҳасан ва Ҳусайнни кўтариб олар эдилар, агар улар

елкаларига чиқиб олсалар, саждани узоқроқ қилар, уларни ўйнашдан қайтармас эдилар. Бу уларга бўлган раҳм-шафқатлари ва Умматга – раҳм-шафқат заифларнинг эмас, балки кучлиларнинг хулқи эканини ўргатиш учун эди.

Набий саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари ўз уйларида, кўчада ва масжидда, яқин кишилари ва омма орасида ҳам мана шундай эди. Булар қалбларга ҳаёт бағишлайдиган, нафсларни поклайдиган ва инсонни тўғри йўлда собит қиладиган суннатлар ва ҳидоятлардир. Токи инсон дунё ҳаётида оламлар Роббисининг ризолигини умид қилган ҳолда улуғ хулқ билан яшасин ва ўзининг улуғ Пайғамбари саллоллоҳу алайҳи васалламнинг изларидан борсин.



ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ

Американинг Ҳарамайн (икки муқаддас масжид) **юрти ҳокимларидан талаблари аслида ижро этилиши мажбурий бўлган «буйруқлар»дан иборат**

Саудия валиаҳди шаҳзода Муҳаммад ибн Салмон 2025 йил 18 ноябрда Оқ уйда АҚШ президенти Дональд Трамп билан учрашуви чоғидаги биринчи очиқ баёнотида “Исроил” ни «имкон қадар тезроқ» тан олиш томон ҳаракат қилишни исташини билдирди.

Ибн Салмон шундай деди: «Биз Иброҳим келишувларининг бир қисми бўлишни хоҳлаймиз. Лекин, икки давлат ечими сари олиб борувчи йўл аниқ белгилаб қўйилганига ҳам ишонч ҳосил қилишни истаймиз». У бу масала юзасидан Трамп билан «конструктив муҳокама» ўтказганини қўшимча қилиб, «ушбу мақсадга эришиш учун энг қисқа фурсатда зарур шароитларни яратишни таъминлаш устида ишлаймиз», дея таъкидлади.

Ўз навбатида, АҚШ президенти Саудия валиаҳди билан «Иброҳим келишувлари» ҳақида гаплашганини ва ижобий жавоб олдим, деб ишонишини айтди. Бошқа бир масалага тўхталар экан, Саудия валиаҳди шаҳзода Муҳаммад бин Салмон Саудия фуқаролари томонидан мамлакатнинг Истанбулдаги консулхонасида журналист Жамол Хошуқжийнинг ўлдирилганини «катта хато» деб баҳолади.

У 2018 йил содир бўлган ва халқаро норозиликка сабаб бўлган ушбу қотиллик ҳақида: «Бу оғриқли воқеа ва катта хато эди, биз бу ҳолат қайта такрорланмаслиги учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз», деди. Ўз навбатида Трамп АҚШда яшаш ҳуқуқига эга бўлган ва «The Washington Post» газетасида

мақолалар ёзган Хошуқжий «жуда баҳсли шахс» бўлганини айтиб, шундай қўшимча қилди: «Кўпчилик сизлар айтаётган ўша жанобни ёқтирмас эди. У сизга ёқадими-йўқми, воқеалар содир бўлади, лекин у (Ибн Салмонга ишора қилиб) ҳеч нарсадан хабардор бўлмаган». Сўнг у: «Шунақа ишлар бўлиб туради», деб қўшимча қилди.

Трамп савол берган журналистга ҳужум қилиб: «Меҳмонимизни бундай саволлар билан шарманда қилиш шартмас», деди. Трамп Саудия валиаҳди билан ОАВ вакиллари олдида чиқиш қилар экан, уни мақтаб: «Бугун Овал кабинетда жуда ҳурматли инсонни кутиб олдик», деди ва шаҳзода Муҳаммад бин Салмонни «жуда узоқ вақтдан бери дўстим» деб атади.

Шунингдек, Трамп Саудия қироли, валиаҳднинг отаси Салмон ибн Абдулазизни ҳам мақтади. Трамп валиаҳдга ишора қилиб шундай деди: «АҚШга 600 миллиард доллар сармоя киритишга рози бўлганингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман. У менинг дўстим бўлгани учун бу маблағни 1 триллион долларга етказиши мумкин... Мен бунинг устида ишлайман». Шундан сўнг Саудия валиаҳди президент Трампга Ар-Риёз АҚШ олдидаги молиявий мажбуриятларини 600 миллиард доллардан 1 триллион долларга оширишини маълум қилди.

Трамп бунга жавобан: «Яхши, бу менга жуда ёқди», деди. Шаҳзода Муҳаммаддан нефть нархлари ҳозиргидек паст бўлган бир шароитда Саудия бу каби сармояларни сақлаб қола оладими, деб сўрашди. Шунда у компьютер чиплари бўйича келишувлар мамлакати тараққиётига мос келишини таъкидлади.

Ибн Салмон айтди: «Биз Американинг келажагига ишонамиз... Жаноб президент, ўйлайманки, биз бугун-эрта сармояларни 600 миллиарддан қарийб 1 триллион долларга оширишимизни эълон қилишимиз мумкин».

Ал-Ваъй: Ана шундай, Ҳарамайн юрти ҳокимларига қилинган кичик бир талаб билан Америка Ислом Умматининг маблағларидан янада кўпроғини тортиб олмоқда. Акс ҳолда, Трамп олдинроқ айтганидек, бу ҳокимлар Американинг

малайлари бўлгани ва Умматнинг хоҳишига қарши ҳокимиятни эгаллаб олгани учун ҳокимиятда икки ҳафта ҳам тура олишмайди.

Эрон ҳизби ичидаги хавфсизлик инфилтрациясининг (ёриб киришнинг) кўлами Эроннинг ўз ичидаги хавфсизлик инфильтрацияси кўламини очиб беради

“Исроил” армияси Ҳизбуллоҳдаги иккинчи одам бўлмиш Ҳайсам Табатабоийни нишонга олган ҳужум тафсилотларини эълон қилди. Ушбу амалиёт Жанубий Даҳиядаги хонадонга ҳеч қандай олдиндан огоҳлантиришсиз берилган тўсатдан зарба орқали амалга оширилди, бу эса унинг объект ичида экани тасдиқлангач бажарилган разведка характерли амалиёт эканини акс эттиради. “Исроил” Табатабоийни 80-йиллардан бери Ҳизбуллоҳдаги марказий раҳбарлардан бири, Ризвон кучлари қўмондони ва партиянинг Суриядаги амалиётларини бошқарган шахс сифатида айблайди. Вашингтон ҳам уни энг кўзга кўринган ҳарбий раҳбарлардан бири деб ҳисоблайди ва у ҳақида маълумот берган кишига 5 миллион доллар мукофот ваъда қилган эди. “Исроил” армияси матбуот котиби суиқасд Табатабоийнинг Ҳизбуллоҳнинг ҳарбий салоҳиятини қайта тиклашга қаратилган уринишлари кузатилганидан сўнг амалга оширилганини айтиб, операцияни «партиянинг раҳбарлик ва назорат қилиш қобилиятига кучли зарба» деб баҳолади. У “Исроил” Ҳизбуллоҳнинг қайта қуролланишига – келишув шартларини бажариш орқали бўладими ёки куч ишлатиш орқали бўладими – йўл қўймаслигини таъкидлаб, Ливан ҳукуматини партияни қуролсизлантириш бўйича ишларни давом эттиришга чақирди. Матбуот котиби Ҳизбуллоҳнинг “Исроил” хавфсизлигига таҳдид солишга бўлган ҳар қандай уриниши «янада шиддатли куч» билан қарши олинишини айтиб, содир бўлаётган воқеалар Ливан армиясининг партия фаолиятини жиловлашдаги заифлигини кўрсатаётганини таъкидлади.

Ал-Ваъй: Халқда «Ичдан чиққан ёв ёмон», деган мақол бор. Эрон давлатининг Ислом Умматига қарши – Эрон ичида бўладими ёки бутун Уммат ҳудудларида бўладими – содир этган ваҳшийликлари шуни тасдиқлайдики, Эронни қамраб олган кўрлик ва такаббурлик унинг сафлари, айниқса олдинги сафларидаги агентларни аниқлашга тўсқинлик қилмоқда, агар унинг раҳбарияти Ғарб фитналарини ўз қўли билан амалга ошираётган бўлмаса, албатта. Бунинг устига, суянчиғи бўлган Умматнинг ишончини йўқотгач, жосуслардан келаётган оғриқли зарбаларни ёлғиз ўзи қабул қилишига тўғри келмоқда.

Туркия Ватикан давлати раҳбарини «Толаъал бадру алайна» нашиди садолари остида кутиб олди

Рим папаси Лео XIVни Туркияда кутиб олиш маросими кенг эътирозлар тўлқинини келтириб чиқарди. У Анқарадаги Жаҳоннумо залига кириб келаётганида мусиқа ансамбли унга «Толаъал бадру алайна» нашидини ижро этди. Бир қатор туркияликлар ушбу маросим видеосини қайта улашиб, нима учун Рим папаси шу тарзда кутиб олингани ҳақида сўрадилар. Шунингдек, кўпчилик Папани кутиб олишни Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг машҳур қиссадаги Мадинага кириб келишларига ўхшатишдан норозилик билдириб, содир бўлган воқеани ноўрин диний ва сақофий чалкашлик деб баҳоладилар.

Ал-Ваъй: Ўз хожаси – Америка манфаати учун Ғазо, Қуддус ва Шом аҳлига қарши тил бириктирган ва ҳануз тил бириктиришда давом этаётган кимсадан яна нимани кутиш мумкин?

«Халқаро коалиция»га қўшилиш – бевосита оккупация ва мусулмонларни ўлдириш эшигидир

«Сурия телевидениеси»га маълумот берган махсус манбанинг айтишича, Сурия марказидаги Тадмур (Пальмира) шаҳрида

қўшма патруль хизматини ўтаётганда уларга қарата ўт очилиши оқибатида ички хавфсизлик ходимларидан бири ҳалок бўлган ва 3 нафар америкалик аскар яраланган. Олдинроқ Сурия ахборот агентлигига маълумот берган хавфсизлик манбаси Сурия хавфсизлик кучлари ва АҚШ кучлари Тадмур шаҳри яқинида қўшма дала патрулини амалга ошираётган вақтда ўққа тутилганини маълум қилган эди. Унинг айтишича, ҳодиса оқибатида Сурия хавфсизлик кучларининг икки ходими ва бир неча америкалик ҳарбий яраланган, ўқ узган шахс эса ўлдирилган. Ҳозирга қадар ҳодисанинг сабаблари ёки тафсилотлари ҳақида қўшимча маълумот йўқ. Ҳодиса ортидан Дайр аз-Зур – Дамашқ халқаро трассасида ҳаракат вақтинча тўхтатилгани, бир вақтнинг ўзида минтақа осмонида самолётлар жадал парвоз қилгани қайд этилди. Манбага кўра, ўт очиш ҳодисасидан сўнг ярадорларни Танаф базасига эвакуация қилиш учун Америка вертолётлари аралашган.

Ал-Ваъй: Жўлоний «Халқаро коалиция»га кириш харажатлари, Америка ундан рози экан, арзон тушади, деб ўйладими? Америка у ўз динига кирмагунча ва унга ишонч билдирган кучларидан шунчаки ёрдам сўраб қолмай, мусулмонларни ўз қўли билан ўлдиришга киришмагунча ундан рози бўлмайди. Бироқ Уммат орасида босқинчилик, хорлик ва таҳқирни қабул қилмайдиганлар ҳам бор. Жўлоний Умматни ўзининг «кутилган Маҳдий» эканига ва «Румликлар билан уларнинг ортидаги душманга қарши урушиш учун сулҳ тузадиган киши» эканига ишонтириш учун минглаб сеҳргарларни олиб келса ҳам, улар бунга рози бўлмайдилар. Тадмурда эса улардан бири ўз услубида ўз сўзини айтди.

Ливан давлати муҳим ҳаётий лойиҳаларни молиялаштиришга давлатларни ишонтиришга уринмоқда, маблағлар у ёки бу йўл билан амалдорларнинг чўнтагига тушиб, уларнинг бойлигини оширишга хизмат қилмаслигини таъкидламоқда

Ливан иқтисод ва савдо вазири Амер Бисот «Аш-Шарқ»ка берган интервьюсида «Байрут-1» конференцияси ўтказилишининг ўзиёқ бир неча йиллик узилишдан кейинги муваффақият эканини, чунки у ўнлаб араб ва хорижий инвесторларни бир жойга йиғганини таъкидлади. Йиғилишларда бевосита сармоявий муаммолар ва талаблар, айниқса электр энергияси, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш каби ҳаётий муҳим тармоқларда умид туйғусини уйғотиш ва келажакдаги имкониятлар муҳокама қилинди.

Ал-Ваъй: Халқ мақолида айтилганидек: «Синалган кўзани синдирма». Аммо мусулмонларнинг айрим ҳокимлари Ливанга қайтадан маблағ оқизиб киритишга зўр бериб уринишмоқда, чунки улар ҳам ўша мустамлакачи кучларнинг хизматкорларидир ҳамда Ливан ҳукмдорлари билан Умматнинг бойликларини талон-торож қилишда шерикдирлар. Фарқи шундаки, қайтадан маблағ киритаётганлар Умматнинг нефть ва газ каби улкан бойликларига қўл узатиб, фойдасини мустамлакачи Ғарб ҳокимлари билан бўлишишади. Бу эса Ғарбнинг «қўғирчоқ» мусулмон ҳокимларни ўз ўринларида қолдириши, уларнинг Уммат устидан ҳукмронлик қилиш ва «қароқчилик» ишларини давом эттириш муддатини узайтириб бериши учун қўйган шартидир. Ливан ҳокимлари халқ маблағларини, ҳатто фуқароларнинг шахсий банк ҳисобларидан қайта-қайта ўғирлаган бўлишса-да, минтақадаги Ғарбга малай ҳокимлар уларни ҳар қандай қийинчиликдан қутқариб қолишлари, шунингдек, Умматнинг ўз шаръий ҳуқуқ ва бурчларини, ҳокимлар зиммасидаги мажбуриятларни билмайдиган, шу сабабли уларни Ислом асосида муҳосаба қилмайдиган, балки воқелик қандай бўлса эргашиб кетаверадиган бир қатлами мавжудлиги туфайли ўзларини жавобгарликдан хотиржам ҳис қилишади.

Башарнинг қочганига бир йил тўлиши муносабати билан ўтказилган маросимда Шомнинг янги ҳокимлари Умавийлар жомеъси минбарида Арабистон ярим оролидаги илмоний золим Ибн Салмоннинг «фазилатлари»ни тилга олиб, унга нисбатан ҳурматсизлик қилишмоқда ҳамда алдов ва фақат ҳарбий либос кийиш билан кифояланган ҳолда Умматни яҳудий давлатига қарши урушдан тўхтатишга уринишмоқда

Сурия президенти Аҳмад Шара душанба куни Саудия валиаҳд шаҳзодаси Муҳаммад бин Салмон берган ҳадяни намойиш этди. Шаранинг маълум қилишича, Саудия валиаҳд шаҳзодаси унга Каъбаи Мушаррафанинг пардасидан Қуръони Каримдаги:

﴿وَإِذۡ جَعَلۡنَا ٱلۡبَيۡتَ مَثَابَةٗ لِّلنَّاسِ وَأَمۡنٗا وَٱتَّخِذُواْ مِن مَّقَامِ إِبۡرَٰهِـۧمَ مُصَلّٗىۖ﴾

«Эсланг: «Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва мақоми Иброҳимни намозгоҳ қилиб олинг», (дедик)». [Бақара 125]

ояти ёзилган. Ушбу парча пойтахт Дамашқдаги Умавийлар жомеъ масжиди ҳудудига қўйиладиган бўлди.

Шара Умавийлар масжидида ҳарбий либосда бомдод намозини адо этди ва Башар Асад режими қулаганининг бир йиллиги муносабати билан нутқ сўзлади.

Ал-Ваъй: Кўринишидан Жўлоний ҳануз Уммат имкониятларини менсимаётганга ўхшайди. Чунки у Умматни ўзининг ва Шом инқилоби даврида ўз тақдирини «дўст» давлатларга боғлаган сафдошларининг тажрибасига қараб баҳоламоқда. Бу давлатлар Шом инқилобини асл мақсадларидан оғдиришга ҳаракат қилиб, Ғарб мустамлакачилигига қарам бўлган режим, унинг муассасалари ва барча рамзлари ағдарилмаслиги, аксинча эски режим элементлари янги режимга қўшиб юборилиши учун шартли ёрдам берган эди. Шунингдек, Ғарб давлатлари ва Ғарб мустамлакачилик тизими, яъни Америка ва БМТ каби унинг ёрдамчи ташкилотлари ҳамда Араб давлатлари лигаси каби кичик малай ташкилотлари таъсиридан

узилишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари яҳудий давлати билан муносабатларни нормаллаштиришга ундалади ҳамда Ислом бошқаруви ўрнатилмайди, аксинча, миллий ва ирқий жоҳилият ришталари «визуал идентификация» каби номлар остида ва бошқа шу каби шаклларда қайта жонлантирилади.

Патриарх Роий: «Янги Сурия исломий давлат бўлиб чиқди, яъни мусулмон бўлмаган одамнинг Суриядa ўрни йўқ»

Ал-Ваъй: Ҳизб ут-Таҳрирнинг Ливандаги матбуот бўлими ҳижрий 1447 йил 7 жумодус-соний, милодий 2025 йил 28 ноябрь куни Патриархнинг Ливаннинг «Ал-Жадид» каналида «Ҳайда ана» кўрсатувида журналист Самар Абу Халил билан суҳбатда айтган сўзларига муносабат билдириб, матбуот баёноти чиқарди. Баёнотда матбуот бўлими қуйидагиларни таъкидлади: «Мусулмонларнинг ўзлари билан ва ораларида яшаган насронийлар билан бўлган шарафли тарихини, шунингдек, Амин Маълуф ва Шакиб Арслон каби мусулмонларнинг насронийларга бўлган муносабатини холис тасвирлаган ёзувчи ва муфаккирларнинг позицияларини эслашга бу ерда фурсат етмайди. Бироқ шуни таъкидлаймизки, Исломнинг ва Ислом давлатининг насронийларга бўлган қараши Патриарх Роийга жуда яхши маълум. Айниқса, Ҳизб ут-Таҳрир – Ливан вилояти делегацияси 2021 йил 12 январда уни зиёрат қилиб, бу масала хусусида батафсил мактубни унга топширганидан кейин. Мактуб охирида шундай дейилган: «Ғарб, хусусан Америка Ливанда илгари сураётган лойиҳалардан, айниқса Ливан соҳиллари улкан нефть ва газ бойликлари билан тўлиб турган, бу эса Ливанни сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан ҳолдан тойдирган Америка учун кўз олайтириладиган ўлжага айлантирган бир пайтда, эҳтиёт бўлинг. Ўрта ер денгизи шарқидаги улкан газ бойликлари учун курашнинг давоми сифатида Ливан устидаги халқаро рақобатга, хусусан, Америка ва Франция ўртасидаги рақобатга эргашишдан ҳам эҳтиёт бўлинг. Шунинг учун, сизларнинг қатъиятингиз Ливаннинг ўз асли, минтақаси ва

атрофи билан, шунингдек, Ливанни ва унинг атрофини Ғарбга – у хоҳ Америка, Франция ёки бошқаси бўлсин – қарамлик чангалидан қутқариш учун холис ҳаракат қилаётганлар билан бирга бўлишга қаратилмоғи лозим». Унда яна шундай дейилган: «Мана, бугун ҳам у Америка-Европа ташқи аралашувидан иборат ўша эски-янги фитна гирдобида яшамоқда. Агар бу аралашув натижасида қандайдир янгилик пайдо бўлса, у яна бир муваффақиятсиз шакл бўлади. Бу шаклларнинг барчаси ғолиб ва мағлуб бор деган қоидага асосланади. Бу вужуд (Ливан) уни муқаддас нарсага айлантирган минглаб ёлғон рамзлар билан ўраб олинган, ваҳоланки, у ўзининг ягона идентификациясини шакллантира олмаган ва сиёсий тузуми жуда омонат бўлган вужуддир...»

Қуръони Карим суҳбатида

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تَنصُرُواْ ٱللَّهَ يَنصُرۡكُمۡ وَيُثَبِّتۡ أَقۡدَامَكُمۡ﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар, У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва кадамларингизни собит-барқарор қилур»

Устоз Иброҳим Салома

Аллоҳ таборака ва таоло шундай марҳамат қилади:

﴿وَٱلَّذِينَ قُتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَلَن يُضِلَّ أَعۡمَٰلَهُمۡ ٤ سَيَهۡدِيهِمۡ وَيُصۡلِحُ بَالَهُمۡ ٥ وَيُدۡخِلُهُمُ ٱلۡجَنَّةَ عَرَّفَهَا لَهُمۡ ٦ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تَنصُرُواْ ٱللَّهَ يَنصُرۡكُمۡ وَيُثَبِّتۡ أَقۡدَامَكُمۡ﴾

«Аллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кеткизмас. Уларни *(жаннат йўлига)* ***ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар. Уларни*** *(Аллоҳнинг)* ***Ўзи уларга танитган жаннатга киритур. Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар, У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва кадамларингизни собит-барқарор қилур»***. [Муҳаммад 4-7]

Ботил аҳли, боғийлар ва тоғутлар ўзларини ҳеч бир назоратсиз хоҳлаган кишиларига озор беришга, одамлар билан хоҳлаган ишларини қилишга қодир деб ўйлашади. Улар одамларни қўрқитиш ва баъзиларини озор бериш учун кўр-кўрона қурол сифатида ишлатиладиган ёрдамчи ва малайларга айлантириб, ўз томонларига оғдириб олиш учун такаббурлик, тажовуз, қийноқ ва қотилликни намойиш этишади. Ўзларини енгиб бўлмайдиган, ҳисоб-китоб ва сўроқ-савол қилинмайдиган куч деб ҳисоблашади. Мўминлар уларга қарши туришлари, уларни қўлларидан тутиб, озорларини тўхтатишлари лозим. Бироқ бу шунчаки қуруқ эҳтирос билан эмас, балки Аллоҳга итоат қилиш, Унинг динини барпо этиш, Унинг шариатини ҳакам қилиш, бошқарув ва маҳкамада Унинг йўлини маҳкам тутиш,

шунингдек Унга чин дилдан таваккал қилиш ва сабот билан амалга ошади. Ботилнинг салтанати қанчалик кучаймасин, мўмин киши унинг қудратига алданмайди ва ялтироқ кўринишига учмайди. Чунки, мўминлар иймон, амал ва Аллоҳнинг шариатини маҳкам тутиш билан ботилга қарши турсалар, у қанча узоқ давом этмасин, барибир завол топади.

Сўнг Аллоҳ Таоло Ўз йўлида ўлдирилганлар зотларнинг карoматини баён қилиб, шундай дейди:

﴿وَٱلَّذِينَ قُتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَلَن يُضِلَّ أَعۡمَٰلَهُمۡ﴾

«Аллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кеткизмас».[Муҳаммад 4]

Яъни уларнинг амаллари сақланган бўлиб, зое кетмайди. Балки улар итоат ва Аллоҳнинг розилигини кўзлаб қилинган амаллардир. Аллоҳ уларни ҳидоят қилиш ва ҳолларини ўнглашни Ўз зиммасига олади:

﴿سَيَهۡدِيهِمۡ وَيُصۡلِحُ بَالَهُمۡ﴾

*«**Уларни** (жаннат йўлига)* ***ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар»***.[Муҳаммад 5]

сўнг уларни жаннат билан мукофотлайди:

﴿وَيُدۡخِلُهُمُ ٱلۡجَنَّةَ عَرَّفَهَا لَهُمۡ﴾

*«**Уларни** (Аллоҳнинг)* ***Ўзи уларга танитган жаннатга киритур»***.[Муҳаммад 6]

Яъни У уларни уларга ваъда қилган жаннатга киритади. Гўё улар Аллоҳнинг ваъдасини тасдиқлаганлари ва Унинг розилигини истаб жиҳодга чиққанларидаёқ унинг неъматларини билганлар ва хушхабарларидан баҳраманд бўлганлар.

Аллоҳ Субҳанаҳу айтади:

﴿وَلَا تَحۡسَبَنَّ ٱلَّذِينَ قُتِلُواْ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ أَمۡوَٰتَۢاۚ بَلۡ أَحۡيَآءٌ عِندَ رَبِّهِمۡ يُرۡزَقُونَ﴾

«Аллоҳ йўлида ўлдирилганларни асло ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тирикдирлар! Роббилари ҳузурида ризқланиб турурлар».[Оли Имрон 169]

Мана шу икром, розилик ва эътибор билан Аллоҳ мўминларни Ўзига итоат қилишга, ўзини бутунлай Унга бағишлашга ва Унинг динини ҳаёт воқелигида барпо этишга ундайди. Шаҳидлар энг шарафли қалблар ва энг пок нафслар эгаларидир; улар дунё матоси ва унинг зийнатларидан энг узоқ, мусулмонлар ва уларнинг диёрларини ҳимоя қилишга энг ҳарис кишилардир. Шу боис улар Аллоҳнинг динига ёрдам бериш йўлида жонларини фидо қиладилар.

Мана шу сабабдан ваъда ва шарт хитоби келади:

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تَنصُرُواْ ٱللَّهَ يَنصُرۡكُمۡ وَيُثَبِّتۡ أَقۡدَامَكُمۡ﴾

«Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар, У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва кадамларингизни собит-барқарор қилур». [Муҳаммад 7]

Аллоҳга ёрдам бериш Унга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда, Унга итоат қилиш учун ўзини бағишлаш билан, мўминнинг қалбида Аллоҳ ва Унинг Расули саллоллоҳу алайҳи васаллам ўз жони, моли ва фарзандидан кўра севимлироқ бўлиши билан, Аллоҳнинг калимаси энг олий бўлиши билан амалга ошади. Бу ёрдам Аллоҳнинг шариати ва манҳажига амал қилишда, ҳаётнинг барча соҳаларида адолат ва инсоф қилишда, мўминни динига ёрдам беришдан қўрқув ёки иккиланиш тўсиб қолмаслигида ва Аллоҳ йўлида ҳеч бир маломатчининг маломати уни тўхтата олмаслигида намоён бўлади.

Аллоҳ Таолонинг

﴿يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ إِن تَنصُرُواْ ٱللَّهَ يَنصُرۡكُمۡ وَيُثَبِّتۡ أَقۡدَامَكُمۡ﴾

«Қадамларингизни собит-барқарор қилур». [Муҳаммад 7]

деган сўзига келсак, собит қилиш жангдан олдин ниятни холис қилиш билан бирга пухта тайёргарлик кўриш, бор куч-имкониятни сарфлаш орқали бўлади. Жанг пайтида эса қийинчилик кучайган чоғда собит туриш билан, ғалабадан кейин эса итоатда собит туриш, адолатни қарор топтириш, тўғри йўл тутиш ва яхшилик қилиш орқали намоён бўлади. Токи ғалаба фитнага айланиб кетмасин.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿۞فَلۡيُقَٰتِلۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ ٱلَّذِينَ يَشۡرُونَ ٱلۡحَيَوٰةَ ٱلدُّنۡيَا بِٱلۡأٓخِرَةِۚ وَمَن يُقَٰتِلۡ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَيُقۡتَلۡ أَوۡ يَغۡلِبۡ فَسَوۡفَ نُؤۡتِيهِ أَجۡرًا عَظِيمٗا ٧٤ وَمَا لَكُمۡ لَا تُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱلۡمُسۡتَضۡعَفِينَ مِنَ ٱلرِّجَالِ وَٱلنِّسَآءِ وَٱلۡوِلۡدَٰنِ ٱلَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَآ أَخۡرِجۡنَا مِنۡ هَٰذِهِ ٱلۡقَرۡيَةِ ٱلظَّالِمِ أَهۡلُهَا وَٱجۡعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ وَلِيّٗا وَٱجۡعَل لَّنَا مِن لَّدُنكَ نَصِيرًا ٧٥ ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱلطَّٰغُوتِ فَقَٰتِلُوٓاْ أَوۡلِيَآءَ ٱلشَّيۡطَٰنِۖ إِنَّ كَيۡدَ ٱلشَّيۡطَٰنِ كَانَ ضَعِيفًا﴾

«Аллоҳ йўлида бу ҳаёти дунё эвазига охиратни сотиб оладиган зотлар жанг қилсинлар. Ким Аллоҳ йўлида жанг қилиб ўлдирилса ёки ғалаба қилса, унга улуғ мукофот ато этажакмиз. *(Эй мўминлар),* ***сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ва «Роббано, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркаклар, аёллар ва болалардан иборат бўлган бечоралар****(ни озод қилиш)* ***йўлида жанг қилмаяпсизлар?! Иймон эгалари Аллоҳ йўлида жанг қиладилар, кофир кимсалар эса шайтон йўлида жанг қиладилар. Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз! Шубҳасиз, шайтоннинг макри заифдир»***.[Нисо 74-76]

Мўминлар Аллоҳнинг динига ёрдам бериш, мусулмонларни ҳимоя қилиш, золимларнинг кучини синдириш ҳамда эркаклар, аёллар ва болалардан иборат бечораларга ёрдам бериш учун Аллоҳ йўлида жанг қиладилар. У бечоралар шундай кишиларки, ёлвориб қўлларини кўтариб:

﴿رَبَّنَآ أَخۡرِجۡنَا مِنۡ هَٰذِهِ ٱلۡقَرۡيَةِ ٱلظَّالِمِ أَهۡلُهَا﴾

«Роббано, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил…» [Нисо 75]

деб дуо қиладилар. Бу эса Умматни уйғотувчи бир хитобдир: уни ўз биродарларига ёрдам беришдан ва улардан тажовузни даф қилишдан нима тўсиб турибди?!

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Бирор киши бир мусулмонни унинг ҳурмати поймол қилинаётган ва обрўси тўкилаётган жойда ёрдамсиз ташлаб қўйса, Аллоҳ**

ҳам уни Ўз ёрдамига муҳтож бўлиб турган ўринда ёрдамсиз ташлаб қўяди. Бирор киши бир мусулмонга унинг обрўси тўкилаётган ва ҳурмати поймол қилинаётган жойда ёрдам берса, Аллоҳ ҳам унга Ўз ёрдамига муҳтож бўлиб турган ўринда ёрдам беради» (Абу Довуд ривояти).

Бошқа умматлар мусулмонларга иттек ташланаётган бу воқелик тушкунликка тушишга ва золимларга бўйсуниб қолишга эмас, балки ақида ва шариат асосида исломий ҳаётни қайта бошлашга туртки бўлиши лозим.

Сўнг Аллоҳ Таоло икки гуруҳ ўртасидаги фарқни баён қилади:

﴿ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱلطَّٰغُوتِ﴾

«Иймон эгалари Аллоҳ йўлида жанг қиладилар, кофир кимсалар эса шайтон йўлида жанг қиладилар». [Нисо 76]

Демак, мўминларнинг йўли – ибодат, итоат ва манҳаждир. Тоғут аҳлининг йўли эса Аллоҳнинг шариатига зид бўлган ҳавойи нафс, тузумлар ва қонунлардир. Тоғут – Исломдан бошқа асосга қурилган ва Аллоҳ буюрмаган ҳар қандай нарсадир. Сўнг Аллоҳ Субҳанаҳу шундай дейди:

﴿فَقَٰتِلُوٓاْ أَوۡلِيَآءَ ٱلشَّيۡطَٰنِۖ إِنَّ كَيۡدَ ٱلشَّيۡطَٰنِ كَانَ ضَعِيفًا﴾

«Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз! Шубҳасиз, шайтоннинг макри заифдир». [Нисо 76]

Шундай экан, ботилнинг овози баланд бўлса ҳам, у сизларни қўрқитмасин. Чунки, унинг макри содиқ иймон ва чиройли сабот қаршисида заифдир.

Аллоҳ Таборака ва Таоло айтади:

﴿إِنَّ ٱللَّهَ ٱشۡتَرَىٰ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ أَنفُسَهُمۡ وَأَمۡوَٰلَهُم بِأَنَّ لَهُمُ ٱلۡجَنَّةَۚ﴾

«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди». [Тавба 111]

Аллоҳ – яратувчи ва барча нарсанинг эгаси бўлган Зот – мўмин бандаларига буюк бир савдони таклиф этиб, уларга марҳамат кўрсатади: улар Унинг итоати йўлида жонлари ва молларини фидо қиладилар, У эса муқаддас китоблар ва Қуръондаги ҳақ

ваъда ўлароқ уларни жаннат билан мукофотлайди. Мўминлар Аллоҳ билан тузган аҳдларига вафо қиладилар:

﴿يُقَٰتِلُونَ فِي سَبِيلِ ٱللَّهِ فَيَقۡتُلُونَ وَيُقۡتَلُونَۖ﴾

«Улар Аллоҳ йўлида жанг қилиб *(кофирларни)* ***ўлдирадилар ва*** *(ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб)* ***ўлдириладилар»***.[Тавба 111]

Ҳақ аён бўлиб, йўл равшанлашганидан сўнг, уларни аҳдларига вафо қилишдан ҳеч нарса тўсиб қола олмайди. Сўнг Аллоҳ буни хушхабар билан якунлайди:

﴿فَٱسۡتَبۡشِرُواْ بِبَيۡعِكُمُ ٱلَّذِي بَايَعۡتُم بِهِۦۚ وَذَٰلِكَ هُوَ ٱلۡفَوۡزُ ٱلۡعَظِيمُ﴾

«Бас, *(эй мўминлар),* ***қилган бу савдоларингиздан хурсанд бўлингиз. Мана шу ҳақикий буюк бахтдир»***.[Тавба 111]

Аллоҳдан ниятимизни билади.

Парвардигоро, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги хатоларимизни мағфират айла, қадамларимизни собит қил ва бу золим қавм устидан Ўзинг бизни ғолиб қил! Аллоҳ Таоло саййидимиз Муҳаммадга, у кишининг аҳли-оиласига ва барча саҳобаларига салавоту салом ва баракотларини ёғдирсин. Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамд бўлсин.

﴿وَٱللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰٓ أَمۡرِهِۦ وَلَٰكِنَّ أَكۡثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعۡلَمُونَ﴾

«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир лекин одамларнинг кўплари *(буни)* ***билишмайди»***. [Юсуф 21]

Яҳуд вужуди – одамларнинг ҳимояси билан оёқда турган ва у узилгандан сўнг тез орада қулайдиган ноқонуний вужуддир

Германия канцлери Фридрих Мерц Германия ва бошқа давлатлар ўнлаб йиллар давомида яҳуд вужудига кўрсатиб келган ҳарбий ёрдам унинг сақланиб қолишида ҳал қилувчи омил бўлганини таъкидлаб, шундай деди: «Агар биз ва бошқалар бу ҳарбий ёрдамни (“Исроил” га) бермаганимизда эди, бу давлат бугун мавжуд бўлмас эди».

Шу контекстда АҚШ президенти Дональд Трамп Жўлон тепаликларини тан олишни ҳеч бир томон, ҳатто ўзининг энг яқин иттифоқчилари ҳам талаб қилмаганини, бироқ минтақанинг хавфсизлик ва тарихий жиҳатлари билан танишиб чиққач, бу қарорни тезлик билан қабул қилганини айтди.

Трамп «Дейли Коллер» нашрига берган аввалги интервьюсида шундай деган эди: «Ҳеч ким “Исроил” га менчалик ёрдам бермаган, жумладан, Эронга қилинган сўнгги ҳужумлар пайтида ҳам». Трамп 12 кунлик уруш пайтида АҚШ ҳужумлари Эроннинг ядровий дастурини бутунлай йўқ қилганини таъкидлаб: «Биз уларни ушбу самолётлар билан илгари ҳеч ким кўрмаган тарзда вайрон қилдик», - деб қўшимча қилди.

Бу – ушбу ноқонуний вужудни бугунги кунгача ушлаб турган омилларнинг яққол намунасидир. Аслида у ўргимчак тўридан ҳам заифроқдир. Унинг раҳбарлари эса арслон ҳайбатини кўрсатишга уринаётган мушукка ўхшайди. Яҳудий бош вазири ўз вужуди, унинг имкониятлари ва «етти фронтдаги уруши» ҳақида гапирганда, ўзи ҳам, ҳукуматидаги шериклари ҳам унинг ёлғонини жуда яхши билишади. Қандай қилиб билмасин, ахир у мусулмонларнинг ва қўшни давлатларнинг ҳокимлари у билан тил бириктириб, вужуди ҳимоясини таъминлаётганини, Уммат армиялари ва кучларини уларга етиб боришдан тийиб турганини кўриб турибди-ку! У Ғарб ва унинг бошида турган Америка ўзининг бор имконияти билан улар томонда турганини, уларни қурол, маблағ, тажриба ва сиёсий қарорлар билан таъминлаб, зўравонлик ва ваҳшийликларини амалга оширишлари учун

пўлатдек ҳимоя яратиб бераётганини кўриб турибди!! Бу – пайғамбарларидан кейин Аллоҳнинг арқони узилгач, ушбу вужуд учун қолган одамларнинг арқонидир. Энди улар учун фақат одамларнинг – Америка ва унга эргашганларнинг ҳимояси қолди ва у ҳам узилиш арафасида. АҚШ президенти Трамп яҳудийларнинг Ҳанука байрами муносабати билан Оқ уйда ўтказилган йиллик маросимда Америка яҳудий жамоаси раҳбарлари олдида шундай деди: «“Исроил” ва яҳудий лоббиси Вашингтондаги таъсирини йўқотди, Конгресс эса антисемитик бўлиб қолди». Трамп яҳудий жамоаси ва уларнинг иттифоқчиларини огоҳлантириб: «Улар жуда эҳтиёт бўлишлари керак, чунки яҳудийлар ва (“Исроил” нинг) глобал мавқеи учун ёмон нарсалар содир бўлмоқда», - деди.

Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзлари ростдир:

﴿ضُرِبَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلذِّلَّةُ أَيۡنَ مَا ثُقِفُوٓاْ إِلَّا بِحَبۡلٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَحَبۡلٖ مِّنَ ٱلنَّاسِ وَبَآءُو بِغَضَبٖ مِّنَ ٱللَّهِ وَضُرِبَتۡ عَلَيۡهِمُ ٱلۡمَسۡكَنَةُۚ ذَٰلِكَ بِأَنَّهُمۡ كَانُواْ يَكۡفُرُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ وَيَقۡتُلُونَ ٱلۡأَنۢبِيَآءَ بِغَيۡرِ حَقّٖۚ ذَٰلِكَ بِمَا عَصَواْ وَّكَانُواْ يَعۡتَدُونَ﴾

«Агар Аллоҳнинг ва одамларнинг** (яъни мусулмонларнинг) **аҳди паноҳида бўлишмаса, албатта уларга қаерда бўлишмасин, хор-зорлик битиб қўйилди. Улар Аллоҳнинг ғазаби билан кетишди ва уларга бечорахоллик ёзиб қўйилди. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилишлари ва пайғамбарларни нохақ ўлдиришларидир. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлишганидир». [Оли Имрон 112]

Мусулмон мусулмоннинг биродаридир: унга зулм қилмайди ва уни ёрдамсиз ташлаб қўймайди

Ғазо аҳлининг фожиаси авж олган, кунлар шаҳидлар сони билан, кечалар эса бошпанасиз ва дори-дармонсиз ухлаб қолган болалар сони билан ўлчанаётган бир пайтда «Араб кубоги» байроқлари гуё мағлубиятни беркитувчи ғалаба тимсолидек кўтарилмоқда. Телевизор экранларида бир тўпнинг дарвозага киритилиши катта воқеадек намойиш этилса, чақалоғини бағрига босиб йиғлаётган онанинг кўз ёшлари эса «оддий бир хабар» сифатида ўтиб кетмоқда. Халқлар бир жамоанинг ғалабаси, бошқасининг мағлубияти билан машғул қилинмоқда, уларга қонли воқеаларни унуттирадиган ҳаяжон улашилмоқда. Уларни бирдам бўлишга, ёрдамга ошиқишга, Аллоҳ ва тарих олдида ростгўй бўлишга чақириш керак бўлган бир вақтда, улар сохта хурсандчиликка чақирилмоқда.

Бу қандай кубок ўзи? Бу – ғафлат кубоги! Бу – онгни ўчириш, хотирани кўмиш ва золимларни қўрқитадиган саволларни сўндириш учун ичиладиган қадаҳ. Гўё жароҳатга: «Жим бўл, ўйин бошланди» деяётгандекмиз! Гўё вайрон бўлган шифохоналарга: «Кутиб туринглар, спорт шарҳловчисининг овози Ғазо ва бошқа жойлардаги минглаб болаларнинг, фарзандидан айрилган минглаб оналарнинг ва азобдан инграётган минглаб ярадорларнинг оҳу-зоридан баландроқ-ку!» - деяётгандекмиз. «Араблар»дан ҳеч ким бу яраларни даволаш учун амалда ёрдамга келмади, фақат шикоят ва расмий қораловлар билан чекланилди. Бундай баёнотлар эса бирорта самолётни тўхтатмайди, бирорта ракетани ортга қайтармайди.

Ғазо ёлғиз эмас. Уруш ва бўлиниш билан ҳолдан тойган Суданга, қашшоқлик, қамал ва узоқ давом этаётган қон тўкилиш гирдобидаги Яманга, йиллардан бери кўз ёши қуримаётган Сурияга, инқироз ва қўрқув ёқасида ташлаб қўйилган Ливанга, Кашмир, Роҳинжа ва Шарқий Туркистонга қаранг...

Фожиалар бирин-кетин содир бўлмоқда, биз эса уларга қўшиқлар билан шарҳ ёзмоқдамиз, фестиваллар билан уларни сукутга чўмдирмоқдамиз.

Бу янгилик эмас; футбол катта жароҳатлардан сўнг «оғриқни босувчи восита» сифатида шундай ишлатилади. 1982 йил Байрут қамал қилиниб, бомбардимонга тутилган вақтда, дунё Испаниядаги Жаҳон чемпионатини томоша қилиб бедор эди. Харобалар остига тириклайин кўмилаётганлар фонида урилган голлар намойиш этилаётган эди. 2014 йил дунё экранлари Бразилиядаги Мундиалга шўнғиган эди, ўша кунларда Ғазода яна уруш алангаси авж олди; ҳайқириқлар бомбардимон хабарлари билан қоришиб кетди ва охир-оқибат ҳайқириқлар устун келди.

Эй Уммат... Муаммо футбол ўйинининг ўзида эмас, балки сотилаётган қалбда, жароҳатлар устидаги рақсда. Муаммо – кўз ўнгимизда биродарларимизнинг жасадлари тилка-пора бўлиб ётар экан, ҳақиқий ғазаб билан ғазабланиш ўрнига, арзимас бир нарсадан сунъий қувонч излаб, шу қувончга етакланишимизда. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Мусулмон мусулмоннинг биродаридир, унга зулм қилмайди ва уни ёрдамсиз ташлаб қўймайди»**. «Уни ёрдамсиз ташлаб қўймайди» дегани – уни унга озор бераётган киши билан ташлаб қўймайди, балки унга ёрдам беради ва ундан зулмни даф этади, деганидир. Хўш, бугун оғир азобга дучор бўлаётган мусулмон биродарларингизга «Араб кубоги» орқали қандай ёрдам бердингиз?!

«Ал-Ваъй» журнали расмий манбалари:

- **Веб-сайт:** www.al-waie.org
- **Facebook:** https://www.facebook.com/alwaie.info
- **X (Twitter):** https://x.com/alwaiemagazine
- **Instagram:** https://instagram.com/alwaiemagazine
- **Dailymotion:** https://dailymotion.com/alwaiemagazine